**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

# ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУ+У+ИlДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Тошкент2005**

.

# МАВЗУ: ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУ+У+И ТУШУНЧАСИ

## РЕЖА:

**1. Бозор и=тисодиёти шаклланиши шароитида хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг роли.**

**2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг тушунчаси ва унинг предмети**

**3. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг асосий тамойиллари**

**4. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг бош=а ҳу=у=ий фанлардан фар=и**

**Бозор и=тисодиёти шаклланиши шароитида хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг роли.**

Республикамизнинг ижтимоий и=тисодий соҳаларида бозор муносабатларини тобора чу=урлашиб бориши хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Чунки режали та=симот тизими пайтида барча муносабатлар, шу жумладан товар ишлаб чи=ариш ҳам, ю=оридан берилган буйру=лар, топшири=лар, =арорлар асосида амалга оширилар эди. Ушбу маъмурий тизим туфайли республикамизда ҳал= хўжалигининг фа=ат бир соҳаси, яъни хом ашё етказиб бериш тузилмасигина ривожланган эди.

Шу сабабли ҳозирги кунда ҳам айрим хом ашёлар: техника воситалари, асбобускуналар, айрим ози=ов=ат маҳсулотлари, саноат моллари ва=тинча четдан келтирилмо=да.

Республикамизда аксарият мавжуд корхоналарнинг =оло= техника воситалари билан таъминланганлиги улар томонидан ишлаб чи=арилган маҳсулотларнинг сифатсиз, бозор талабига мос келмай =олаётганлигига сабаб бўлмо=да.

Бунинг устига илгариги бир томонлама =абул =илинган, пухта ўйланмаган =арорларга кўра амалга ошириш мўлжалланган =айта =уришнинг амалда барбод бўлганлиги о=ибатида соби= республикаларнинг барчаси и=тисодий зарбаларга учради. Ёппасига пулнинг =адрсизланиши, товарларнинг =имматлашуви, бир ва=тлар ягона бўлган молия, пулкредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик ало=аларининг бузилиши Ўзбекистоннинг ҳам и=тисодий ҳолатига таъсир кўрсатмай =олмади.

Республикамиз муста=илликка эришгандан сўнг ички и=тисодий муносабатларимизни жуда но=улай шароитда бошлашга тў\ри келди. Ички и=тисодий сиёсатнинг моҳияти инсон манфаатларига =аратилиб, меҳнатни ра\батлантириш, аҳолининг ижтимоий ночор =атламларини давлат йўли билан ҳимоя =иладиган бозор и=тисодиётини =уришдан иборат бўлди.

Тарихий тажрибадан маълумки, кўпгина мамлакатларда и=тисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларида тафовутлар бўлишига =арамай, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги бос=ичига бозор и=тисодиёти жуда мос келмо=да ва самарали ҳаракат =илмо=да.

Бозор муносабати ҳа=ида Президентимиз жуда ани= таъриф берганидек, фа=ат уюшган бозоргина бугунги кунда ҳал=нинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, бо=имандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, ра\батлантиришни ва йў=отилган хўжайинлик туй\усини =айта тиклайди.

Ишлаб чи=арувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чи=аришни истеъмолчинининг манфатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни ани= ҳисобга олиш, коньюктура ўзгаришларига =араб тезликда иш тутиш имконини беради. Тежамли хўжалик юритишнинг кучли о=илона

жиҳатларини яратади, ҳаражатларни камайтиради, талонтарожга =арши курашади.

Фа=ат бозоргина янгиликларга сезгирлик =илиб, фан ва техниканинг энг сўнгги юту=ларини дадил ва \айрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.[1]

Бозор муносабатлари Республикамизда борган сари чу=урлашиб бормо=да. Моддий ишлаб чи=ариш ва айри
бошлаш тобора ривожланмо=да. Лекин унинг ўзига хос хусусиятларига ҳам эътибор бериш лозим.

Бозор и=тисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан =араш керак,деган эди И.А. Каримов. Бозор и=тисодиётининг фа=ат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айни=са унинг шаклланиш бос=ичида узо= ва чу=ур и=тисодий ин=ирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг =адрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин таба=алашуви, ҳу=у==а зид хаттиҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тў\ри ечимлар топа билиш керак.[2]

Демак, бозорга ўтиш, бу ҳозирги даврдаги му=аррар жараёндир. Айни ва=тда бозор бу фа=ат ма=сад эмас, балки янги =адриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан ю=ори даражасига эришиш услуби ва воситасидир.

Шу сабабли бозор муносабатлари корхона, ташкилотларнинг ва бош=а турдаги товар, маҳсулот ишлаб чи=арувчиларнинг ўзаро шартномавий муносабатлари билан узвий бо\ли=дир.

Бозор муносабатлари давридаги товар ишлаб чи=ариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш билан бо\ли= жараёнлар республикамизнинг бир =атор =онунларида, жумладан, Фу=аролик Кодекси[3], «Мулкчилик тў\рисида”[4], «Ижара тў\рисида”[5], «+ишло= хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тў\рисида”[6], «Деҳ=он хўжалиги тў\рисида”[7], «Фермер хўжалиги тў\рисида”,“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида”ги[8] ва бош=а бир =атор =онунлар билан ҳу=у=ий тартибга солинади. Анашу ва шунга ўхшаш бош=а =онунлар бозор муно сабатларини тартибга солувчи муҳим ҳу=у=ий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Хўжалик ҳу=у=и эса ушбу =онунларга таяниб ривожланади, бозор и=тисодиётининг шаклланиш жараёнида муҳим ҳу=у=ий восита бўлиб хизмат =илади.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз исти=лол ва тара=иёт йўли. Т. Ўзбекистон, 24- бет.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз исти=лол ва тара=иёт йўли. Т. Ўзбекистон, 28- бет.
[3] Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик Кодекси. Т., Адолат, 1998 й.
[4] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон.
[5] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 45-модда.
[6] Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5,6-сон, 84-модда
[7] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й., 5,6 -сон, 88-модда.
[8] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5,6-сонлар, 140-модда

**Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=инининг тушунчаси ва унинг предмети**

Хжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ига таъриф беришдан аввал унинг ҳу=у= тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ига бир томондан ҳу=у=нинг муста=ил соҳаси сифатида, иккинчи томондан =онунчилик тармо\и, учинчидан фан, тўртинчидан ў=ув предмети (фани) сифатида =аралади.

Аммо айрим олимлар хўжалик ҳу=у=ини =онунчилик тармо\и, фан ва ў=ув предмети деб тан олсада, ҳу=у= тармо\и эканлигига шубҳа билан =арайдилар. Жумладан, Ю.К. Толстой хўжалик ҳу=у=ига ҳу=у=ларнинг (комплекси) йи\инди соҳаси деб =арайди. Бу фикр айрим олимлар томонидан =увватланади. Бунинг исботи сифатида Алексеев С.С. фикрини келтирайлик. Унинг =арашича, хўжалик ҳу=у=и "фу=аролик хўжалик ҳу=у=и ва маъмурий хўжалик ҳу=у=и" дан иборат бўлиб, ҳу=у= тизимида "иккинчи даражали тузилма" сифатида =аралмо\и керак.

Айрим олимлар эса хўжалик ҳу=у=ини ҳу=у=ларнинг (комплекс) йи\индиси сифатида тан олмасдан, балки хўжалик муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳу=у=ий хужжатларнинг бир бутун йи\индисини ташкил этади деб (Яковлев В.Ф, Якушев В.Ц.) ҳисоблайдилар.

Бош=а гуруҳ муаллифларининг, масалан И.Е.Краськонинг фикрича, хўжалик ҳу=у=и давлат секторида вужудга келадиган хўжалик муносабатларини тартибга солади, О.А.Красавчиков фикрича, хўжалик ҳу=у=и функциялари ўзаро бирбири билан бо\ли= бўлган турли хил ҳу=у= соҳаси =оидалари жамланган ҳу=у=ий массивдир. Ушбу фикрларга =арши ўларо=, ўтган асрнинг охирги йилларига келганда хўжалик ҳу=у=ини ягона, муста=ил ҳу=у= соҳаси сифатида илгари сурган янги концепция, =арашлар юзага келди. Бу =арашларга кўра, хўжалик ҳу=у=и корхона, ташкилотларнинг ўзаро ва уларнинг бўлимлари билан бўладиган хўжалик фаолиятини амалга оширишда раҳбарлик =илишда ташкил топадиган муносабатларни тартибга солади. Бундай =арашнинг асосий вакили, тарафдори В.В. Лаптев эди. Унинг фикрича хўжалик ҳу=у=и ҳу=у=нинг муста=ил соҳаси сифатида ўзида ҳу=у=ий =оидалар йи\индисини ифода этади. Шу сабабли у хўжалик ҳу=у=ига шундай таъриф беради: хўжалик ҳу=у=и хўжалик юритишнинг ма=садга мувофи=лигини таъминлаш ма=садида, ҳу=у=ий бош=аришнинг турли хил усулларидан фойдаланилган ҳолда корхона, ташкилотлар ва уларнинг бўлимлари ўртасидаги хўжалик муносабатларини тартибга солувчи хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ва раҳбарлик тартибини белгиловчи =оидалардан иборатдир.

Маълумки, хўжалик фаолияти, соби= тузум шароитида ягона мулкка ва давлат режасига асосланган хўжалик муносабатларидан иборат бўлиб. у горизонтал хўжалик муносабатларини худди шундай уларга раҳбарликдан келиб чи=адиган вертикал муносабатларини ўз ичига =амраб олган эди.

Хўжалик ҳу=у=и хўжалик муносабатларининг субъектлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал ало=аларни тартибга солади. Аммо ҳозирги муносабатлар режали та=симотдан, маъмурий буйру=бозликдан мутла=о ҳоли бўладиган и=тисодий муносабтлардир. Бу муносабатда иш-тирок этадиган субъектлар мутла=о эркин бўлиб, фа=ат =онунга ва тузилган шартнома шартларига =атъий риоя этадилар.

Бозор муносабатларини тобора ривожланиб бориши, янгиянги мулкдорлар гуруҳини тадбиркорларни келтириб чи=арадиган бу гуруҳлар хўжалик муносабатларининг муста=ил субъекти бўлиб иштирок этади. Улар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг аксарияти хўжалик =онунчилиги билан тартибга солинади. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар доираси, бозор и=тисодиётининг ривожланиб бориши билан бирга борган сари кенгайиб боради, хусусан товар ишлаб чи=ариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида корхо-налар, тадбиркорлар, фермерлар, деҳ=он хўжаликлари, банклар, биржалар ва шунга ўхшаш бош=а субъектлар ўзига хос махсус фаолият кўрсатадилар.

Шу туфайли хўжалик ҳу=у=ининг тушунчаси, хўжалик ҳу=у=ининг предмети =андай? У муста=ил фан тармо\ими? Ёки тадбиркорликнинг турими? Тадбиркорлик муносабатлари ҳам хўжалик муносабатларини ташкил этадими? каби саволларнинг жавобларини ани=лаштириш лозим, шундан сўнг хўжалик (тадбиркорлик) ху=у=ининг ўзига хос тамойилларига тўли= тавсиф бериш мумкин. Хўжалик ху=у=и ху=у= тармо\и сифатида хўжалик ва и=тисодиёт соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи нормалар йи\индисидан иборат. “И=тисодий фаолият“ термини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53моддасида белгиланган. “И=тисод“ сўзи “экономика“ грекча “экономос“сўзидан олинган бўлиб, “хўжалик“ деган маънони англатади. Ушбу термин =онун чи=арувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар“ деб номланган ХШ бобида =ўлланилган. Бундан таш=ари Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 69моддасида “хўжалик фаолияти“ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида”ги +онуннинг 18моддасида “и=тисодий фаолият“ иборалари =ўлланилганлигини мисол тари=асида кўрсатиб ўтиш мумкин.

И=тисодий (хўжалик) фаолиятни =уйидаги бос=ичларини:

- ишлаб чи=ариш (эксплуатация)гача бўлган бос=ич (рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, рухсатнома олиш);
- ишлаб чи=ариш (эксплуатацион), (товарларни ишлаб чи=ариш, уларни топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш);
- ишлаб чи=аришдан (эксплуатациядан) кейинги бос=ич (соли= хизмати олдидаги, статистика органлари олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши);

и=тисодий (хўжалик) фаолияти манфаатларининг субъектлари сифатида:

- жамият ва давлат;
- корхоналарнинг меҳнат жамоалари;

- маҳсулот истеъмолчилари;
- корхона мулкдорларини ажратиш мумкин.

Хўжалик фаолияти жараёнидаги манфаатлар ҳудуд ва миллий сифатлари бўйича таснифланади:

1. Миллий ва хорижий
2. Регионал ва маҳаллий
3. И=тисодиёт соҳалари бўйича.

Жумладан, нотижорат муносабатларни, шунингдек давлат ва жамият манфаатини таъминлаш ма=садида давлат томонидан и=тисодиётни тартибга солиш билан бо\ли= муносабатларни тартибга солиб турувчи =оидалар йи\индисини ўзида мужассамлаштиради.[9]

Хўжалик фаолияти фа=ат товар ишлаб чи=аришга оид муносабат эмас, балки ишлаб чи=аришни бошлаш учун бино олиш ёки =уриш, жой олиш, ё=ил\и, хом ашё, асбоб ускуналарга эга бўлиш билан бо\ли= муносабатларни ҳам =амраб олади. Ана шулар хўжалик ҳу=у=ининг предметини ташкил этувчи муносабатлар бўлиб, бевосита даромад (фойда) олишга =аратилмаган бош=а ма=садлар билан ҳам бо\ли= бўлади. Булар жумласига мулкни бош=ариш, корхонани тузиш ва тугатиш бўйича ташкилиймулкий тусдаги бо\ли= барча фаолиятларни киритишимиз мумкин.

Хўжалик муносабатларининг асосий =исмини хўжалик субъектларининг ўзаро вертикал ва горизонтал муносабатлари ташкил этади. Хўжалик ҳу=у=и фанида **хўжалик муносабатлари асосан уч гуруҳга:** хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан бо\ли= муносабатларга, хўжаликка раҳбарлик =илишдан келиб чи=адиган (хўжаликни бош=ариш) муносабатларга ҳамда ички муносабатларга ажратилади.

Хўжалик муносабатларининг **биринчи гуруҳи** бевосита маҳсулот ишлаб чи=ариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш билан бо\ли= хўжалик фаолиятидир.

Хўжалик муносабатларининг **иккинчи гуруҳи** хўжалик фаолиятига раҳбарлик =илишдан келиб чи=ади.

**Ички хўжалик** муносабатлари эса ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чи=ариш тузилмалари ўртасидаги ички муносабатлари шаклида намоён бўлади.

Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг ўзига хос хусусиятлари унинг субъектлари билан ҳам бо\ли=дир.

Маълумки, режали и=тисодиёт шароитида хўжалик муносабатлари фа=ат корхона ва ташкилотлар ҳамда уларнинг бўлимлари ўртасида вужудга келар эди. Хўжалик фаолиятини алоҳида фу=аро эмас, балки уларнинг жамоаси олиб борар эди. Фу=аро хўжалик фаолиятида ташкилот жамоаси таркибида иштирок этар эди. Уларнинг бу муносабатлари эса меҳнат ҳу=у=и  билан тартибга солинар эди.

---

[9] Мартемьянов А.С. Хозяйственное право Т.1 Москва “БЕК“1994й 1-2бетлар

Бозор и=тисодиёти муносабатларига бос=ичмабос=ич ўтиб, демократик ҳу=у=ий давлат =урилаётган ҳозирги пайтда якка шахснинг хўжалик фаолияти =андай? Тадбиркор шахснинг хўжалик фаолияти хўжалик ҳу=у=ининг предметини ташкил этадими?

Республикамизда бозор и=тисодиётига ўтиш, аввало давлат мулкини, давлат тасарруфидан чи=арилиб, хусусий мулкни шакллантиришдан бошланади. Алоҳида фу=аронинг хусусий мулк эгаси сифатида эътироф этилиши уни тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиши учун имконият берди ва бунинг учун етарли ҳу=у=ий асослар яратилди. Эндиликда алоҳида фу=аро фойда олиш ма=садида таваккалчилик асосида, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва=тдан эътиборан тадбиркор ма=омига эга бўлгач, хўжалик фаолияти билан бош=а хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг ҳу=у=лилик асосида шу\улланиш ҳу=у=ига эга бўлди.

Республикамизда бозор муносабатларининг бос=ичмабос=ич шаклланиб боришида тадбиркорлик фаолиятининг, тадбиркорлик муносабатлари иштирокчиларининг ҳам роли, таъсири тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормо=да. Жумладан, бу муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ишлаб чи=аришни ташкил этиш, тадбиркорликни рўйхатга олиш, уни корхона шаклида расмийлаштириш, ҳисобкитоб олиб бориш, соли= тўлаш, бозорга товар, иш ва хизмат билан чи=иш тартибини ва =оидасини белгилаш, бош=а корхона ва ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни ҳу=у=ий бош=аришни та=озо этади. Агар му=аддам фу=аро бозорга чи=иши бизнинг и=тисодимиз учун тасодифий бир ҳол бўлиб ва маъмурий ҳу=у= =оидалари билан бош=арилган бўлса, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида бу муносабатлар бир бутун бўлиб, товар ишлаб чи=арувчилар фаолиятини тартибга солувчи ягона =оидалар билан тартибга солинади. Демак, корхона, ташкилотларнинг тадбиркорларнинг моддий ишлаб чи=ариш ва хизмат кўрсатиш билан бо\ли= и=тисодий муносабатлари бир бутун ҳолда хўжалик ҳу=у=ига оид =онунлар ор=али тартибга солиниб туриладиган хўжалик муносабатларининг ***биринчи гуруҳини*** ташкил этади.

Хўжалик муносабатлари бевосита фойда олиш билан бо\ли= бўлмаган ҳолда ҳам мавжуд бўлади. Бундай фаолиятга мисол сифатида мулкни бош=ариш, идора =илиш, корхона ташкил этиш, тугатиш билан бо\ли= ташкилий мулкий характердаги фаолиятларни кўрсатиш мумкин. Ана шу муносабатлар ҳам бевосита хўжалик ҳу=у=и =оидалари билан тартибга солиниб турилади.

Хўжалик субъектлари вилоят, шаҳар, туман, маҳаллий ҳокимият идоралари билан тегишли хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мулкни бош=аришда иштирок этади. Бундай хўжалик муносабатлари фойда олиш билан бо\ли= бўлса ҳам, хўжалик бош=аришини ўз ичига олади.

Давлат бюджетидаги муассасалар, матлубот жамияти, ҳайрия фондлари ва вазифаларини ҳал этиш учун хўжалик муносабатларига киришадиган бош=а муассасалар фаолияти фойда олиш билан бо\ли= бўлмаган фаолият жумласига киради. Бу муносабат тадбиркорлик фаолияти билан жуда я=ин бўлиб, шакли жиҳатдан уни амалга оширишдан деярли

фар=ланмайди ва шу туфайли хўжалик ҳу=у=и билан бо\ли= бўлади. Бу хўжалик муносабатларининг ***иккинчи гуруҳини*** ташкил этади.

Давлат жамият манфаатини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини амалга оширувчи субъектларга и=тисодий таъсир этади, унинг фаолиятини назорат =илади. Бу муносабат хўжалик ҳу=у=и предметининг ***учинчи гуруҳини*** ташкил этади.

Ю=орида кўрсатиб ўтилган муносабатлар гуруҳи бозор и=тисодига оид бўлган ва давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик субъектларини кўп =иррали фаолиятини ифодалайди.

Бош=ариладиган бозор и=тисодиёти муносабатларига ўтиш хўжалик муносабатлари тў\рисидаги ва тегишли хўжалик ҳу=у=и предмети ҳа=идаги тушунчанинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Чунки, маъмурий буйру=бозликка асосланган хўжалик ҳу=у=и тизими му=аддам фа=ат давлатга тегишли бўлган корхона, ташкилотларга доир хўжалик муносабатларига, шунингдек кооператив ва бош=а ташкилотлар билан бо\ли= хўжалик муносабатларига хизмат =илган эди. Ҳозирги кунда эса мулк шаклларининг кўп хиллиги, фу=аро мулкларининг кичик корхона шаклида, деҳ=он хўжалиги, хусусий тадбиркорлик фаолияти шаклида ишлаб чи=аришга жалб этилиши, хўжалик муносабатларининг шакли, ҳажми, характери ва мазмунини ўзгартириб юбормо=да.

Бозор и=тисодиёти шароитида ҳамма учун мажбурий режали тартиб ўз кучини йў=отади. Аммо режа фа=ат алоҳида олинган ҳолатларга, яъни давлат эҳтиёжларини таъминлашга =аратилган топшири=ларни бажаришга тадби= этиладиган бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжалик муносабатларини ҳу=у=ий тартибга солиш бозор учун товар (иш ва хизмат) ишлаб чи=аришга ихтисослашган фаолияти билан бо\ли= бўлади.

Шу сабабли ҳар =андай субъект ўзига тегишли мулк юзасидан ишлаб чи=ариш фаолиятига киришади ва уни амалга ошириш жараёни хўжалик ҳу=у=и билан тартибга солинади.

Хўжалик ҳу=у=и давлатнинг ишлаб чи=ариш фаолиятига таъсир этиши бўйича келиб чи=адиган муносабатларга ҳам тадби= этилади. Бу давлат билан бош=а субъектларнинг ўзаро вертикал бўйича хўжалик юритиш муносабатларидир.

Ҳозирги шароитда режалаштириш шаклидаги давлат раҳбарлиги, назорат, идора этиш ўз характерини ва хусусиятини йў=отди. У кўпро= шартнома асосида таъсир этиш усулига ўтди.

Масалан, корхоналарнинг ўз ички бў\инларига раҳбарлик =илиши ички хўжалик шартномаларига асосланади. Биро= озми кўпми =абул =илинган режали ҳужжат натижасида ташкил топадиган тегишли муносабатлар ва раҳбарлик, давлат эҳтиёжи учун давлат буюртмаси устидан мулк эгасининг назорат =илиш функцияси ўрнатилган =оида ва тартиб йўли билан давлат таъсир чорасини амалга ошириш (ижтимоий, экологик ва шунга ўхшаш) тартибга солишнинг маълум бир йи\индисини ташкил этади,

и=тисодга давлатнинг таъсир этиш чораларининг янги турлари: соли=, анти-монополия назорати ва бош=алар келиб чи=ади.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш юзасидан келиб чи=адиган муносабатлар =андайдир итоат этиш ёки ҳукмронлик =илишга =аратилган эмас, балки товар айирбошлаш, корхоналарнинг ва регионларнинг ўзаро товар шаклида бўлмаган ҳаракатидир. Шунингдек, бу тўли= хўжалик юритиш, оператив бош=ариш муносабатлари бўлиб, айирбошлаш жараёнида ани=, ўзаро хаттиҳаракат сифатида намоён бўлади. Масалан, корхона ўз фондини ташкил этади, меҳнатга ҳа= тўлаш тизимини ишлаб чи=ади ва тадби= этади, асбобускуналардан фойдаланишни ташкил этади ва ҳ.к. Фу=аролар хўжалик фаолиятини амалга оширишда ишлаб чи=ариш воситалари, материаллар, хом ашёга эга бўлади ва уларни белгиланган тартибда ишлаб чи=ариш, товар айрибошлаш жараёнида =ўллайди, ҳаражат =илади. Шундан бир савол пайдо бўлади. Бозор и=тисодиёт муносабатларига ўтиш шароитида бир тармо=ли бош=аришда вертикал ва горизонтал ало=аларни бирлаштириш ма=садга мувофи=ми? Юридик адабиётларда ҳозир ҳам вертикал муносабат мажбурийҳу=у=ий тартибга солишга доир, деган фикрлар мавжуд. Бу фикрлар уларни ҳар хил муносабат деб ҳисоб-лашга асос бўлмайди. Улар ҳаммаси и=тисодий мазмуни билан бирлашган муносабатдир. Маълумки, тадбиркорлик фаолияти давлат таъсири чораси билан ҳам ривожланади. Демак, ю=оридан =уйига (вертикал) ва ён атрофдаги горизонтал муносабатлар бу ягона хўжалик муомаласи, такрорий ишлаб чи=ариш жараёнидан ташкил топадиган и=тисодий муносабатлар йи\индисидир.

Шунга кўра хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и, ҳу=у= тизими соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда бозор и=тисодий муносабатларига бос=ичмабос=ич боришда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган, хўжалик субъектлари ўртасидаги ю=оридан =уйига (вертикал) ва ён атрофга (горизонтал) бўладиган хўжалик (тадбиркорлик) муносабатларини тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг и=тисодга раҳбарлик =илиш чоратадбирларини белгиловчи ҳу=у=ий =оидалар йи\индисидан иборатдир.

## Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг асосий тамойиллари

**1**. Ҳу=у= соҳасининг барча тармо=лари сингари хўжалик ҳу=у=ининг ҳам асосий ва энг муҳим тамойиллари муста=ил Ўзбекистон Республикаси =онунларида мужассамлашган **асосий =оидалардир.** Ушбу хўжалик ҳу=у=ига оид тамойиллар республикамизда бозор муносабатларини ташкил этишда барча хўжалик субъектларининг и=тисодий фаолиятини маълум бир ма=сад сари йўналтириб, ҳу=у=ий тартибга солиб туради.

**2.** Хўжалик ҳу=у=ининг асосий тамойилларидан бири хўжалик (тадбиркорлик) субъектларининг **и=тисодий фаоллик эркинлигидир.** У Конституциямизнинг 53моддасида ўз ифодасини топган. Бу тамойилнинг бозор и=тисодий муносабатларини ташкил этишдаги аҳамияти шундан иборатки, му=аддам и=тисодий муносабатлар фа=ат ю=ори турувчи давлат

органларининг директив кўрсатмалари асосида белгиланган эди. Бундай тартиб ишчи, хизматчи ва зиёлиларнинг ишбилармонлиги, ижобий ташаббускорлиги, =ис=аси ижтимоий фаоллилигига тўс=инлик =илиб =олган эди. Бозор и=тисодиётига ўтиб бориш эса, жамият эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мулкий муносабатларнинг ўзгариб боришига, моддий ишлаб чи=аришни ривожлантириб, меҳнат унумдорлигини оширишга, эркин меҳнатнинг =арор топишига олиб келди. Натижада хўжалик субъектлари ю=оридан бериладиган буйру= ёки кўрсатмага асосланмасдан, балки улар и=тисодий =онуниятларгабозор =онуниятларига таянган ҳолда моддий ишлаб чи=ариш ва хизмат кўрсатишда эркин бўлиб, фа=ат бозор талабларига риоя этган ҳолда и=тисодий ра=обатда муста=ил =атнаша оладиган бўлди.

**3. Хўжалик (тадбирколик) субъектларининг и=тисодий манфаатларини ҳимоя =илиш тамойили.** Бу тамойилнинг моҳияти ҳар бир моддий товар ишлаб чи=арувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектининг и=тисодий манфаати =онунларда белгиланган тартибда тегишли органлар ор=али ҳимоя =илинади. Энг аввало и=тисодий манфаатларнинг ҳимояси соли= муносабатларида ёр=ин кўзга ташланади. Жумладан, янги ташкил этилган корхоналар ва тадбиркорларга моддий жиҳатдан ўз и=тисодини тиклаб олишда имтиёзлар берилган. Банк ор=али уларга =арз беришда ва соли= тўлашда ҳам маълум бир имтиёзлар яратилган. Хўжалик субъектларининг мулкий ҳу=у=лари бузилганда =онунга мувофи= ҳимоя =илинади. Жумладан, хўжалик субъектининг мулкига зарар етказилганда, шу зарар тўла ҳажмда зарар еткзган шахсдан ундириб олинади. Агар мулк эгасининг хоҳишидан таш=ари, =онунга зид ҳолда бош=а шахсга ўтказилганида, бу мулкка даъво =ўз\атилиб, эгасига (хўжаликка) =айтарилади. (Фу=аролик Кодексининг 228233 моддалари). Агар тўс=инлик =илинганида, ундай тўс=инликлар бартараф этилади. Мулк эгасининг ҳу=у=лари Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 231моддасида белгиланганидек ҳимоя =илинади.

Бундан таш=ари ФКнинг 232моддасида белгиланганидек, хўжалик субъекти мулкдор бўлмаса ҳам лекин молмулкка мерос =илиб =олдириладиган умрбод эгалик =илиш, хўжалик юритиш, оператив бош=ариш ҳу=у=и асосида ёки =онун ёхуд шартномада назарда тутилган бош=а асосга кўра эгалик =илаётган бўлса ҳам унинг шу молмулкка бўлган ҳу=у=лари ФКнинг 228231моддалари =оидаларига мувофи= ҳимоя =илинади.

Хўжалик субъектининг и=тисодий манфаатлари, ҳу=у=и ҳам =онун билан ҳимоя =илинади. Жумладан, хўжаликлар бош=а шахслар билан шартнома муносабатларига киришганида уларнинг манфаатларини ҳимоя =илишда монополиядан ҳимоялаш тамойили муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу тамойилнинг мазмуни товар ишлаб чи=арувчиларнинг ва хизмат кўрсатувчиларнинг бозорларда эркин ҳаракат =илишини таъминлаш ма=садида монополистик фаолиятни чеклашга, носо\лом ра=обатнинг келиб чи=ишига йўл =ўймасликка =аратилган choratadbirlar олиб борилишида намоён бўлади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27

декабрда =абул =илинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва ра=обат тў\рисида”ги +онуни муҳим аҳамиятига эга.

Ана шу =онун ор=али айрим шахслар томонидан бозорни монополиялаштириб, ўз шахсий манфаатига хизмат =иладиган жойга айлантиришига =арши кураш олиб борилаяпди. Эркин бозорнинг тобора кенг ривож топишига шартшароит яратилиб, бозорнинг эшиги ҳамма учун очи= бўлиши, нархнаво талаб билан таклиф натижасида белгиланиши таъминланмо=да.

**4. Хўжалик муносабатларига и=тисодий услубларни =ўллаш асосида давлатнинг таъсир этиш тамойили.** Бу тамойил мамлакатимизнинг и=тисодий ривожланишига директива, буйру= ор=али таъсир этиш усулининг и=тисодий усулига, яъни меҳнат жамоасининг, якка шахснинг товар ишлаб чи=ариш, иш ва хизмат кўрсатиш, унинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишда манфаатларини ҳисобга олишга =аратилгани билан изоҳланади. Бунга мисол сифатида соли= ундиришни олайлик. Му=аддам соли=лар ҳамма ташкилотлардан олинган даромаддан бир хилда ушлаб =олинмасдан, балки ил\ор корхонанинг мабла\идан самараси паст корхона учун ҳам олиб =олинар эди. Ҳозир эса соли=лар тизимининг ани= =ўйилиши ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг ўз ривожидан манфаатдорлиги таъминланиши, кашфиёт, ихтиро ва такомиллаштириш таклифлари =илиб фойдаланишларига имконият яратилган. Давлатнинг корхона ва ташкилотларга таъсир этиши бериладиган буйру==а ва кўрсатмага эмас, балки и=тисодий усулга асосланади.

И=тисод сиёсатдан ҳоли бўлган ҳолда ривожланади. Бу сиёсат мутла=о и=тисодга ало=аси йў= экан, деган, хулоса эмас, албатта. И=тисод билан сиёсат бир–бири билан бо\ланмаган ҳолда, бири иккинчисига таъсир этган ҳолда бўлади. Шу ну=таи назардан, аввал и=тисод ривожланиб боради, сўнгра сиёсат шунга яраша шаклланади.

**5. Республикамизнинг муста=ил тара==иётини белгиловчи асосий тамойилларидан бири нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантиришдир.** Бу, энг аввало, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга =аратилган и=тисодий омиллардан биридир. Шу сабабли давлатимиз нархларни бирданига ўз ҳолича =ўйиб юбормасдан астасекинлик билан эркин нархга ўтиб боришни таъминлади. Нархнаво талаб билан таклиф ўртасида белгилана бошлади. Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларнинг амал =илиши бозор и=тисодиётининг \оят муҳим бў\ини бўлиб, бу бў\ин маҳсулот ишлаб чи=арувчилар билан истеъмолчиларни ўзаро жипс таъсирини таъминлайди. Аммо давлатнинг бозор баҳосига таъсир этиши, маълум бир и=тисодий усуллар ор=али олиб борилади, албатта.

Давлатнинг энг аввало бозор ва баҳога таъсири уни кузатиш ва назорат =илиш ор=али амалга оширилади. Давлат хўжалик муносабатларига нисбатан баҳони назорат =илиш стандарт хизмати, соли= хизмати, санитария ва экология хизмати каби усуллар ор=али фаолият кўрсатади.

Бозор инфраструктураси бу бевосита транспорт хизматини йўлга =ўйиш, юк ташиш, тушириш, са=лаш ва товармаҳсулотларини сотиш билан бо\ли= хизмат турларининг сифатини ошириш, бозорни ўрганиш, бозордаги нархнаво ҳа=ида маълумот олиб туриш каби хизматларни ўрнига =ўйиш ва шунга ўхшаш бозор ривожига кўмак берувчи бош=а хизмат турларини самарали ташкил этиш билан бо\ли= муносабатлардир.

**6. Хўжалик ҳу=у=ининг асосий тамойилларидан яна бири товар ишлаб чи=арувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг ўзаро ра=обатидир.** Бу тамойилнинг асосий мазмуни ва моҳияти шундан иборатки, бозор и=тисодиёти шароитида ким кам меҳнат ва ҳаражат сарф =илиб, кўп ва ю=ори сифатли маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чи=ара олса, у ижтимоий ҳамда и=тисодий тара==иётда имтиёзга эга бўла олади. Маълумки, бу тамойил и=тисодиётнинг ривожида энг биринчи ва ҳал =илувчи восита ҳисобланади. Чунки, у ра=обатбардошликни чини=тиради, ёмон ишловчи корхонани самарадорликка олиб чи=ади ёки узо= муддат давомида товарларига талаб йў=лиги сабабли зарар кўриб келаётган, тўловга =обилиятсиз корхоналарни =айта ташкил этиш ёки касодга учрагани сабабли Ўзбекистон Республикасиниг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тў\рисидаги” +онунига мувофи= мутла=о тугатиб юборишга олиб келади.

**7. +онунийлик тамойили барча фанларга доир бўлган умумий тамойил** бўлса ҳам, хўжалик ҳу=у=ида у бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу тамойил мазмунида хўжалик субъектларининг =онун ман этмаган ҳар =андай фаолият билан шу\улланишлари мумкинлиги =оидаси ётади. Демак, корхона ҳамда ташкилотлар давлат ва жамиятга фойдали бўлган, =онун билан таъ=и=ланмаган фаолият билан шу\улланиш устуворлигини таъминлаши шарт. Бу эса бозор муносабатларига ўтиб боришимиз билан бо\ли= ҳолда и=тисодни ташкил этиш, самарадорликка эришиш, давлатимиз ва хал=имизнинг буюк келажагини таъминлашимизнинг асосий воситаларидан бири бўлади.

## Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг бош=а ҳу=у=ий фанлардан фар=и

Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и муста=ил фан тармо\и сифатида бош=а ҳу=у=ий фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан фар=ланади. Ана шу фар=ларни энг аввало Фу=аролик ҳу=у=и фанига нисбатан кўриб чи=айлик. Чунки узо= йиллардан буён олимлар ўртасида бу икки фаннинг фар=и юзасидан баҳс кетади. Олимларнинг бир гуруҳи Хўжалик ҳу=у=и муста=ил фан тармо\и эмас, у Фу=аролик ҳу=у=ининг таркибини ташкил этади деб ҳисобласа, иккинчи гуруҳи эса Хўжалик ҳу=у=ини алоҳида фан, деб =араш керак дейди. Бу ҳа=да биз шу бобнинг 2параграфида батафсилро= тўхтаб ўтган эдик.

Хўжалик ҳу=у=ини ҳу=у= соҳасининг бир тармо\и деб ҳисоблашга унинг Фу=аролик ҳу=у=и ва бош=а турдош бўлган ҳу=у=лардан фар=и асос бўлади. **Унинг ўзига хос хусусиятлари =уйидагилардан иборат:** маълумки Хўжалик ҳу=у=и Фу=аролик ҳу=у=ига жуда я=ин соҳа бўлсада, у энг аввало тушунчаси, предмети, субъектлари ор=али жуда ани= фар=ланади.

Бу икки фаннинг тушунчасидаги фар=ни олиб кўрайлик. Фу=аролик ҳу=у=ига ҳозирги давр талабини ҳисобга олган ҳолда профессор И.Б.Зокиров шундай таъриф беради: «Фу=аролик ҳу=у=и Ўзбекистон Республикасида амал =илувчи ҳу=у= тизими соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда и=тисодий муносабатларни такомиллаштириш, бос=ичмабос=ич бозор и=тисодиёти муносабатларига ўтиш даврида фу=аролар ва бош=а субъектларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўли=ро= =ондириш ма=садида мулкий муносабатларни ҳамда мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга =аратилган ҳу=у=ий нормалар йи\индисидан иборатдир»[1].

Ана шу таърифдан ҳам ани= кўриниб турибдики, Фу=аролик ҳу=у=и субъектлар ўртасидаги мулкий муносабатларни ва мулк билан бо\ли= бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солишга =аратилган ҳу=у= соҳасидир.

Хўжалик ҳу=у=и ҳам Республикамиздаги ҳу=у= соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизнинг бозор и=тисодиёти муносабатларига бос=ичмабос=ич ўтиб боришида, давлат ва жамият, хўжалик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, хўжалик субъектлари ўртасидаги ю=оридан =уйи (вертикал) ва ён атрофдаги субъектларга горизонтал) бўладиган хўжалик муносабатларни тартибга солувчи, бозор шароитида давлатнинг и=тисодга раҳбарлик =илиш чоратадбирларини белгиловчи ҳу=у=ий =оидалар йи\индисидан иборатдир.

Ана шу ю=орида берилган таърифларга кўра, бу Фу=аролик ҳу=у=и =оидалари аксарият мулкий муносабатларни тартибга солиб турса, Хўжалик ҳу=у=и =оидалари ҳам мулкий муносабатларга тааллу=ли.

Лекин Фу=аролик ҳу=у=ида муносабатлар шу муносабат иштирокчиларининг ўзаро тенг ва ихтиёрийлиги асосида келиб чи=са, Хўжалик ҳу=у=ида субъектлар тенг ҳу=у=ли бўлиши билан бирга идора этиш, давлатнинг и=тисодга раҳбарлик =илишига асосланган муносабатларни ҳам тартибга солишга =аратилади.

**Демак, бу икки фан бирбиридан предмети ор=али ҳам тубдан фар=ланади.** Жумладан, Фу=аролик ҳу=у=ининг предмети тарафларнинг тенг ҳу=у=лилигига асосланган мулкий муносабатлар бўлса, Хўжалик ҳу=у=ида ҳам мулк билан бо\ли= муносабатлар салмо=ли ҳиссани ташкил этади. Лекин мулкий муносабатлар шу муносабат иштирокчиларининг тенг ҳу=у=лилиги билан биргаликда бири иккинчисига итоат этиши, давлатнинг и=тисодга раҳбарлик =илиши ор=али ҳам келиб чи=ади.

---

[1] +аранг. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик щу=у=и.1-=исм.Т.,«Адолат» 1996 й.

Фу=аролик ҳу=у=ининг субъектлари бўлиб барча фу=аролар ҳисобланса, Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти фа=ат тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган фу=аролар бўлиши мумкин.

Фу=аролик ҳу=у=ининг ҳам, хўжалик ҳу=у=ининг ҳам субъекти бўлиб юридик шахслар ҳисобланади. Аммо юридик шахснинг ташкил бўлиш, хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва унга раҳбарлик =илиш жараёнларида фар=ланади. Давлат фу=аролик муносабатларида иккинчи тараф билан тенг ҳу=у=ли бўлиб =атнашса, хўжалик ҳу=у=ида эса и=тисодга раҳбарликни амалга оширувчи субъект бўлиб иштирок этади.

Фу=аролик ҳу=у=и билан тартибга солинувчи шартнома муносабатлари асосан истеъмолчиларнинг моддий эҳтиёжини таъминлашга =аратилган бўлиб, уни ишлаб чи=ариш билан ало=аси бўлмаса, Хўжалик ҳу=у=и шу товарларни ишлаб чи=ариш жараёнини ҳам тартибга солишда =ўлланилади.

Ана шу жиҳатлари билан Хўжалик ҳу=у=и Меҳнат ҳу=у=ига ҳам жуда я=ин бўлиб кўринади. Аммо улар бирбиридан фар=ланади. Хўжалик ҳу=у=и субъектлар ўртасидаги хўжалик муносабатларини тартибга солса, меҳнат ҳу=у=и эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ичкитартиб =оидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан бо\ли= бош=а муносабатларни тартибга солади.

**Хўжалик ҳу=у=ининг Маъмурий ҳу=у= фанидан фар=и шундаки,** Маъмурий ҳу=у=нинг предмети маъмуриятнинг буйру= ҳамда ижро фаолияти билан яъни ҳокимият ва итоат этиш соҳасидаги фаолият билан бо\ли= муносабатдир. Бундай муносабат итоат этувчи =уйи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари ор=али таъсир этиш, бош=ариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Хўжалик муносабатларида эса буйру=бозлик фаолиятлари деярли йў=. Борлари ҳам бозор муносабатлари шаклланиб боргани сари тобора узо=лашиб, барҳам топиб, и=тисодий муносабатларга ўз ўрнини бўшатиб бермо=да. Шу сабабли давлат и=тисодиётга ўзининг тегишли органлари ор=али (соли=, имтиёз, и=тисодий санкция ва ҳ.к.) и=тисодий таъсир этиш усуллари билан раҳбарликни амалга оширади.

Хўжалик ҳу=у=и Молия ҳу=у=и фанидан тубдан фар=ланади. Молия ҳу=у=ининг предметини молия бюджети киримчи=ими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан бо\ли= муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбаини тартибга солиш ва улардан =айта ишлаб чи=ариш муомаласида фойдаланиш кабилар Хўжалик ҳу=у=ининг предметини ташкил этади. Табиийки, хўжалик фаолияти ҳам даромадларни ташкил этиш ва уларни сарф =илишнинг алоҳида =оидаларидан ҳоли келиб чи=майди. Шу сабабли, хўжалик субъектларининг пул мабла\ларининг бир =исми ҳаракатда бўлишини таъминлаш Хўжалик ҳу=у=и =оидалари билан тартибга солинади.

Хўжалик субъектининг даромадларидан олинадиган соли=ларнинг бюджетга келиб тушадиган давлат даромади Молия ҳу=у=ининг предметини ташкил этади.

Шунингдек, Хўжалик ҳу=у=и Конституциявий ҳу=у=, Экология ва =ишло= хўжалиги ҳу=у=и билан бо\ли= муносабатларда ҳам ўзига хос хусусиятлари ор=али бутунлай фар=ланади.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и тушунчасига таъриф беринг.
2. Бозор и=тисодиётининг шаклланишида хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг аҳамияти =андай?
3. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг предмети нималарни ўргатади?
4. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг тамойилларини таснифланг.
5. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг бош=а ҳу=у=ий фанлардан фар=ини тушунтириб беринг.

## МАВЗУ: ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУ+У+ИНИНГ МАНБАИ

**РЕЖА:**

**1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и манбаи тушунчаси**

**2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и манбаларининг турлари**

### 1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и манбаи тушунчаси

Ўзбекистон Республикасидаги ҳу=у= тизимининг манбаи бу ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда =абул =илинадиган =онунлар ва чи=ариладиган ҳу=у=ий ҳужжатлардир. Ана шу =онунлар ва ҳу=у=ий ҳужжатлар энг аввало, Ўзбекистон хал=ининг эркини, хоҳишини ифода этадиган ҳу=у=ий =оидалар йи\индисидир. Ҳар бир фан учун ана шу =онунларнинг ва ҳу=у=ий ҳужжатларнинг =айси бири ёки унинг =андай =оидаси манба эканлигини ажратиб олиш керак бўлади. Айни=са, бу масала хўжалик ҳу=у=и учун муҳимдир. Чунки, хўжалик ҳу=у=ий нормаларини ягона тизимга солувчи алоҳида ҳу=у=ий ҳужжат ҳозирча йў=. Лекин шундай бўлсада, муста=ил республикамизнинг ваколатли органлари томонидан =абул =илинган =атор =онунлар ва ҳу=у=ий ҳужжатлар борки, уларнинг деярли жуда катта =исми бевосита хўжалик ҳу=у=ининг манбаи бўла олади.

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча ҳу=у=лар =атори хўжалик ҳу=у=ининг асосий манбаидир.** Энг аввало, Конституциянинг 12боби жамиятнинг и=тисодий негизлари хусусида белгиланган =оидалари хўжалик ҳу=у=ининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Конституциянинг ана шу бобининг 53моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга =аратилган Ўзбекистон и=тисодиётининг негизини хилмахил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳу=у=и устунлигини ҳисобга олиб, и=тисодий фаолият, тадбиркорлик ва

меҳнат =илиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳу=у=лилигини ва ҳу=у=ий жиҳатдан баббаробар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деб белгиланган.

Шу билан биргаликда Конституцияда хусусий мулкнинг бош=а мулк шакллари билан бир =аторда давлат ҳимоясида бўлиши, мулкдорнинг мулкига ўз хохишича эгалик =илиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши (Конституциянинг 54моддаси), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бош=а табиий заҳираларнинг умуммиллий бойлик бўлиши (Конституциянинг 55моддаси) каби моддалари хўжалик ҳу=у=ига бевосита манба бўлиб ҳисобланади.

Бундан таш=ари хўжалик ҳу=у=ининг манбаи бўлиб Республикамиз Олий Мажлиси томонидан =абул =илинган бош=а =онунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг =арорлари ҳамда тегишли ваколатга эга бўлган идоралар томонидан =абул =илинган ҳу=у=ий ҳужжатлар ҳам ҳисобланади. Хўжалик ҳу=у=и манбаи деб, хўжалик субъектлари ўртасида келиб чи=адиган хўжалик фаолиятига оид муносабатларни ҳу=у=ий тартибга солувчи =онунчилик нормаларининг йи\индисига айтилади.

## 2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и манбаларининг турлари

Хўжалик ҳу=у=и манбалари турлари бўлиб Конституцияга мувофи= =абул =илинган =онунлар ва белгиланган тартибда чи=арилган бош=а ҳу=у=ий ҳужжатлар ҳисобланади. Улар Ўзбекистоннинг шу кечаю кундуздаги и=тисодий тара==иётини белгиловчи асосий омиллардан бири, бозорни ташкил этиш, бозор и=тисодиёти муносабатларини ривожлантириш ва уни =онун билан кафолатлашга =аратилгандир. +ачонки бозор муносабатлари =онунлар билан кафолатланмас экан, ўзўзидан маълумки товар ишлаб чи=ариш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидай ривожланмайди, бунинг натижасида ундан моддий манфаатдор бўлиши ҳам сусаяди, мулкдорлар синфи шаклланмайди. Бу ўз навбатида муста=ил давлатимизнинг и=тисодий тара==иётига тўс=инлик =илади. Аҳолининг моддий ва маиший фаровонлиги таъминланишини =ийинлаштиради. Шу сабабли республикамизда бозор и=тисодиёти муносабатларини борган сари ривожлантириб боришга ва унинг тара==иётини =онун билан кафолатлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Айни=са, Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик Кодексини =абул =илиниши амалга киритилиши бу борада муҳим во=еа бўлди.[1]

Маълумки, Фу=аролик кодексининг мулк ҳу=у=и, мажбурият ҳу=у=и, мулкнинг бир шахс эгалигидан иккинчи шахс эгалигига ўтишига =аратилган шартномалар хусусидаги =оидалари бевосита бозорни ташкил этишга, уни

[1] Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодекси. Т. «Адолат» 1996 й.

товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга, хўжалик субъектининг бозор муносабатларида эркин иштирок этишини таъминлашга =аратилган.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг мулк ҳу=у=и ва бош=а ашёвий ҳу=у=лар, мажбурият ҳу=у=и бўлимлари бевосита хўжалик ҳу=у=ига доир бўлган =оидаларни ўзида мужассамлаштирган. Мулкнинг мулкдор =ўлида бўлишининг фа=ат ўзигина бозор и=тисодий муносабатларини тўли= шакллантирмайди, албатта.

Бозор и=тисодиёти муносабатлари мулкдорларнинг ва мулкнинг бўлиши билан бирга, шу мулкнинг кўпайиши билан уларни айрибош =илиш билан, мулкдорларга хизмат кўрсатиш, бозор инфраструктурасининг шаклланиши билан биргаликда ривож топади. Айни=са Фу=аролик кодексининг мажбуриятларнинг айрим турларини ташкил этган шартномаларга оид =оидалари бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, маҳсулот етказиб бериш, =ишло= хўжалик маҳсулотларини харид =илиш–контрактация шартномалари республикамизда бозор и=тисодиёти муносабатларининг бос=ичмабос=ич шаклланиб бориши билан бирга бутунлай янги муносабатга айланади. Бу шартномаларни тузиш ва ижро этиш юзасидан бўладиган давлат режа топшири=лари, маъмурий буйру=бозлик асосида товарларни та=симлаш каби чеклашлар бутунлай олиб ташланади.

Ана шунга ўхшаш мулк ижараси, лизинг, пудрат, =урилиш пудрати, ташиш, кредит, ҳисобкитоб ва шунга ўхшаш хўжалик субъектлари иштирокида тузиладиган шартномаларга оид =оидалар бевосита хўжалик ҳу=у=ига манба бўладиган =оидалардир.

Хўжалик ҳу=у=инининг манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси[10], Хўжалик процессуал кодекси[11] ҳам ҳисобланади. Ҳаво кодексида аэропортлар, ҳаво транспорти ор=али ташиш, корхона, ташкилот, муассаса ва фу=ароларга бир марталик буюртма асосида шартномага мувофи= хизмат кўрсатишга доир =оидалар белгиланган. Хўжалик процессуал кодекси эса бевосита хўжалик субъектлари ўртасида ва тадбиркорлар иштирокидаги мулкий низоларни хўжалик судлари томонидан ҳал =илишда =ўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан =абул =илинган бир =атор =онунлар хўжалик ҳу=у=инининг манбаи ҳисобланади. Бу =онунларнинг аксарияти бозор муносабатларини шакллантиришга хизмат =илади. Улардан бир гуруҳи мулк билан бо\ли= муносабатларга доирдир. Жумладан, бозор и=тисодиёти муносабатларини =онуний кафолатлашга =аратилган мулкчилик тў\рисида: «Мулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш тў\рисида», «Ижара тў\рисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»[12] ва бош=а шунга ўхшаш бир =атор =онунлар =абул =илинган.

---

[10] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 6 сон 247-моддаси.
[11] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 10 сон 371-моддаси.
[12] Хал= сўзи. 2001 й. 22 январ.

+абул =илинган =онунларнинг бир гуруҳи бозор и=тисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг ҳу=у=ий ҳолатига ба\ишланган. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда =ўшимча масъулиятли жамиятлар тў\рисида», «Банк ва банклар фаолияти тў\рисида», «Деҳ=он хўжалиги тў\рисида», «Фермер хўжалиги тў\рисида», «Биржа ва биржалар фаолияти тў\рисида» ва бош=а =онунларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бундан таш=ари бозор и=тисодиёти муносабатларини кафолатлашга =аратилган: «Товар бозорларида фаолиятни чеклаш тў\рисида»ги, «Товар белгилари, товар келиб чи=иш жой номи тў\рисида»ги, «Стандартлаштириш тў\рисида»ги, «Метерология тў\рисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тў\рисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавийҳу=у=ий базаси тў\рисида»ги =онунлари бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хўжалик ҳу=у=и манбалари турларидан бирини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан =абул =илинган =арорлар ташкил этади. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1995 йил 31 августидаги «Айрим корхоналар ва молмулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари ҳа=ида»ги +арорини келтириб ўтишимиз мумкин. Бу =арор билан хусусийлаштирилиши мумкин бўлмайдиган мулк объектлари санаб кўрсатилади. Айни=са, хўжалик ҳу=у=ининг янги шароитларда бозор и=тисодиёти муносабатлари билан бирга ривожланишида Президентимиз томонидан =абул =илинган Фармонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 94моддасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция ва =онунларга асосланиб, уларни ижро этиш юзасидан Республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган Фармонлар, +арорлар ва фармойишлар чи=аради, деб белгиланган. Бунга мисол 1999 йил 28 июндаги «Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва =онунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жам\армаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тў\рисида»ги, 1999 йил 23 июлдаги «Корхоналар банкротлиги ва санация механизмини такомиллаштириш тў\рисида», 2000 йил 2 август «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чи=ариш ва ра=обатни ривожлантириш давлат =ўмитасини ташкил этиш тў\рисида»ги Фармонларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хўжалик ҳу=у=ининг манбаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чи=арадиган норматив ҳужжатлардир. Ўзбекистон Республика Конституциясининг 98моддасида белгиланганидек, Вазирлар Маҳкамаси амалдаги =онунларга мувофи= Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фу=аролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган =арорлар ва фармойишлар чи=аради. Ушбу =арорларда хўжалик ҳу=у=и субъектларининг ҳу=у=ий ҳолати, уларнинг мулк ҳу=у=и ва бозорни ташкил этиш, товар ишлаб чи=ариш ва хизматлар кўрсатиш билан бо\ли=

фаолиятларни ташкил этиш, ривожлантиришнинг чоратадбирлари белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг =арорларига мисол тари=асида =уйидагиларни кўрсатиш мумкин:

2000 йил 2 август «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чи=ариш ва ра=обатни ривожлантириш давлат =ўмитаси фаолиятини ташкил этиш тў\рисида», 2000 йил 14 август «Ижтимоий муҳим ози=ов=ат товарларини импорт =илиш ва сотишни тартибга солиш чоратадбирлари тў\рисида», 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор =илиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва уларни ички бозорда сотишни такомиллаштириш чоратадбирлари тў\рисида»ги =арорлари.

Бундан таш=ари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат =ўмиталари ўз ваколатлари доирасида =абул =илган ҳу=у=ий ҳужжатлари ҳам хўжалик ҳу=у=и манбаси сифатида кўрилади. Айни=са, маҳаллий ҳокимият ва идора этиш органлари ўз ҳудуди доирасида кучда бўладиган ҳу=у=ий ҳужжатлар ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111моддасида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассаса, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек табдиркорлар ўртасидаги и=тисодиёт соҳасида ва уни бош=ариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади деб кўрсатилган. Хўжалик судларида кўрилган ишларнинг тў\ри ва ани= ҳал этилиши юзасидан суд амалиётини умумлаштириб Олий хўжалик суди пленумида =арорлар =абул =илинади. Бундай =арорлар хўжалик ҳу=у=и учун манба бўлмасада, =онунларни хўжалик судлари томонидан тў\ри тадби= этиб, хўжалик низоларини тез ва тў\ри ҳал этишда муҳим =ўлланма вазифасини ўтайди.

Ю=оридагилардан келиб чи==ан ҳолда, хўжалик соҳасида норматив ҳужжатларни =абул =илиш ваколати берилган органларнинг жуда кўплигига ишонч ҳосил =илиш мумкин. Бу органлар хўжалик соҳасида ҳозирги кунда =абул =илинаётган норматив ҳужжатлар муайян тизимига эга эмас. Шу билан бирга =абул =илинаётган норматив ҳужжатларда такрорланиш, бирини иккинчисига нисбатан зид =оидаларини ҳам учратиш мумкин.

Бу эса бир хил хўжалик муносабатини ҳу=у=ий тартибга солишда чалкашликларни келиб чи=ишига сабаб бўлади. Ушбу муаммо ечими =уйидагиларни талаб этади:

**биринчидан,** хўжалик соҳасидаги =онунчиликни муайян тизимга келтириш =онунларни =ўллашда =улайлик яратади;

**иккинчидан,** бу соҳадаги норматив хужжатларнинг ўзаро бо\ли=лигини, уларни =ўллашда асосий =онун билан алоҳида норматив ҳужжатларни ани= бир хилдалигини таъминлайди;

**учинчидан,** =уйи органлар томонидан чи=арилган норматив ҳужжатларни ю=ори турувчи органлар томонидан чи=арилган норматив ҳужжатларга мувофи=лилиги таъминланади;

**тўртинчидан,** хўжалик =онунчилигида умумий =исмнинг ишлаб чи=илиши хўжалик =онунчилиги асосий тамойилларига асосланган ҳолда

махсус =исм =оидалари ишлаб чи=илади. Натижада асосий ва махсус =исмнинг ягоналилигига эришилади, шунингдек норматив ҳужжатларнинг беҳуда кўпайишининг олдини олади.

Ю=оридаги =айд этиб ўтилган муаммоларнинг ҳал этилиши хўжалик =онунчилигини ягона тизимга келтириб уни кодификациялаштириш ор=али ўз ечимини топиши мумкин.

Бу кодекснинг =андай номланиши масаласи асосий муаммо эмас. У «Хўжалик кодекси», «Тижорат кодекси», «Тадбиркорлик кодекси» ёки бош=ача номланиши мумкин.

Хўжалик =онунчилигини кодификациялаштирилиши хўжалик муносабатларини ҳу=у=ий тартибга солинишида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, бу хўжалик муносабатлари субъектларига =онунлардан фойдаланишларида =улайлик яратади. Шу билан бирга хўжалик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал =илишларида ҳам, =онунларни ҳам бир йўсинда =ўлланилишига эришилади.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и манбаларининг =андай турларини биласиз? Уларнинг аҳамияти =андай?
2. Хўжалик фаолияти соҳасида норматив ҳужжатлар =абул =илиш ваколати берилган органларни айтинг.
3. Олий Хўжалик суди Пленуми +арорлари хўжалик ҳу=у=и учун манба бўла оладими?

## МАВЗУ: ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУ+У+ИЙ МУНОСАБАТЛАР

### РЕЖА:

**1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва таркибий =исмлари**

**2. Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ҳу=у=ий муносабатларнинг турлари ҳамда таснифи ва уларнинг вужудга келиш асослари**

## 1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатлар тушунчаси, белгилари ва таркибий =исмлари

Маълумки ижтимоий муносабатларнинг ҳу=у= нормалари билан тартибга солинадиган =исми ҳу=у=ий муносабатларни ташкил =илади. Ўз навбатида ҳу=у=ий муносабат ўзаро субъектив ҳу=у= ва мажбуриятлар билан бо\ли= бўлган шахслар ўртасидаги ҳу=у= нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги ало=а ҳисобланади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар деганда, хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, тижорат ҳамда нотижорат тусдаги хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш борасида хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида юзага келадиган ва хўжалик ху=у=ий нормалари билан тартибга солиб туриладиган муносабатлар тушунилади. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар биринчидан, ижтимоий тусдаги муносабат, иккинчидан, бундай муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳу=у=лар ва юридик мажбуриятлар воситасидаги ало=алари, учинчидан, бундай муносабатлар иродавий бўлса, тўртинчидан, хўжалик ҳу=у=и нормаларида давлат иродаси ва манфаатлари акс эттирилганлиги учун давлат уларнинг бажарилишини назорат =илади ва =ўри=лайди.

Хўжалик ху=у=ий муносабат иштирокчилари аксарият ҳолларда ўзларига тегишли мулкка эгалик =илиш, фойдаланиш, уни тасарруф этишда муайян муста=илликка эга бўлиб, бирбирларига нисбатан тенг ҳу=у=ли шахслар ҳисобланадилар. Бундан таш=ари, хўжалик ҳу=у=ий муносабатда =атнашувчи шахсларнинг ҳу=у=лари бузилган та=дирда, бу ҳу=у=лар одатда судга ариза ёхуд даъво ариза та=дим =илиш йўли билан ҳимоя =илинади.

Ҳар бир ху=у= соҳасининг ҳу=у=ий муносабатлари ўзига хос субъектига, объектига ва муносабат мазмунини белгиловчи субъектив ҳу=у= ва мажбуриятларига эга. Гап хўжалик ҳу=у=и тў\рисида кетар экан, и=тисодий муомала иштирокчиларининг ўзаро ҳу=у=ий ало=адорлиги маъно ва мазмунини ани= белгилаш ма=садида лозим даражада хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг барча ю=оридаги каби муҳим тоифаларини (категорияларини) чу=ур тад=и= этиш фан олдида турган муҳим вазифалардан саналади[13]. Ҳа=и=атан, хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар табиати хилмахил ҳисобланганлиги учун ҳам, унинг тушунчаси ва вужудга келиши ҳа=идаги фикрлар адабиётларда турлитумандир.

Хўжалик ҳу=у=и корхона ва ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва амалга оширишда, уларнинг бўлинмалари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар хўжалик муносабатлари бўлиб, ишлаб чи=ариш ва =айта ишлаб чи=ариш жараёнида вужудга келади, лекин ишлаб чи=ариш жараёнида нафа=ат хўжалик, балки шу билан бирга меҳнат муносабатлари ёки фу=ароларнинг тобора ошиб бораётган моддий эҳтиёжларини =ондиришга =аратилган бош=а муносабатлар ҳам вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, хўжалик ҳу=у=ининг предметини ишлаб чи=ариш муносабатларининг ҳаммаси эмас, балки фа=ат бир =исми, у ҳам бўлса хўжалик муносабатлари ташкил этади.

Республикамизда амалга оширилаётган хўжалик фаолияти турли мулкчиликка асосланган субъектлар ўртасида юзага келмо=да. Бу соҳада вужудга келадиган хўжалик муносабатлари ўз ичига нафа=ат мулкий ёки шахсий муносабатларни, балки корхона ва ташкилотларни, уларнинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, бош=аришдек муҳим жиҳатларни ҳам =амраб олади. Бу эса, хўжалик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган горизонтал хўжалик муносабатлари билан бирга уни бош=аришда юзага келадиган вертикал хўжалик муносабатларига ҳам тааллу=ли бўлади. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар элементлари шу муносабат субъектлари, объектлари ва унинг мазмунидан иборат бўлади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг субъектлари бўлиб ана шу муносабатларда =атнашувчи шахслар ҳисобланади. Булар юридик шахс ҳу=у=ига эга бўлган корхона ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг бўлинмалари ҳисобланади.

---

[13] Батафсил =аранг: Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Том 1. Общие положения. Курс лекций-М.: Издательство БЕК, 1994. – 34-б.

Агар биз хўжалик ҳу=у=ий муносабатларининг субъектлари хусусидаги олимларнинг адабиётларда берилган фикрларига эътибор берадиган бўлсак, бу борада В.В.Лаптевнинг =арашлари бир мунча ди==атни ўзига жалб этади. Унинг фикрича, хўжалик фаолияти иштирокчилари корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чи=ариш бирлашмалари ва бош=а хўжалик органлари ҳисобланади. Улар бир ва=тнинг ўзида хўжалик ҳу=у=инингсубъектлари ва хўжалик муносабатларининг иштирокчилари бўлиб ҳам ҳисобланади[14]. Профессор В.В.Лаптев 80йиллардаги и=тисодий вазиятдан келиб чи=иб ана шу фикрини айтган. Ҳозир эса бозор муносабатлари хўжалик ҳу=у=ий муносабатларни ҳам ва унинг иштирокчиларисубъектларининг таркибини жуда ҳам ўзгартириб юборди. Шунга кўра, хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг субъектлари =аторига барча турдаги корхоналар, жумладан фу=ароларнинг хусусий мулкига асосланган (жамоа, оила) корхоналар, ишлаб чи=ариш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатлари, шунингдек деҳ=он хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва бош=алар киради. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг субъектлари фа=ат шулар билан чекланиб =олмайди, балки бозор муносабатлари кунданкунга ривожланиб, такомиллашиб борар экан, бу жараён тадбиркорларнинг ўзга тарздаги гуруҳларининг юзага келишига ва уларнинг фу=аролик муомаласига янада кўпро= жалб этилишига олиб келади. Хўжалик муносабатларининг яна бир муҳим субъекти мавжудки, у ҳам бўлса юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланувчи жисмоний шахслар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятининг ҳу=у=ий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги 2000 йил 25 майда =абул =илинган +онунда[1] ўз аксини топган[2].

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларининг субъектлари бўлишлари учун тадбиркорфу=аролар ҳу=у= ва муомала лаё=атига эга бўлишлари лозим.

Тадбиркорфу=ароларнинг ҳу=у= лаё=ати уларнинг ту\илиши билан пайдо бўлади ва вафот этиши билан бекор бўлади. Уларнинг тўла муомала лаё=ати 18 ёшга етиши билан бошланади, аммо айрим ҳолларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс =онунда кўрсатилган асосларда тўла муомала лаё=атига эга деб ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 28моддаси).

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг субъекти бўлган корхонаташкилотлар ва бош=а юридик шахсларнинг ҳу=у= ва муомала лаё=ати улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб вужудга келади.

---

[14] Лаптев В.В. Экономика и право. М., 1981 й.

[1] Хал= сўзи, 200 йил, 15 июнь.

[2] Хўжалик щу=у=ининг субъекти сифатида юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланадиган жисмоний шахсларнинг щу=у=ий ма=оми тў\рисида кейинги пара-графларда батафсил тўхталинади.

**Хўжалик ҳу=у=ий муносабат объекти деб** хўжалик ҳу=у=ий муносабатда =атнашувчи шахсларнинг субъектив ҳу=у=лари ва мажбуриятлари нимага =аратилган бўлса шунга айтилади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг объекти, *биринчидан,* ашёлар, пул ва =имматли =о\озлар, ўзга молмулклар, *иккинчидан,* субъектнинг содир этиши шарт бўлган ҳаракатлари, *учинчидан,* ҳу=у= субъектининг фаолияти, *тўртинчидан,* хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бош=алар) ҳисобланади.

Хўжалик ҳу=у=и билан тартибга солинадиган **ашёвий** муносабатлар ишлаб чи=ариш, товар айирбошлаш, та=симлаш ва истеъмол =илиш билан бевосита бо\ли=дир. Ишлаб чи=ариш билан бо\ли= бўлмаган, шахсий эҳтиёжларни =ондиришга хизмат =иладиган ашёлар хўжалик ҳу=у=ий ашёвий муносабатларнинг объекти бўла олмайди.

**Ҳаракатлар** деганда, мисол учун фу=аро ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизматларни тушуниш мумкин. Бундай хизматлар хўжалик ҳу=у=и билан тартибга солинадиган ҳу=у=ий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Талаб =илиш ҳу=у=ига эга бўлган фу=аро ёки ташкилотларнинг талаблари зиммасига мажбурият олган шахсларнинг ҳаттиҳаракатлари билан =аноатлантирилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича маҳсулот етказиб бериш билан бо\ли= ҳаттиҳаракатнинг амалга оширилиши ва бош=алар.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг объекти сифатида **субъектнинг мутла= фаолияти** алоҳида ўрин тутади. Мазкур муносабат объектини шундай тушунмо= лозимки, хўжалик субъектлари ўз хўжалик фаолиятини =онунга мувофи= юритади ва бош=а барча шахслар унинг хўжалик фаолиятини юритишига тўс=инлик =илиши таъ=и=ланади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар объектларининг яна бири хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган **номулкий неъматлар,** яъни фирма, товар белгиси, тижорат сири ва бош=алар ҳисобланади. Бундай неъматлардан субъектларнинг эркиродасидан таш=ари ҳеч бир шахс фойдаланишга, товар ишлаб чи=ариладиган номни ўзгартиришга, тижорат сири хусусида ахборот олишга ҳа=ли эмас.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларининг **мазмунини** муносабатда иштирок этувчиларнинг субъектив ҳу=у=лари ва бурчлари ташкил этади. Субъектив ҳу=у= деганда, муайян ҳу=у=ий муносабатда =атнашувчи шахсга тегишли бўлган ҳу=у= тушунилади. Субъектив ҳу=у= объектив ҳу=у= нормалари, яъни давлат томонидан ўрнатилган тартиб=оидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофи= равишда амалга оширилади.

Субъектив ҳу=у= шахсга ўз хоҳишини эркин амалга ошириш имкониятини беради. Масалан, фу=аро хусусий мулк асосида ашёдан фойдаланишга ёки уни =онун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда ўз ихтиёрича тусарруф =илишга ҳа=ли бўлади. Бундан таш=ари, субъектив ҳу=у= шахснинг бош=алардан ўз ҳу=у=ларини бузилмаслигини талаб =илиш имкониятини назарда тутади. Масалан, мулк эгасининг субъектив ҳу=у=и бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан

бо\ли= ҳу=у=ларни назарда тутса, иккинчи томондан, у субъектив ҳу=у= эгаси сифатида ўз ҳу=у=ларининг бузилмаслигини ҳар кимдан талаб =ила олади. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг мазмунини ҳу=у=лар билан бир =аторда мажбуриятлар ҳам ташкил этади.

Мажбурият фу=аролик ҳу=у=ий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (=арздор) бош=а шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: молмулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини са=лашга мажбур бўлади, кредитор эса =арздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб =илишга ҳу=у=ига эга бўлади. Бир шахсда субъектив ҳу=у=нинг бўлиши, бош=а бировда бу ҳу=у==а яраша, албатта мажбурият бўлишини та=озо =илади ва аксинча, ҳар =андай мажбурият уни бажаришни талаб =илишга ха=ли бўлган шахснинг мавжуд бўлишини билдиради. Чунончи, мулк эгаси ўзига =арашли молмулкдан фойдаланиш ҳу=у=ига эга бўлиш билан бир =аторда у бош=а ҳар =андай шахсдан бу ҳу=у=лардан фойдаланишда тўс=инлик =илмасликларини талаб =ила олади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг вужудга келиш асоси сифатида**юридик фактлар** муҳим роль ўйнайди. Юридик фактлар деб, фу=аролик ҳу=у=и ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига =аратилган ҳаракатлар тушунилади. Шундай экан, бош=а ҳу=у= нормалари сингари хўжалик ҳу=у=и нормалари ҳам ўзўзидан хўжалик ҳу=у=ий муносабатларни вужудга келтирмайди. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши маълум ҳолатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик Кодексининг 8моддасида фу=аролик ҳу=у= ва бурчларнинг вужудга келиш асослари ўз ифодасини топган бўлиб, булар бевосита хўжалик ҳу=у=и ва мажбуриятларини вужудга келиш асоси ҳам ҳисобланади. Фу=аролик Кодексида кўрсатилганидек, фу=аролик ҳу=у=и ва бурчлари =онун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фу=аролик ва юридик шахсларнинг, гарчи =онун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмасада, лекин фу=аролик =онун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фу=аролик ҳу=у=и ва бурчларини келтириб чи=арадиган ҳаракатлардан вужудга келади.

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар вужудга келиши учун ҳу=у=ий нормаларда тў\ридантў\ри назарга тутилган, шунингдек ху=у=ий нормаларда назарда тутилмаган бўлсада, лекин хўжалик =онун ҳужжатларининг умумий асослари ва мазмунига мувофи= келадиган муайян фактлар мавжуд бўлиши лозим. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор =иладиган асослар сифатида кўрилган юридик фактлар тўрт гуруҳга: **маъмурий ҳужжатлар, юридик ҳаттиҳаракатлар, ҳодисалар ва бош=а ҳаракатларга бўлиниши мумкин.**

**Маъмурий ҳужжат**хўжалик ҳу=у=ий муносабатларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор =илиш тў\рисида давлатнинг бош=арув органлари

томонидан чи=ариладиган ҳу=у=ий ҳужжатлардир.[1] Бунга мисол =илиб давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусий мулкка айлантиришда ким ошди савдоси ор=али ютиб чи==ан шахсга шу мулкка эгалик ҳу=у=ини берадиган давлат далолатномаси (ордер), ёки айрим фаолият билан шу\улланишга рухсат бериш тў\рисидаги лицензияни ҳам маъмурий ҳужжатлар =аторига =ўшиш мумкин.

**Юридик ҳаттиҳаракатлар** деганда, муайян ҳу=у=ий о=ибатни ту\диришга =аратилган ҳаттиҳаракатлар тушунилади ёки о=ибатлари =онун ҳужжатларида назарда тутилган маълум ҳаттиҳаракатлар ҳам юридик маънодаги хаттиҳаракатлар ҳисобланади.

**Ҳодисалар** деб, хўжалик ҳу=у=ий муносабат субъектларининг эркларидан таш=ари содир бўладиган фактларга айтилади. Ҳодисалар фа=ат =онунда назарда тутилган ҳоллардагина ҳу=у= ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Масалан, табиий офат юз бериб, ён\ин бўлган та=дирда, су\урта органи жабр кўрган шахс зарарини су\урта ҳа=идаги ҳу=у=ий =оидаларга биноан тўлашга мажбур бўлади.

**Ҳаракатлар деб,** хўжалик ҳу=у=ий муносабатларида =атнашувчи шахсларнинг эрк иродаси бўйича вужудга келадиган юридик фактларга айтилади. Бу тарздаги фактлар ўз навбатида икки турга, **биринчиси, ҳу=у= йўл =ўйган**, **иккинчиси, ҳу=у= йўл =ўймайдиган** ҳаракатларга бўлинади. Ҳу=у= йўл =ўйган ҳаракатлар жумласига тузилиши =онун билан таъ=и=ланмаган битимлар тузилишини мисол =илиб келтириш мумкин. Битимлар ташкилот ва фу=ароларнинг хўжалик ҳу=у=ларини ёки бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор =илишга =аратилган ҳаракатлар бўлиб, муайян о=ибатларни ту\диришга =аратилади.

Ҳу=у= йўл =ўймайдиган ҳаракатлар–=онун билан таъ=и=ланган ҳаракатлар бўлиб, булар икки кўринишда **биринчиси,** бош=а субъектларга зарар етказишда, **иккинчиси** мулкни асоссиз олиш ёки асоссиз тежаш билан бо\ли= бўлган ҳаракатларда намоён бўлади.

Зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларга биноан зарар кўрган хўжалик ўзига етказилган зарар учун жавобгар бўлган хўжаликдан ўзининг аввалги ҳолатининг тикланиши ёки кўрилган зарарнинг =опланишини талаб =ила олади. Мазкур мажбурият субъекти бўлиб хўжалик субъектига зарар етказган жавобгар шахс ҳисобланади. Бундай шахслар хўжалик ҳу=у=ий муносабат субъектлари бўлиб, улар турли мулк шаклига асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар бўлиши мумкин.

+онун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бош=а шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан молмулкни эгаллаб олган ёки тежаб =олган шахс (=ўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб =олинган молмулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига =айтариб бериши

[1] Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик щу=у=и. 1-=исм,Тошкент, «Адолат», 1996 йил, 31-бет.

шарт бўлади. +онунда тў\ридантў\ри назарда тутилганлиги сабабли =уйидагилар асоссиз орттирилган бойлик сифатида =айтариб берилмайди:

ижро этиш муддати тўлгунга =адар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган молмулк, агар мажбуриятда бош=ача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган молмулк;

иш ҳажми ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафа=алар, стипендиялар, ҳаёт ёки со\ли==а етказилган зарар товони, алиментлар ва фу=арога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бош=а пул мабла\лари, унинг томонидан виждонсизлик =илинмаганда ва ҳисобкитобда хато бўлмаганда;

мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бош=а молмулк, агар =ўлга киритувчи молмулкни =айтаришни талаб =илаётган шахснинг мажбурияти йў=лигини билганлигини ёхуд молмулкни хайрия ма=садларида берганлигини исботласа. (ФКнинг 1030моддаси)

Бундай тарздаги мажбурият =уйидаги ўзига хос белгилар билан характерланади, **биринчидан**, бу мажбурият хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар субъектлари бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида вужудга келиб, бунинг натижасида бир томоннинг молмулки иккинчи томоннинг молмулки камайиши ҳисобига ортади. Масалан, олинган маҳсулот учун икки марта ҳа= олган ташкилотнинг пул мабла\лари, янглишиш натижасида орти=ча ҳа= тўлаган ташкилот мабла\ларининг камайиши ҳисобига ортади, **иккинчидан,** мулкнинг олиниши ёки тежалиши учун =онуний ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаслиги керак. Агар мулк шартнома шартларини бузган ҳолда олинган бўлса, масалан, сифати паст маҳсулот учун ю=ори навли маҳсулот нархида корхона ҳа= олган бўлса, асоссиз олинган орти=ча ҳа= шартнома шартларини бузганлиги учун белгиланган =оидалар бўйича корхонадан ундириб олиниши мумкин, **учинчидан**, мулк асосан янглишиш, хатолик билан олинади ёки тежалади. Масалан, бир ташкилотга тегишли маҳсулот хатолик билан бош=а бир ташкилотга юборилиши ёки ҳисобда янглишиш ҳоллари бўлиши мумкин ва ҳ. к. Демак, ю=орида кўрсатиб ўтилган юридик фактлар хўжалик ҳу=у=ий муносабатларнинг вужудга келишига асос бўлади.

## 2. Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ҳу=у=ий муносабатларнинг турлари ҳамда таснифи ва уларнинг вужудга келиш асослари

Хўжалик ҳу=у=ий муносабатларни бозор и=тисодиёти шароитидаги мазмуни, объектига =араб бир неча турларга ажратиш мумкин. Чунончи:

мутла= ашёвий ҳу=у=ий муносабатлар;

мутла=нисбий ашёвий ҳу=у=ий муносабатлар (хўжалик юритиш, оператив бош=ариш);

ўз хўжалик фаолиятини юритиш бўйича мутла= ҳу=у=ий муносабатлар;

номулкий ҳу=у=ий муносабатлар;

нисбий ҳу=у=ий муносабатлар;

**Мутла= ашёвий ҳу=у=ий муносабатнинг** объекти ашё ҳисобланиб, бу тарздаги муносабатлар учун характерли хусусият шундан иборатки, субъект =онун йўл =ўйган асосларда ўзининг мулкка бўлган ҳу=у=ини, яъни эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича хул=атворини белгиловчи ҳаракатни амалга оширади.[1]

Хўжалик ҳу=у=и билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чи=ариш, товар айрибошлаш, та=симот ва ишлаб чи=аришистеъмол билан чамбарчас бо\ли=дир. Ишлаб чи=аришдан таш=аридаги, шахсий эҳтиёжларни =ондиришга хизмат =иладиган предметлар хўжалик ҳу=у=ий ашёвий муносабатлар объекти бўла олмайди. Масалан, савдо ташкилотлари томонидан аҳолига сотиш учун олинган товарлар мулк ҳу=у=и объекти бўлиб ҳисобланади. Бу тарздаги молмулк фу=аро эгалигига ўтиши билан фу=аролик ҳу=у=и =оидалари билан тартибга солинадиган фу=аро молмулки объектига айланади.

**Мутла=нисбий ашёвий ҳу=у=ий муносабатлар** жумласига хўжалик юритиш ва оператив бош=аришни киритиш мумкин. Бундан таш=ари, умрбод мерос =илиб =олдириладиган мулк, хўжалик фаолиятини юргизиш учун ижара ва бош=а тартибда мулкка эга бўлишлик муносабатларини киритиш мумкин. Бундай мулкдорлар муносабати мутла=нисбийдир. Чунки, бу муносабат субъектлари ўзларининг мулкий ҳу=у=ларини ўзгаларнинг эркисиз амалга ошира олмайди, улар мулк эгаси билан нисбий ҳу=у=ий муносабатда бўлиб, ушбу мулкларни эгаллайди, фойдаланади ва тасарруф этади.

**Ўз хўжалик фаолиятини юритишдаги мутла= ҳу=у=ий муносабатлар** субъект ўз фаолиятини эркин юритишда вужудга келиб, мазкур фаолият муносабат объекти сифатида майдонга чи=ади. Бунда хўжалик юритишни =онун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширадиган шахс учун мажбур шахс бўлмайди. Бош=а барча шахслар хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошираётган субъект фаолиятига тўс=инлик =илмасликлари лозим бўлади. Бунга мисол =илиб, ўз хўжалик фаолиятини юритаётган хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чи=арилаётган маҳсулотнинг баҳосини белгилаши, таннархини шакллантириши, белгиланган норматив ҳужжатларга биноан санитария, гигиена, экологик, ён\инга =арши талаблар бўйича ва ўзга фаолиятларни амалга оширишда вужудга келадиган мутла= ҳу=у=ий муносабатларни келтириш мумкин. Мабодо, хўжалик юритувчи субъект белгиланган тартибга хилоф иш тутса, ваколатли давлат органи йўл =ўйилган ҳу=у=бузарликни бартараф

[1] Тадбиркорлик щу=у=и: (Умумий =исм): Дарслик (Тащририят щайъати: Щ.Ращмон=улов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бош=.; Масъул мущаррир: Ш.Рўзиназаров. –Т.: «Консаудтинформ», 2002.,47-бет., Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Том 1. Общие положения. Курс лекций-М.: Издательство БЕК, 1994. – 40-бет.

этиш билан бо\ли= ҳаттиҳаракатни амалга ошириши, жумладан зарарларни ундиришни талаб =илиши мумкин. Бундай ҳолда вужудга келадиган муносабатлар албатта нисбий характерда бўлади.

**Номулкий ҳу=у=ий муносабатлар** хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида фойдаланадиган номоддий неъматлар, хусусан, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар ишлаб чи=арилган жой номи, тижорат сиридан фойдаланишда, шунингдек ишчанлик обрўсини ҳимоя =илиш каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлар ҳисобланади. Булар каби номулкий ҳу=у=ларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳу=у=ий муносабатлар мутла= бўлиб ҳисобланади, чунки бундай неъматларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектнинг мутла= ҳу=у=и =онун билан эътироф этилган ва бу каби мутла= ҳу=у= объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳу=у= эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин, холос.

**Нисбий ҳу=у=ий муносабатлар** аввало, мажбуриятда намоён бўлиб, бунда икки ёки ундан орти= шахслар ўзаро ҳу=у= ва мажбурият соҳиблари бўлади. Бу ерда биз кредитор ва =арздор ўртасидаги мажбуриятда нисбий муносабатларни кўрамиз, аммо ҳар доим ҳам нисбий ҳу=у=ий муносабатлар мажбурият ҳу=у=ий муносабатлари шаклида бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир неча шахслар иштирокидаги биргаликда хўжалик фаолияти юритиш тў\рисидаги келишув, ширкатга бирлашиш, чет эл инвестори билан =ўшма корхона тузиш ва капитални сарфлаш тў\рисидаги битимларда кредитор ва =арздор иштирок этмаслиги мумкин ёки иштирокчиларни мажбурият ҳу=у=ий муносабатларга киришган дейиш =ийин. Бу ерда биз шахсларнинг ўзаро куч ва мабла\ларни сарф =илиш асосида умумий хўжалик юритиш ма=садида бирикиш муносабатларини кўришимиз мумкин. Шунинг учун нисбий хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар нафа=ат мажбурият ҳу=у=ий муносабатлар ҳисобланмасдан, балки ундан ҳам кенгро= муносабатларни ўз ичига =амраб олади. Шартномага асосланган барча муносабатлар нисбий ҳу=у=лар жумласига киради.

Фу=аролик ҳу=у=ий муносабатлар хўжалик ҳу=у=ий, тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабатларидан бирмунча кенгро=дир. Хўжалик ҳу=у=и ва тадбиркорлик ҳу=у=и тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар доираси фу=аролик ҳу=у=и тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар доираси ичида туради. Хўжалик ва тадбиркорлик ҳу=у=и субъектлари бир ва=тнинг ўзида фу=аролик ҳу=у=ининг субъекти бўлиши мумкин, аммо фу=аролик ҳу=у=ининг субъекти хўжалик ҳу=у=ининг ёки тадбиркорлик ҳу=у=ининг субъекти ҳисобланмаслиги мумкин. Масалан, жисмоний шахс ўз эҳтиёжларини =ондириш учун ашё харид =илиш жараёнида фу=аролик ҳу=у=ий муносабатга киришар экан, у на хўжалик ҳу=у=ий муносабат иштирокчиси, на тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабат иштирокчиси бўлади, аммо у тадбиркор шахс ма=омини олган ҳолда тадбиркорлик фаолияти юритиш ма=садида товар сотиб олар экан, бир ва=тнинг ўзида ҳам фу=аролик, ҳам тадбиркорлик, ҳам хўжалик ҳу=у=ий

муносабат иштирокчиси ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар доираси тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабатлар доирасидан анчайин кенгро=дир. Шу боис ҳар =андай тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабат иштирокчиси хўжалик ҳу=у=ий муносабат иштирокчиси ҳисоблансада, аммо аксинча бўлмаслиги мумкин, чунки тадбиркорлик муносабатларида субъект ҳар доим таваккал =илиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида фойда олишни ўз олдига ма=сад =илиб иш юритади. Хўжалик ҳу=у=ий муносабатлари иштирокчилари фаолияти эса ҳар доим ҳам фойда олишга =аратилган бўлмаслиги мумкин ва ҳ.к. +олаверса, и=тисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ҳам хўжалик ҳу=у=ий муносабатлар ва бир ва=тнинг ўзида тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабатлар дейиш мумкин.

Хўжалик ху=у=ий муносабатларда субъект сифатида давлат, маъмурий ҳудудий тузилмалар, корхоналар ва уларнинг бўлинмалари, юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор фу=аролар иштирок этишлари мумкин. Улар барча и=тисодий ишлаб чи=ариш жараёнларида, жумладан моддий ишлаб чи=ариш, айирбошлаш, ишлаб чи=ариш, та=симот жараёнларида фаол иштирок этиб муносабатга киришадилар.

Хўжалик мажбуриятлари тў\рисида сўз кетар экан, хўжалик субъектлари =айси жабҳада фаолият юритишларидан =атъий назар уларни =уйидагича турларга ажратиш мумкин:

оперативхўжалик мажбуриятлари;

хўжаликбош=арув мажбуриятлари;

ички хўжалик мажбуриятлари.

Оператив хўжалик мажбуриятлари хўжалик ҳу=у=и субъектларининг маҳсулот ишлаб чи=ариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро шартномавий муносабатлари туфайли вужудга келади. Мазкур ҳу=у=ий муносабатнинг субъекти бўлиб тадбиркор фу=аролар ҳам ҳисобланадилар. Хўжалик ҳу=у=и субъектлари хўжалик фаолиятини амалга оширишда оператив хўжалик мажбуриятларнинг мукаммал бўлиши учун ўз фаолиятларини режалаштирадилар.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъектлари ичида корхона муҳим ўрин тутиб, ўз фаолиятини муста=ил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ҳамда материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чи=арилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб, тара==иёт исти=болларини белгилайди, шу билан бир =аторда у давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида маҳсулот ишлаб чи=аради, ишларни бажаради ва хизмат кўрсатади.

Хўжалик ҳу=у=и субъектлари барча жабҳаларда ўз хўжалик фаолиятларини амалга оширишда бош=а субъектлар билан муносабатларини шартномавий мажбурият негизида =урадилар. Хатто, субъект давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулотни етказиб бераётган та=дирда ҳам, давлат (унинг органлари) билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ўрнатилади ва унга мувофи=

маҳсулотни ишлаб чи=ариш, ишларни бажариш юзасидан иккинчи тарафни давлат хом ашё ёки техника воситалари билан таъминлаш мажбуриятларини олиши мумкин.

**Хўжаликбош=арув мажбуриятлари** тў\рисида сўз кетар экан, бу турдаги мажбуриятларни аввало давлат органлари ҳужжатлари, шунингдек давлатлараро битимлар, ҳудудлар ва корхона (бирлашма)лар ўртасидаги шартномалар асосида келиб чи=ишлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун капитал =урилишни молиялаштириш ма=садида давлат бюджетини тасди=лаш тў\рисидаги ҳужжат тегишли мажбурият келтириб чи=аради. Мазкур ҳужжатга асосан давлат ёки ҳужжатда кўзда тутилган маъмурийҳудудий тузилма (маҳаллий бюджет) молиялаштирувчи ҳисобланса, ишни бажарувчи мабла\ни =абул =илувчи ҳисобланади. Шунингдек бундай мажбурият монополияга =арши курашувчи орган томонидан чи=арилган ҳужжат асосида ҳам келиб чи=иши мумкин. Бунга асосан корхона ишлаб чи=аришни ҳужжатда кўзда тутилган тарзда ташкил =илишга масъул бўлади ва ҳ.к.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг =онун ҳужжатларида белгилаб =ўйилган ваколатларига мувофи= тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин.

Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига кирмайдиган ёки бош=а шахсларнинг ҳу=у= ва =онуний манфаатларига хилоф ҳужжатларни =абул =илган та=дирда корхона бундай ҳужжатни ҳа=и=ий эмас деб топишни талаб =илиб, ариза билан судга мурожаат этишга ҳа=лидир.

Корхона ҳу=у=ини бузган давлат идораси ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида шунингдек, бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан =онунда кўзда тутилган мажбуриятларни тегишлича амалга оширмаганликлари о=ибатида корхонага етказилган зарарни тўлайдилар. Зарарни тўлаш тў\рисидаги низоларни суд ёки хўжалик суди ўз ваколатларига мувофи= ҳал =илади.

**Ички хўжалик мажбуриятлари** бевосита ишлаб чи=ариш доирасида вужудга келади. Улар корхоналар ва бош=а хўжалик органлари ичида пайдо бўлади. Корхонанинг ички бўлинмалари ва тузилмавий бирликлари бундай муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланадилар. Улар ўзаро ва хўжалик органи билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритиш ва уни бош=ариш жараёнида ички хўжалик муносабатларига киришадилар. Хўжалик органи ичида ҳам горизонтал, ҳам вертикал муносабатлар вужудга келади. Хўжалик органи ўз таркибий бўлинмаларининг фаолиятини у ёки бу тарзда мувофи=лаштириб туриш ма=садида турли ҳужжатларни =абул =илиши мумкинлигини назарда тутмо= лозим.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?

2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатларнинг субъекти, объектларига тушунча беринг.

3. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатларнинг мазмуни нималардан иборат?

4. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ий муносабатларнинг вужудга келиш асослари =андай?

## МАВЗУ: ХЎЖАЛИК (ТАДБИРКОРЛИК) ҲУ+У+ИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ.

### РЕЖА:

**1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектлари тушунчаси, белгилари ва таснифи.**

**2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектлари фаолиятининг ташкил =илиниши ва тугатилиши. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.**

**3. Якка тартибдаги тадбиркор хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъекти сифатида**

**4. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъекти сифатида давлат**

**5. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъекти сифатида корхоналарнинг айрим турлари: унитар корхоналар; акциядорлик жамиятлари; ишлаб чи=ариш кооперативлари; хўжалик ширкати; масъулияти чекланган ва =ўшимча масъулиятли жамиятлар.**

### 1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектлари тушунчаси, белгилари ва таснифи.

Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъектларибу хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир. Хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти субъектлари тушунчаси ва ма=омини ани=лаш учун «ҳу=у= субъекти» ва «фу=аролик ҳу=у=и субъекти» тушунчаларининг моҳиятини чу=ур англаб олиш лозим бўлади. Ҳу=у= субъектикенг ҳу=у=ий категория ҳисобланиб, унинг таркибига амалдаги =онун ҳужжатларига биноан ҳу=у= ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида ҳар бир ҳу=у= тармо\ининг ўз субъектлари (давлат ҳу=у=ида–сайловчилар ва сайланувчилар, меҳнат ҳу=у=идаиш берувчи ва ходим, молия ҳу=у=идасоли= тўловчи ва соли= органи, жиноят процессуал ҳу=у=идасуриштирувчи, тер-

говчи, гумондор, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва ҳ.к.) бўлганидек, хўжалик ҳу=у=ининг ҳам ўз субъектлари бор.

Фу=аролик ҳу=у=ининг барча субъектлари фу=аролик ҳу=у=и фанида ягона «шахслар» деган умумий ном билан ифодаланади.[15] «Шахслар» ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: **биринчиси,** фу=аролар (жисмоний шахслар) бўлиб, у ўз ичига Ўзбекистон Республикаси фу=аролари, бош=а давлатларнинг фу=аролари, шунингдек фу=аролиги бўлмаган шахсларни олади, **иккинчиси**, юридик шахслар бўлиб, у ўз ичига фойда олишни ўз фаолиятининг асосий ма=сади =илиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай ма=сад =илиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) ларни олади ва бундай ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (=ўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин, **учинчиси,** давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий ҳудудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар фу=аролик ҳу=у=ий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай ма=омга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фу=аролик ҳу=у=и субъектлари бир ва=тнинг ўзида ҳам хўжалик ҳу=у=и, ҳам тадбиркорлик ҳу=у=и субъектлари ҳисобланиши мумкин, аммо хўжалик ва тадбиркорлик ҳу=у=и субъектлари бирбиридан фар= =илади. Фар= шундаки, тадбиркорлик ҳу=у=ий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал =илиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни ма=сад =илган ҳолда фаолият юритади, хўжалик ҳу=у=и субъектлари эса хўжалик юритиш, хўжаликни бош=ариш билан бо\ли= ва и=тисодиётнинг давлат бош=аруви соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси муста=илликка эришгунга =адар хўжалик ҳу=у=ининг субъекти бўлиб фа=атгина социалистик ташкилотлар ва уларнинг бўлинмаларигина бўлиши мумкин эди, аммо фу=ароларнинг хусусий хўжалик фаолият юритишлари ман =илинган эди.

Хўжалик фаолияти кенг жабҳалари ҳозирда тадбиркорлик фаолиятига айлантирилиши билан турли мулк шаклларига эга бўлган корхоналар хўжалик муносабатларининг иштирокчилари бўлиб =олмай, балки якка тадбиркорлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки, ҳу=у=ий муносабатларнинг субъектлари таркибини шу муносабатларнинг характери белгилайди. Ҳозирги шароитда эса ушбу муносабатларнинг асосий характери фойда олиш ма=садида хўжалик фаолиятини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Иккинчи ча=ири= Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи сессиясидаги маърузасида «Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чи=аришда нафа=ат ҳал =илувчи мав=е эгаллаши, айни ва=тда унинг аҳоли

---

[15] Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик Кодекси 2-бўлими щам «шахслар» деб юритилади ва у ўз ичига фу=аролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлатни фу=аролик щу=у=ий муносабат иштирокчиси сифатида мустащкамлайди.

фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришмо\имиз лозим»,[1] деб таъкидлаган эди. Ҳа=и=атан, амалдаги =онун ҳужжатларимизга мувофи= ҳолда хусусий секторнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилмо=да, бунинг натижасида эса хўжалик фаолиятида тадбиркорлик кенг =анот ёймо=да. Бу эса ўз навбатида фу=аролларнинг хўжалик муносабатларининг субъектлари деб тан олинишига олиб келди, аммо бу ҳар =андай фу=аро ҳам хўжалик ҳу=у=ининг субъекти бўлиши мумкин, деган сўз эмас, балки бу ерда гап фа=ат хўжалик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорфу=аролар устидагина бормо=да холос.

Профессор В.В.Лаптев таъбири билан айтганда, «Ҳозирги хўжалик ҳу=у=и – бу якка ва жамоа тадбиркорларининг ёки бош=ача =илиб айтганда, фу=ароларнинг ва барча мулк шаклларига эга бўлган хусусий, шунингдек давлат корхоналарининг профессионал фаолияти»[16] бўлиб =олди.

Ю=оридагилардан келиб чи=иб хўжалик ҳу=у=ининг субъектига =уйидагича тушунча бериш мумкин: Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти–бу хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, хўжалик ҳу=у= ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан муста=ил даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳу=у=ларини ҳимоя =илиш учун судга мурожаат =ила оладиган (юридик шахс ма=омини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда якка тадбиркор ма=омига эга бўлган фу=аролар ҳисобланади.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъектлари тушунчасидан бундай ҳу=у=нинг ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хўжалик ҳу=у=и субъектининг энг асосий белгисибу унинг ўз молмулкига эга бўлишидир. Ўз молмулкига эга бўлишнинг ҳу=у=ий шаклимулк ҳу=у=идир.

Баъзи хўжалик юритувчи субъектлар (масалан, унитар корхоналар, давлат корхоналари) ўз молмулкига эга бўлмасдан ашёвий ҳу=у= асосида (хўжалик юритиш, оператив бош=ариш ҳу=у=и) ўзига бириктириб =ўйилган молмулкка эга бўлишлари мумкин.

Мулк ҳу=у=и унинг соҳибига тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиш, шунингдек, ташкил этилган корхонага раҳбарлик =илиш, уларнинг фаолиятини амалга ошириш шартларини ани=лаш имкониятини беради.

Мулкдор бўлишлик, мулкдорнинг шу мулкка нисбатан ҳу=у=лари шаклига ҳам кўп жиҳатдан бо\ли=, хусусан хўжалик юритиш ҳу=у=и, оператив бош=ариш, ижара ҳу=у=и, ички хўжалик юритишга эгалик ҳу=у=и пайдо бўлмасдан туриб, хўжалик ҳу=у=и субъектининг вужудга келиши ва тара==ий этиши мушкул. Шахс мулкий база бўлган та=дирдагина субъект ташкил этишга интилиб, и=тисодий манфаатдорликка эришишга ҳаракат =илади ва ривожланади.

---

[1] «Хал= сўзи», 2000 йил 25-январь

[16] Лаптев В.В. Предпринимательское право: понятие и субъектў. М. Юристь,1997 й.

Фойда кўриш ма=садида, таваккал =илиб товар ишлаб чи=ариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шу\улланиш ихтисослашган фаолиятга айланган та=дирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фу=аро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (ва=тива=ти билан) фойда кўришни ўз олдига ма=сад =илиб =ўймай амалга оширган та=дирда, масалан, ўзидаги орти=ча =ишло= хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бош=а ашёларни сотиши, ёки ишларни бажариб бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳа= олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайди, чунки бу каби муносабатлар фу=аролик ҳу=у=и нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасаларига фоиз олиш ма=садида жам\арма =ўйган фу=аролар, =имматли =о\озлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда =абул =илинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги[17] +онунининг 4моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ѝамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар бўлиб ѝисобланади.

Давлат ѝокимияти ва бош=арув органлари (=онун ѝужжатларида назарда тутилган ѝоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиши =онун ѝужжатларида ман этилган бош=а шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг 2000 йил 28апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан бо\ли= =онунчиликни =ўллаш суд амалиёти тў\рисида”ги 2сонли =арорига кўра, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан, чет эл фу=аролари ёки юридик шахслари, шунингдек фу=аролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир. Тадбиркор юридик шахсни ташкил этган ѝолда ёки ташкил этмасдан ѝам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шу\улланувчи жисмоний шахсдир (якка тартибдаги тадбиркордир)[18].

Хўжалик ҳу=у=и субъектларининг асосий белгиси уларнинг давлат рўйхатидан ўтган бўлишлиги ҳамда =онун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муайян фаолият турлари билан шу\улланишлари учун албатта рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари лозимлиги талаб этилади.

Хўжалик ҳу=у=и субъектларини яна бир белгиси билан бош=а субъектлардан ажратиш мумкин, бу уларнинг хўжалик ҳу=у= ва мажбуриятларига эга бўлишлигидир. Бундай ҳу=у= ва мажбуриятларнинг доираси Ўзбекистон Республикаси =онунлари билан ҳамда уларга мувофи=

---

[17] Хал= сўзи – 2000 йил 15 июнь.

[18] Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми +арорларининг тўплами. Нукус, «Билим» нашриёти. 2000 йил, 237- б.

=абул =илинган мазкур хўжалик юритувчи субъектларининг таъсис ҳужжатлари билан ани=ланади.

Хўжалик ҳу=у=и субъектларининг навбатдаги белгиси шуки, улар ўз фаолиятлари учун муста=ил жавобгар ҳисобланадилар. Жавобгарлик унинг ўз молмулки доирасида амалга оширилади.

Хўжалик ҳу=у=и субъектлари ўз фаолиятларига ўзларига тегишли молмулк доирасида жавобгар бўлишлари билан бирга, ўзларининг бузилган ҳу=у=ларини ва =онуний манфаатларини суд ор=али ҳимоя =илиш имкониятига эга эканликлари тў\рисидаги =оидалар =онун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

**Хўжалик ҳу=у=и субъектларининг турлари** тў\рисида сўз кетар экан, аввало, шуни айтиш жоизки, уларни бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг мулкчилик шаклига, ваколатларига, фаолият турига =араб белгиланади.

Мулк шаклларининг хилмахиллигидан келиб чи=иб, хўжалик ҳу=у=ининг субъектларини =уйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Фу=ароларнинг хусусий мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар;
2. Жамоа мулки кўринишидаги хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар (жамоа, оила, маҳалла, ишлаб чи=ариш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар) ва бош=алар;
3. Давлат мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар (республика мулкига, маъмурийтерриториал тузилмаларнинг мулкига асосланган);
4. Тўла ёки улуш =ўшиб иштирок этишга асосланган (=ўшма корхоналар) хўжалик юритувчи субъектлар;
5. Мулкчиликнинг аралаш шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъектларидан бири хусусий корхоналардир.

Хусусий корхона =онунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳу=у=ини олади.

Жамоа корхонаси, ширкат, оила, маҳалла, шунингдек, кооперативлар, ижара корхоналари, акциядорлик жамиятлари, диний ташкилотлар, хўжалик жамиятлари ва уюшмалар ҳамда юридик шахс ма=омига эга бўлган бош=а бирлашмалар хўжалик ҳу=у=и субъектларидир.

Оила хўжалик ҳу=у=и субъекти сифатида шу оила аъзоларининг биргаликдаги эҳтиёжларини =ондириш, уйрўз\ор ва ёрдамчи хўжалик юритиш ҳамда даромад олиш ма=садидаги =онун рухсат берган фаолият учун зарур бўлган ишлаб чи=ариш воситалари, истеъмол буюмлари ва яратилган маҳсулотларга эга бўлади. Оилавий мулк ўз субъектларининг ҳар бирига айнан тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Маҳаллада исти=омат =илувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Ўзи сайлаб =ўйган органлар маҳалла мулкини тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди ва тасарруф этади.

Хўжалик ҳу=у=инининг субъекти сифатида кооператив, хўжаликни биргаликда юритиш ёки бош=а фаолият билан шу\улланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бирлашган фу=ароларнинг биргаликдаги мулкига эга бўлади.

Жамоа корхонасининг мулки меҳнат жамоасининг ижарага олинган молмулки, сотиб олинган ёки =онунда кўзда тутилган бош=а усуллар билан молмулк =ўлга киритилган та=дирда вужудга келади.

Хўжалик жамияти ва ширкатнинг мулки бу юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг асосий ва оборот фондлари, пул мабла\лари, =имматли =о\озлар шунингдек бош=а молмулклардан ҳосил бўлиши мумкин.

Хўжалик ҳу=у=инининг субъекти сифатида жамоат бирлашмаларисиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, шу жумладан, касаба уюшмалари, хотин=излар, ветеранлар, ёшлар ташкилоти, кўнгилли жамиятлар ва бош=алардир.

Жамоат бирлашмалари мулкида, шу бирлашмалар мабла\лари ҳисобидан уларнинг уставларида кўрсатилган ма=садларга мувофи= вужудга келтирадиган корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар хўжалик ҳу=у=и субъекти сифатида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чи=ариш ижтимоий ва ҳайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул мабла\лари ва бош=а молмулкларга эга бўлиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки таркибига Республика мулки, маъмурийҳудудий тузилмаларининг мулки, яъни муниципал мулк киради. Республика мулкининг объектлари бўлиб ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ҳокимият ва давлат идораларининг молмулки, маданий ва тарихий бойликлари, бюджет мабла\лари, Республика ва давлат аҳамиятидаги банклар, су\урта, резерв фондлари ва бош=алар киради.

Хал= республика мулкининг субъекти ҳисобланиб, мулк ҳу=у=ини хал= номидан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадилар.

Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб кўйилган молмулк хўжалик юритиш ҳу=у=и асосида корхонага тегишлидир. Корхона ўз молмулки билан тўла хўжалик юритиш ҳу=у=ини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик =илади, ундан фойдаланади ва тасарруф эта ди, унга нисбатан ўз хохиши билан =онунга зид келмайдиган ҳар =андай ҳаракатларни амалга оширади.

Давлат молмулкини бош=ариш ваколати берилган давлат идоралари ҳар хил корхоналарни вужудга келтириш, унинг фаолият ма=садларини ани=лаш, =айта тузиш ва тугатиш масалаларини ҳал этадилар.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти сифатида хорижий мамлакатлар фу=аролари ва юридик шахслар иштирокидаги =ўшма корхоналар ҳам фаолият юритадилар.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти сифатида хорижий мамлакатлар фу=аролари Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тў\рисида» ги +онуннинг 34моддасининг Ўзбекистон Республикаси фу=аролар мулкига тааллу=ли =оидалари Ўзбекистон Республикасидаги хорижий фу=ароларнинг мулкига ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларининг амалга оширишнинг ҳу=у=ий ва ташкилий асослари хал= хўжалигини ривожлантиришга, Республика и=тисодиётининг жаҳон и=тисодий тизимига =ўшилишга кўмаклашиш ма=садида чет мамлакат молиявий, моддий, интеллектуал ва бош=а ресурсларини хорижнинг замонавий технологияси ва бош=арув соҳасидаги тажрибасини ўрганишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга йўналтирилгандир.

+ўшма корхоналар юридик шахс сифатида чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган корхонада улуш =ўшиш йўли билан барпо этилади.

Кўшма корхона барпо этиш тў\рисидаги =арорни чет эллик инвестор билан Ўзбекистон Республикасидаги корхона (молмулк) эгаси =абул =иладилар.

+ўшма корхоналарнинг Устав фондига ҳар бир =атнашчининг улуш =ўшиш муддатлари, ҳажмлари, бу улушни =ўшиш ва баҳолаш тартиби таъсис ҳужжатларида назарда тутилади.

+ўшма корхона =атнашчилари томонидан корхона устав фондига улуш сифатида =ўшадиган молмулкнинг =ийматини =атнашчилар тўли= ўтказилишини таъминлашлари керак.

+ўшма корхоналарда, жамоани ижтимоий ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва =айта тайёрлаш учун заҳира фондлари тузилади.

Заҳира фонди ҳар йили сўм, чет эл валютасида пул ажратиш ҳисобига ташкил этилади.

Чет эллик инвестор =ўшма корхона таркибидан бутунлай чи==анида ёки бу корхоналар тугатилган та=дирда, корхона мулкидан ўз улушини бозор =ийматига мувофи= пул ёки товар шаклида =айтариб олиш ҳу=у=ига эга бўлади.

Бундан таш=ари, =атнашчиларга =ўшма корхоналардан чи=аётган чет эллик =атнашчининг улушини сотиб олишда имтиёзли ҳу=у= берилиши мумкин.

+ўшма корхона заҳира фондларидан таш=ари бош=а фондлар тузиш ҳу=у=ига ҳам эга, бундан таш=ари ҳаражат =илиш тартибини =ўшма корхона таъсисчилари ўзлари белгилайдилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги =ўшма корхоналар муста=ил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси =онунларида назарда тутилган тартибда =айта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

+ўшма корхона =айта ташкил этилган ёки тугатилган та=дирда ишдан бўшатилган ходимларнинг ҳу=у= ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Хўжалик ҳу=у=и субъектлари ваколатларига кўра ҳам =уйидаги турларга:

1) фа=ат хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар (фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ва бош=алар);

2) бош=арувни амалга оширувчи субъектлар (ҳокимият, вазирликлар, давлат органлари);

3) ҳар иккаласини =ўшиб олиб борувчи субъектлар (концерн, корпорация)га бўлиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият ма=садига (турига) =араб икки турга:

1) тижоратчи ташкилот ;

2) тижоратчи бўлмаган ташкилотга бўлиш мумкин.

Тижоратчи ташкилот бу фойда олишни ўз фаолиятининг асосий ма=сади =илиб =ўйган субъект бўлиб, (хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари) тижоратчи ташкилотларнинг ҳу=у=ий ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик Кодекси ва бош=а =онун ҳужжатларида белгилаб =ўйилган. Тижоратчи бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдига муайян ма=садни кўзлаган ҳолда ҳаракат =илиб, фойда кўришни кўзламайди.

## 2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектлари фаолиятининг ташкил =илиниши ва тугатилиши. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Фу=аролик =онун ҳужжатларидан маълумки, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этишдаги якунловчи бос=ич бўлиб ҳисобланади, аммо, хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилишида давлат рўйхатидан ўтказилгунга =адар бир =анча бос=ичларни босиб ўтиши лозим. Хўш, хўжалик ҳу=у=ини субъектини ташкил этиш нимадан бошланади?

Аввало, муассислар ўзларининг умумий йи\илишларига тўпланади. Айнан шу йи\илишда улар ўзларининг мулкларини умумлаштиришбирлаштириш асосида якуний ма=садларига эришиш учун барча ҳаракатлар доирасини ани=лаб оладилар ҳамда таъсис ҳужжатларини ишлаб чи=иб, уни имзолайдилар ва =арор =абул =иладилар. Шундай =илиб, хўжалик ҳу=у=и субъектини ташкил этиш деганда, ташкилот ва шартномавий бирлашмаларига ҳу=у=ий ма=ом бериш учун юридик аҳамиятга эга бўлган барча тегишли ҳужжатларни =абул =илишга =аратилган ҳаракатлар мажмуи тушунилади. Хўжалик ҳу=у=и субъектларини ташкил =илиниши кимнинг хоҳиш иродасига ва =андай тартибда амалга

оширилаётганлигига =араб таъсисфармойиш, таъсис, шартномавийтаъсис усулларига бўлинади.

**Таъсисфармойиш усул билан асосан** давлат мулкига асосланган корхоналар ташкил =илинади. Бу усулнинг характерли томони шундаки, бунда хўжалик юритувчи субъект давлат вакил =илган шахс томонидан ташкил этилади. Мисол тари=асида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14октябр 462сонли =арор билан Ўзбекистон «ЎзбекистонШвейцария» =ўшма корхонаси ташкил топганлигини келтириш мумкин.

**Таъсис этиш усули билан** битта шахс иштирокидаги ташкилотлар ҳам тузилиши мумкин. Уларнинг фаолияти хусусий мулкка асосланган бўлади.

**Шартномавий таъсис усули билан** икки ва ундан орти= таъсисчилар томонидан ўзларининг мулкий улушларини бирлаштириш асосида таъсис шартномаси тузиш йўли билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг фаолият йўналишлари белгиланади ва тузилади.

Хўжалик (тадбиркорлик) субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ю=орида таъкидланганидек, уларни ташкил этишнинг энг сўнгги бос=ичи бўлиб ҳисобланади. (Фу=аролик кодексининг 44моддаси, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тў\рисида»ги +онуннинг 3моддаси, «Масъулияти чекланган ёки =ўшимча масъулиятли жамият тў\рисида»ги +онуннинг 5моддаси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги +онуннинг 11моддаси.)

Айнан, хўжалик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган ва=тдан бошлаб юридик шахс ма=оми белгиланиб, бу юридик факт ҳу=у=ий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун =уйидаги ҳужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза та=дим этиб, унда ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъекти тў\рисидаги асосий маълумотларни, чунончи, хўжалик юритувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом жам\армасининг ми=дори, муассислар, уларнинг низом жам\армасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми, шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, ариза билан албатта таъсисчининг ўзи мурожаат этиши шарт эмас, балки унинг номидан нотариал тасди=ланган ишончнома асосида барча давлат органларида унинг ҳу=у=ларини ҳимоя =илиш учун вакил =илинган шахс ҳам мурожаат =илиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тў\рисидаги аризага **таъсис ҳужжатларининг нотариал тасди=ланган икки асл нусхаси** (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасди=лаган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди), **хўжалик юритувчи субъектнинг почта манзилини тасди=ловчи ҳужжат** (фермер, деҳ=он хўжаликлари давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно), **давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йи\имининг белгиланган ми=дори тўланганлиги**

**тў\рисидаги банк тўлов ҳужжати** (деҳ=он хўжаликлари, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно**), белгиланган тартибда шахсга (туман) ҳокимликнинг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тў\рисидаги гувоҳнома, мухр ва штамп эскизлари 3 нусхада** илова =илинади.

Ю=орида =айд этилган ҳужжатларга =ўшимча бозорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун уни ташкил этишга шаҳар туман ҳокимлиги розилиги ёки =арори талаб этилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ѝисобланган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хўжалик ҳу=у=ининг бош=а субъектларини рўйхатга олишликдан фар= =илади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги +онуннинг 11моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий асослари кўрсатилган. Унга биноан, жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун тегишли органларга ариза бергач, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тари=асида давлат рўйбатидан ўтказишни уни ташкил этиш ма=садга мувофи= эмас, деган важ билан рад этишга ёки =онун ѝужжатларида назарда тутилмаган =ўшимча талабларни белгилашга ѝа=ли эмас. Бундай талабни асоссиз рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят =илиниши мумкин.

Бу каби умумий асослардан таш=ари рўйхатга олишнинг махсус асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда =àáóë =èëинãàí «Òàäáèðêîðëèê ñóáúåêòëàðèíè äàâëàò ðўéõàòèäàí ўòêàçèø âà ҳèñîáãà =ўéèø òèçèìèíè òàêîìèëëàøòèðèø òў\ðèñèäà»ãè =àðîðèãà òàäáèðêîðëèê ôàîëèÿòèíè þðèäèê øàõñ òàøêèë ýòìàñäàí àìàëãà îøèðóâ÷è ñóáúåêòëàðíè ҳàì äàâëàò ðўéõàòèäàí ўòêàçèø ó÷óí çàðóð áўëãàí ҳóææàòëàð ðўéõàòè âà òàðòèáè мастаҳкамланган. Бунга биноан, øàõñ òîìîíèäàí òóìàí (øàùàð) ùîêèìëèёгиãà àðèçà áåðèëàäè, ушбу àðèçàãà 3х4 ўлчамëè èêêита фотосурат, ðўéõàòäàí ўòêàçèø éè\èìèíèã áåëãèëàíãàí ìè=äîðда òўëàíãàíëèãè òў\ðèñèäàãè áàíê òўëîâ ùóææàòè, ìóùð âà øòàìï ýñêèçëàðè ó÷ íóñõàäà òà=äèì ýòèëàäè ùàìäà ïàñïîðò êўðñàòèëàäè.

Жèñìîíèé øàõñ àðèçàäà òàäáèðêîðëèê ôàîëèÿòè àìàëãà îøèðèëàäèãàí æîé ìàâæóäëèãèíè òàñäè=ëîâ÷è ùóææàòони òà=äèì ýòèши лозим бўлади.

Þðèäèê øàõñ тузмасдан äåù=îí õўæàëèãè ташкил этишда ҳам òóìàí (øàùàð) ùîêèìëèёгигà àðèçà òà=äèì ýòèëàäè. Àðèçàãà, =èøëî= õўæàëèãè êîîïåðàòèâè (øèðêàò õўæàëèãè) óìóìèé éè\èëèøèíèíã ¸êè þ=îðè áîø=àðóâ îðãàíèíèíã ¸õóä áîø=à =èøëî= õўæàëèãè êîðõîíàñè ёки áåðóâ÷èñè (ìàúìóðèÿòè)íèíã õўæàëèê òàøêèë ýòèø òў\ðèñèäàãè =àðîðè илова =илиниб, ïàñïîðò êўðñàòèëàäè.

ßêêà òàðòèáäàãè òàäáèðêîðëàð âà þðèäèê øàõñ тузìàñäàí òàøêèë ýòèëãàí äåù=îí õўæàëèêëàðè äàâëàò ðўéõàòèäàí ўòêàçèø ùà=èäàãè àðèçàëàðèни ðўéõàòäàí ўòêàçóâ÷è îðãàí òîìîíèäàí =àáóë =èëèá îëинãàíиäàí ñўíã, 3 èø êóíèäàí êå÷èêìàé òàäáèðêîðëèê ñóáúåêòè ñèôàòèäà äàâëàò ðўéõàòèäàí ўòêàçèëиши âà ùèñîáãà =ўéèëиши лозим, акс ҳолда шахс судга шикоят  =илишга  ҳа=ли.

Хўжалик ôàîëèÿòèíè юритиш ó÷óí þðèäèê øàõñëàð áàíêäà ùèñîá ðà=àìèíè î÷èøлари шарт áўëñà, ÿêêà òàðòèáäàãè òàäáèðêîðëàð âà þðèäèê øàõñ тузìàñäàí òàøêèë ýòèëãàí äåù=îí õўæàëèêëàðè òîììíèäàí ôàîëèÿòíèíã àéðèì òóðëàðè àìàëãà îøèðèëãàí ùîëëàðäà ùèñîá ðà=àìè î÷èø ó÷óí ìóðîæààò =èëàäèëàð.

Хўжалик ñóáúåêòè äàâëàò ðўéõàòèäàí ўòêàçèëãàí êóíèäàí áîøëàá áèð êóí ìîáàéíèäà рўйхатга олинганлик маълумотини ñîëè= îðãàíèãà ùàìäà ìóùð âà øòàìï ýñêèçëàðèíè уч íóñõàäà èëîâà =èëãàí ùîëäà è÷êè èøëàð îðãàíëàðèãà ðўéõàòäàí ўòêàçóâ÷è îðãàí ðàñìàí òà=äèì ýòàäè. Ñîëè= îðãàíëàðè ýñà, ÿêêà òàðòèáäàãè òàäáèðêîðíè, þðèäèê øàõñ тузìàñäàí òàøêèë ýòèëãàí äåù=îí õўæàëèãèíè ùèñîáãà =ўÿäè, óëàðãà ñîëè= òўëîâ÷èíèíã èäåíòèôèêàöèÿ ðà=àìèíè áåðàäè âà óíè ñòàòèñòèêà âà ðўéõàòäàí ўòêàçóâ÷è îðãàíëàðãà ðàñìàí ìàúëóì =èëàäè.

Давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик субъекти белгиланган тартибда соли= органлари ва ижтимоий таъминот органларида ҳисобда туриши шарт. Хўжалик субъекти ҳа=ида белгилаб =ўйилган тартибни бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари =онун талабларига мос келмаслиги давлат рўйхатидан ўтказилишининг рад этилганлигига сабаб бўлади. Рўйхатдан ўтказилувчи органлар ариза берувчига хўжалик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни, уни ташкил этиш ма=садга мувофи= эмас деган важ билан рад этишга ёки =онун ҳужжатларида назарда тутилган =ўшимча талабларни белгилашга ҳа=ли эмас.

Ариза берувчи хўжалик юритувчи субъект тари=асида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан судга шикоят =илиши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг =арори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари суд томонидан хилоф деб топилган та=дирда, улар рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини =оплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлайдилар.

Хўжалик субъектининг =айта ташкил этилиши тў\рисида сўз борар экан, хўжалик субъектининг ҳу=у= ва мажбуриятларини ху=у=ий ворислик асосида бош=а шахсга ўтиши ор=али унинг тугатилиши тушунилади. +айта ташкил этишнинг ма=сади бўлиб, юридик шахснинг ҳу=у=ий ма=омини ўзгартириш бўлиб ҳисобланади.

+айта ташкил этиш ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин. Ихтиёрий =айта ташкил этиш тў\рисидаги =арор таъсисчилар ёхуд унинг таъсис ҳужжатларида ваколат берилган органлар томонидан =абул =илиниши мумкин. Мажбурий =айта ташкил этиш эса таъсисчиларнинг хоҳиш иродасига =арши, яъни ваколати бўлган давлат органи ёхуд суд томонидан =абул =илинган =арорга асосан амалга оширилади. Бундай ҳоллар =онун ҳужжатларида тў\ридантў\ри белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 августдаги 300сонли =арорига илова =илинган «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чи=ариш ва ра=обатни ривожлантириш давлат =ўмитаси тў\рисида»ги Низомда унинг зиммасига айрим хўжалик субъектларини =ўшиб юбориш, =ўшиб олиш, ўзгартириш шаклларидан =айта ташкил

этилишини назорат =илиш юклатилган. Амалдаги =онунга мувофи= юридик шахсларни =айта ташкил этишнинг 5та: **=ўшиб юбориш; =ўшиб олиш; бўлиш; ажратиб чи=ариш; ўзгартириш усуллари мавжуд.**

Фу=аролик Кодексининг 50моддасига мувофи= =ўшиб юбориш, =ўшиб олиш ва ўзгартиришда ҳу=у=ий ворислик топшириш ҳужжатида ўз аксини топишлиги, бўлиш ва ажратиб та=симлаш балансига мувофи= ани=ланиши мустаҳкамланган.

+онун ҳужжатларига биноан та=симлаш, баланс ва топшириш ҳужжатига =уйидаги талаблар =ўйилади. Топшириш ҳужжати ва та=симлаш баланси хўжалик субъекти муассислари томонидан ёки хўжаликни =айта ташкил этиш тў\рисида =арор =абул =илган орган томонидан тасди=ланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган хўжалик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд хўжалик субъектининг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун та=дим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишли тартибда ҳужжатини ёки та=симлаш балансини та=дим этмаслик, шунингдек улардан =айта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳу=у=ий ворислик тў\рисидаги =оидаларнинг йў=лиги, вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Энг аввало хўжалик субъектини =айта ташкил этиш тў\рисида =арор =абул =илган хўжалик субъекти муассислари ёки орган =айта ташкил этилаётган хўжалик субъек-тининг кредиторларини бу ҳа=да ёзма равишда хабардор =илишлари шарт.

Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектини тугатилиши унинг ҳу=у= ва мажбуриятларини ҳу=у=ий ворислик тартибида бош=а шахсларга ўтмасдан, балки бекор =илинишига олиб келади. Хўжалик ҳу=у=и субъектининг тугатилиши ихтиёрий ва мажбурий асосда бўлиши мумкин.

Тугатиш учун уни ташкил этишдан кўзланган ма=садга эришилганлиги ёки хўжалик юритувчи субъектни ташкил =илиш ва=тида =онун ҳужжатлари бузилишига йўл =ўйилган бўлса ва буларни бартараф этиб бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризаларига мувофи= суд хўжалик субъектини рўйхатдан ўтказишни ҳа=и=ий эмас деб топиши мумкин.

Хўжалик (тадбиркорлик) субъектини тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексида ҳамда Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3июндаги 327сонли «Молиявийхўжалик фаолиятини амалга оширмаган ва =онунчиликда белгиланган муддатга ўзларининг устав жам\армаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тў\рисида»ги =арорида белгиланган.

Хўжалик субъектларини тугатишнинг алоҳида асоси бўлган банкротлик натижасида тугатилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тў\рисида»ги +онунига мувофи= амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектларни =айта ташкил этиш ва тугатиш тў\рисида дарслигимизда алоҳида мавзу борлиги боис, бу масалага чу=урро= ёндашилмади.

## 3. Якка тартибдаги тадбиркор хўжалик (тадбиркорлик) ху=у=ининг субъекти сифатида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофи=, жисмоний шахсларга тадбиркорлик ма=омига эга бўлишлик имконияти берилиб, улар ҳам хўжалик ху=у=ининг субъектлари доирасига киритилди. Ўзбекистон Республикасининг дастлаб =абул =илинган «Мулкчилик тў\рисида»ги +онунига биноан фу=ароларнинг мулклари ишлаб чи=ариш–хўжалик фаолиятида фойдаланиши мумкин деган =оида белгиланди. Кейинчалик бу =оидани ҳамда конституцион нормаларни тадби= =илинган ҳолда =атор =онунлар =абул =илиндики, улар фу=ароларни хўжалик фаолияти юритишлари (соби= иттифо= даврида бундай фаолиятга рухсат берилмаган эди) ҳамда хўжалик ху=у=и субъектлари доирасининг кенгайиб боришига ху=у=ий замин яратди.

2000 йил 25 майда =абул =илинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги +онун шулар жумласидандир. Ушбу =онунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари доираси кенгайтирилиб, улар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари шаклида, жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шу\улланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти сифатида мастаҳкамланди. +онунга биноан ҳар =андай фу=аро ҳам тадбиркор шахс ҳисобланмайди, балки фа=ат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркор ма=омини олган фу=ароларгина эътироф этилиши мумкин.

+онун айрим тоифадаги фу=ароларни тадбиркор ма=омини олишларига монелик =илади. Масалан, давлат ҳокимияти ва бош=арув органлари, уларнинг мансабдор шахслари, судьялар, прокуратура ходимлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиши =онун ҳужжатларида ман этилган бош=а шахслар шулар жумласидандир.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги +онуннинг 7моддасида жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ѝолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти шакллари мустаҳкамланган. Унга кўра,

эрхотиннинг умумий молмулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

оддий ширкат;

юридик шахс ташкил этмаган ѝолда деѝ=он хўжалиги.

Якка тадбиркорликнинг тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга оширадиган субъектлардан фар=лаб турувчи хусусиятларни ани=лаб олиш лозим бўлади. Гап шундаки, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини ходимларни ёллаш ѝу=у=исиз, мулк ѝу=у=и асосида ўзига тегишли бўлган молмулк негизида, шунингдек молмулкка эгалик =илиш ва фойдаланишга йўл =ўядиган ўзга ашёвий ѝу=у= ор=али ўзига тегишли бўлган молмулк негизида муста=ил равишда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан бо\ли= =онунчиликни =ўллаш суд амалиёти тў\рисида»ги 2000 йил 28 апрелдаги +арорида[1] фу=ароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шартшароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳу=у=лари ва =онуний манфаатларини ҳимоя =илиш, бу соҳада =онунчиликни тў\ри тадби= этиш ва уларга =атьий риоя =илишнинг таъминланиши лозимлиги =айд этилган.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда хўжалик юритадиган субъектлар шакллари тў\рисида сўз кетар, экан =онун уларни =уйидаги тарзда мустаҳкамлаганлигини таъкидлаш жоиз.

1) якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ѝу=у=исиз, мулк ѝу=у=и асосида ўзига тегишли бўлган молмулк негизида, шунингдек, молмулкка эгалик =илиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл =ўядиган ўзга ашёвий ѝу=у= туфайли ўзига тегишли бўлган молмулк негизида муста=ил равишда амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик;

2) эрхотиннинг умумий молмулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

3) икки ёки ундан орти= якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойда олиш ёки =онунга зид бўлмаган бош=а ма=садга эришиш учун ўз ѝиссаларини =ўшиш ва юридик шахс тузмасдан, биргаликда иш =илиш мажбуриятини олган оддий ширкат;

4) юридик шахс ташкил этмаган ѝолда деѝ=он хўжалигини юритиш.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш (давлат рўйхатидан ўтиши) учун шахс 18 ёшга тўлган бўлиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаё=атли деб эълон =илиш асослари Фу=аролик кодексининг 28моддасида кўрсатилган.

Вояга етгунга =адар =онуний асосда никоѝдан ўтган фу=аро никоѝдан ўтган ва=тдан эътиборан тўла ѝажмда муомала лаё=атига эга бўлади, никоѝ тузиш шартномасида эга бўлинган муомала лаё=ати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоѝ бекор =илинган та=дирда ѝам тўла са=лаб =олинади. Никоѝ ѝа=и=ий эмас, деб топилган та=дирда, суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаё=атини йў=отганлиги ѝа=ида =арор =абул =илиши мумкин. Агарда =онунда назарда тутилган асосларда фу=аронинг муомала лаё=ати чекланган бўлса, фу=аро тадбиркорлик ма=омига эга бўлолмайди. Мабодо ва=т ўтиши билан фу=аро яна муомала лаё=атини тикласа, у тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиш ѝу=у=ига эга бўлади.

Тадбиркор фу=аронинг хўжалик ҳу=у=и соҳасидаги ҳу=у=ий лаё=атини фу=аролик ҳу=у=ий лаё=ати билан адаштирмаслик лозим. Фу=аролик ҳу=у=ида у фу=аролик ҳу=у=и нормалари билан тартибга солувчи мулкий муносабатларда ўзининг шахсий эҳтиёжларини =ондирувчи шахс сифатидаги умумий ҳу=у=ий лаё=атга эга бўлади. Хўжалик ҳу=у=ида

---

[1] «Хўжалик ва щу=у=» - «Хозяйство и право», 2000 - №8, 14-б.

эса, у махсус хўжалик ваколатига эга бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади, =онун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда товарлар ишлаб чи=аради (ишларни бажаради, хизмат кўрсатади), уларни реализация =илади. Шу сабабли ҳам улар фу=аролик ҳу=у=идан фар=ли равишда, фойда олиш ма=садида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида кўрилган даромад сифатида =онунчиликда белгиланган ми=дорда ва тартибда соли==а тортилади.

Гап якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш тў\рисида кетар экан, эрхотиндан бири эрхотиннинг умумий биргаликдаги молмулкидан фойдаланадиган ѝолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳу=у=ий тар-тибга солиш масаласи муҳимдир. Чунончи =онунларда, никоѝ шартномасида ёки эрхотин ўртасидаги ўзга келишувда бош=ача =оида назарда тутилган бўлмаса, бундай ҳолда эр (хотин)нинг розилиги талаб =илинади. Бундай розилик нотариал тасди=ланган бўлиб, =айси молмулкдан фойдаланишга келишилган бўлса, ушбу молмулкка тегишли маълумотлар =айд этилиши лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тадбиркорликнинг эрхотиннинг умумий молмулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик турида (иш муомалаларида) эрхотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасди=ланиши лозим.

Оилавий тадбиркорликда эрхотиннинг умумий биргаликдаги молмулкидан фойдаланишда =онун оиланинг вояга етган бош=а аъзоларининг манфаатларини инобатга олган, хусусан, агар тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уйжойдан фойдаланиш билан бо\ли= оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда уйжой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бош=а аъзоларининг нотариал тасди=ланган розилиги бўлган та=дирда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг негизи, мулкнинг шаклланиш ѝолати бирбиридан фар= =илади. Якка тартибдаги тадбиркор мулк ѝу=у=и асосида фа=ат ўзига тегишли бўлган молмулк негизида, шунингдек молмулкка эгалик =илиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл =ўядиган ўзга ашёвий ѝу=у= туфайли ўзига тегишли бўлган молмулк негизида фаолият кўрсатса, оилавий тадбиркорлик молмулк негизида умумий биргаликдаги мулк асосида амалга оширилади.

Фу=аролар юридик шахс ташкил этмасдан хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширишда биргаликда фаолият кўрсатишга эѝтиёж сезсалар, бу тарздаги биргаликдаги фаолият шаклларидан бири оддий ширкат ѝисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик Кодексининг 962моддасига биноан, оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тў\рисидаги шартнома) бўйича шерик (иштирокчи) деб аталувчи икки ёки ундан орти= шахс фойда олиш ёки =онунга зид бўлмаган бош=а ма=садга эришиш учун ўз ҳиссаларини =ўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш =илиш

мажбуриятини олади. Мазкур модданинг 2=исмига кўра оддий ширкат шартномасининг тарафлари тижоратчи ташкилотлар ѝам бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, оддий ширкат шартномасида юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар =атори юридик шахс ѝисобланган тижоратчи ташкилотлар ѝам иштирок этишлари мумкин экан.

Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тў\рисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан орти= шахс фойда олиш ёки =онунга зид бўлмаган бош=а ма=садга эришиш учун ўз ѝиссаларини =ўшиш ва юридик шахс тузмасдан, биргаликда иш =илиш мажбуриятини оладилар. Фу=аролик кодексининг 963975моддаларида юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилувчи хўжалик юритишнинг ушбу турига хос хусусиятлар ва улар фаолиятининг ѝу=у=ий асослари белгиланган.

Шериклар мулки ѝу=у=и асосида эга бўлган, улар томонидан =ўшилган молмулк, шунингдек биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб чи=арилган маѝсулот ва бундай фаолият туфайли олинган ѝосил ѝамда даромадлар =онунда ёки шартномада бош=ача тартиб белгилаб =ўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моѝиятидан бош=ача ѝол келиб чи=маса, уларнинг умумий улушли мулки ѝисобланади, биргаликдаги фаолиятга бо\ли= харажатлар ва зарарларни =оплаш тартиби эса, уларнинг келишуви билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаганда, ѝар бир шерик ўзининг умумий ишга =ўшган ѝиссаси =ийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади. Фу=аролик кодексининг 967моддаси 2=исмида шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни =оплашда иштирок этишда тўли= озод этадиган келишув ўзўзидан ѝа=и=ий эмас. Шерикларнинг умумий харажатлари ва зарарларига нисбатан бундай ѝу=у= нормасининг белгиланиши шерикларнинг тадбиркорлик субъекти сифатидаги ѝу=у= ва бурчларининг бузилишининг олдини олувчи кафолатдир.

Фу=аролик кодексининг 968моддага кўра, шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бош=а келишувида бош=ача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга =ўшган ѝиссалари =ийматига мутаносиб равишда та=симланади.

Шерикларидан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тў\рисидаги келишув ўзўзидан ѝа=и=ий эмас.

Оддий ширкат шартномасида шериклардан бирортасининг фойдага бўлган ѝу=у=ининг бузиб =айд этилиши Фу=аролик кодексининг 113 ва 115моддаларига асосан биргаликдаги фаолият хусусидаги битимнинг бекор бўлишига, ѝа=и=ий эмас деб ѝисобланишига олиб келади.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори Фу=аролик кодексининг 227моддасига мувофи= унинг умумий молмулкдаги улушини ажратишни талаб =илишга ха=ли. Бу ѝолат фа=атгина иштирокчида кредитор талабини =ондирадиган бош=а мулки =олмаган бўлса, вужудга келиши мумкин.

Агар улушни натура шаклида ажратишга имконият бўлмаса ёки унинг ажратилишига бош=а шериклар эътироз билдирсалар, кредитор ушбу улушнинг

бош=а шерикларга бозор нархида сотилишини талаб =илишга ха=ли. Ушбу ѝолатда улуш сотилганидан олинган =арзни =оплашга ишлатилади.

Агарда бош=а шериклар =арздорнинг улушини сотиб олишга розилик берсалар, бу ѝолда кредитор суд ор=али улушнинг ким ощди савдосида сотилишини талаб =илишга ѝа=лидир. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлардан бири оддий ширкат шаклида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум =илмаслиги (яширин ширкат) назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан, агар =онунчиликда бош=ача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки яширин ширкат моѝиятидан келиб чи=маса, Фу=аролик кодексининг «Оддий ширкат» боби =оидалари =ўлланилади.

Ушбу ширкатнинг хусусиятларидан бири, унинг иштирокчиларидан ѝар бири учинчи шахслар билан муносабатларда шерикларининг умумий манфаатларини кўзлаб ўз номидан тузган битимлар бўйича ўзининг бутун молмулки билан жавоб беришидадир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг шакллари тартибида деѝ=он хўжаликлари алоѝида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг «Деѝ=он хўжалиги тў\рисида»ги 1998 йил 30апрелда =абул =илинган +онуннинг 1моддасига асосан деѝ=он хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меѝнати асосида, мерос =илиб =олдириладиган умрбод эгалик =илиш учун оила бошли\ига бериладиган томор=а ер участкасида =ишло= хўжалиги маѝсулоти етиштиради ва реализация =илади.

Деѝ=он хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ѝамда деѝ=он хўжалиги аъзоларининг истагига кўра, юридик шахс ташкил этган ѝолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.[19]

Деҳ=он хўжалиги давлат рўйхатига олингач, унга деҳ=он хўжалиги бошли\ига ер участкасига умрбод эгалик =илиш ҳу=у=ини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тў\рисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Бу тарздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатга олиш тартиби тў\рисида ю=орида таъкидлаб ўтилди. Бозор муносабатлари такомиллашиб бораётган бир шароитда Республикамизда «фу=ароларнинг ҳу=у= ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чу=урлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор =аратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмо=да»[20], яъни тадбиркорлар фаолиятини давлат йўли билан доимий =ўллаб=увватлаб боришнинг ҳу=у=ий, ижтимоий асослари яратилиб келинмо=да.

---

[19] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва =ишло= хўжалигига оид =онун щужжатлари тўплами. -Тошкент., «Адолат» - 1999 йил, 117-б.

[20] И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни, фу=аролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари. «Хал= сўзи» газетаси, 2002 й., 30 август.

## 4. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъекти сифатида давлат

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг асосий тамойилларидан бири бу–давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигидир.

«Давлатнинг бош=арув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий буйру=бозлик тизимидан и=тисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш =ийин кечади.

Ўзўзидан равшанки, бозор муносабатлари меъёри мустаҳкамланиб, ислоҳотларнинг ортга =айтмаслиги таъминланиб борган сари давлатнинг таъсири ҳам шунга мувофи= равишда изчиллик билан камайиб бораверади».[21]

Шу ну=таиназардан давлат и=тисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга оширишни таъминлашни ўз зиммасига олади. Бу эса бозор шароитида и=тисодиётни давлат йўли билан бош=ариш ва тартибга солиш ҳамда иж ти-моий ва и=тисодий муаммоларни бевосита ҳу=у=ий воситалар ёрдамида ҳал этишга имконият яратади.

Давлат хўжалик ҳу=у=и субъектларига хос бўлган хусусиятларга эга. Булар, **биринчидан,** унинг ўз мулкига эгалигида, **иккинчидан,** унинг хўжалик фаолиятини бош=аришлигида, **учинчидан**, бевосита хўжалик ваколатларига эгалигида, **тўртинчидан**, хўжалик ало=аларида бош=а иштирокчилар билан шартномавий муносабатларга киришишларида гавдаланади.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти сифатида давлат бир ва=тнинг ўзида бош=а хўжалик ҳу=у=ининг субъектларидан фар= =илади. Бу шунда кўринадики, унинг фаолиятида хўжалик фаолияти устидан раҳбарликни амалга ошириш анчайин устунро= туради. Давлат и=тисодий муносабатларга киришар экан, бош=а субъектлар каби ўз фаолиятини амалга ошириши учун рухсатнома олиши талаб этилмайди. Шу билан бирга и=тисодиётга раҳбарлик =илишни юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилиши ҳам унга хос бўлган хусусиятлардан бўлиб ҳисобланади.

Давлатнинг хўжалик ҳу=у=и субъектлари =аторига =ўшмаслик, хўжалик фаолиятига оид масалаларни ҳал =илишда кўпгина ноани=ликларни келиб чи=ишига, бу борадаги масалаларни =айси ҳу=у= соҳаси нормалари билан тартибга солиниши лозимлиги тў\рисидаги масалаларда чалкашликларни келиб чи=ишига сабаб бўлар эди. Давлатнинг хўжалик ҳу=у=ининг субъекти сифатида ўзига хос хусусиятларини бирмабир таҳлил =илишга ҳаракат =иламиз.

Давлатнинг ўз мулкига эга эканлиги тў\рисида шуни таъкидлаш жоизки, Республикамиз муста=илликка эришган дастлабки йилларнинг ўзидаё=, Ўзбекистон ўзининг «Мулкчилик тў\рисида»ги +онунини =абул

[21] И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўса\асида: хавфсизликка тащдид, бар=арорлик шартлари тара==иёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 189-бет

=илди ва ушбу =онунга мувофи= Ўзбекистон давлати мулк эгаси сифатида тан олинди. 1978 йилги Ўзбекистоннинг Конституциясида жамиятнинг и=тисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхозкооператив мулки ташкил этилиши белгиланган эди. Эндиликда мулк оммавий ва хусусий шаклларда мавжуд бўлишлиги =онуний мустаҳкамланиб, ҳатто фу=ароларнинг мулки =айси шаклларда ва =ай ма=омда мавжуд бўлишилиги =онуний ҳал этилиб, мулклар тенгсизлигига барҳам берилди.

Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан =атъий назар, тенг равишда ривожланиши учун имкониятлар яратилиб, уларни баббаравар ҳу=у=ий муҳофаза =илиш =оидалари тегишли =онунларда ўз ифодасини топди.

Жамият и=тисодий негизини ташкил =илувчи асосий масала бўлган мулк масаласининг бундай ижобий ҳал =илиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши учун ишлаб чи=аришда, хўжалик соҳасида, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фу=аролар ҳамда ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг биргаликда тенг манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мулкдан ҳамкорликда фойдаланиш ва бунинг о=ибатида самарали на тижаларга эришиш имкониятлари яратиб берилди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг муста=илликка эришилгунга =адар амалда бўлган 1963 йилги Гражданлик кодексига мувофи= фу=аро билан юридик шахс ўртасида умумий мулк бўлишига йўл =ўйилмас эди. Амалдаги =онунларимизга мувофи=, эндиликда мулк икки хил, яъни хусусий ва оммавий шаклларда мавжуд бўлишлиги мумкинлиги белгиланиб =ўйилди.

Оммавий мулк давлат мулкидан иборат бўлиб, у икки хил турдаги мулкдан, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципиал мулкдан ташкил топади.

Оммавий мулк давлатнинг барча фу=ароларига ва шунинг билан ҳар бир фу=аросига тегишли бўлган мулк бўлиб ҳисобланади, аммо у ўтмишдаги давлат мулкига ўхшаш мавҳум тушунча эмас, унинг муайян объектлари, уни эгаллаб турувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи субъектлар =онунларимизда ани= кўрсатилган.

Оммавий мулк давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикасининг шахсан ўзига ва унинг маъмурийҳудудий тузилмаларига тегишли мулкдан (муниципиал) иборат.

Фу=аролик кодекси ва бош=а тегишли =онун нормаларида оммавий мулкнинг вужудга келиш асослари, бундай мулк объектларининг турлари (ер, ер ости бойликлари сув, ҳаво бўшли\и, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, бош=а табиий бойликлар; давлат ҳокимияти ва бош=аруви молмулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, Ўзбекистон бюджетининг мабла\лари, олтин заҳираси, давлатнинг валюта фонди ва бош=а фондлар, шунингдек, корхоналар ва бош=а мулкий комплекслар, илмий, илмийтад=и=от муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари), уларнинг республика ва маъмурийҳудудий тузилмаларга (маҳаллий ҳокимият ва бош=а маҳаллий органларга) тегишли =исмлари

белгиланган бўлиб, бундан таш=ари мазкур молмулкларни тасарруф этиш ҳу=у=ига эга бўлган давлат органлари ани=ланган. Масалан, Республика мулкини Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки улар махсус вакил =илган органлар тасарруф =илади.

Муниципиал ҳисобланган молмулкни тасарруф =илиш ваколатли давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил =илган органлар зиммасига юклатилган.

Давлатнинг барча молмулкини, бу мулк Республика ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўлишидан =атъий назар, асосан икки гуруҳга:

1) давлат корхоналари ва муассасаларига бириктириб =ўйилган мулк;

2) тегишли бюджет мабла\лари ва давлат корхоналари, муассасаларига бириктирилмаган Республиканинг давлат хазинасини ташкил =илинадиган молмулкларга ажратиш мумкин.

Муниципиал мулк ҳам Республика мулки каби икки хил асосий гуруҳларга бўлиниши мумкин, улар:

а) муниципиал корхоналар ва муассасаларга бириктириб =ўйилган молмулк;

б) маҳаллий бюджетни ташкил =илувчи мабла\лар, муниципиал корхоналарга ва муассасаларга бириктирилмаган тегишли вилоят, шаҳар ва бош=а муниципиал \азналарини ташкил =илувчи мулклардан иборат.

Давлат мулкини бундай объектларга бўлиш Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик кодекси ва «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш тў\рисида»ги +онунига мувофи= белгиланган.

Республика мулки объектлари доирасига киритилган объектлар давлатимизнинг миллий бойлигининг асосини ташкил =илади. Бу мулк давлат ҳокимият ва бош=арув органларини амал =илиш, умумдавлат вазифаларни амалга ошириш учун (мудофаа кучларининг, чегара =ўшинлари, миллий хавфсизлик ва ички ишларнинг мулклари асосида), Ўзбекистон хал= хўжалигини ривожлантирилишини таъминловчи тармо=лар (мудофаа ишлабчи=аришига хос корхоналар, ё=ил\иэнергетика комплекси, транспорт, ало=а тармо=лари), шунингдек Ўзбекистон Республикаси таъминоти учун зарур бўлган тармо=лар (фармацевтика, медицинабиологик препаратларни, спиртмаҳсулотларини ишлаб чи=арувчи корхоналар) учун зарур бўлиб ҳисобланади.

Ю=орида =айд этилган мулк объектлари асосида Ўзбекистон давлати хўжалик фаолиятини амалга оширади. Ушбу мулкларни давлат ўз органлари ор=али корхоналарнинг хўжалик юритишига бериб, янги субъекткорхоналарни ташкил этади. Шу билан бирга бу корхоналарни давлат тасарруфидан чи=ариш, хусусийлаштириш масаласини, уларнинг тугатилиш масалаларини бевосита мулкдор бўлган давлат ўзининг махсус органлари ваколатига киритган.

Давлат мулки бўлган махсус объект давлат хазинасига Ўзбекистон Республикаси номидан тушадиган соли=лар, йи\имлар ва бош=а мажбурий тўловлар бўйича давлат кредитор ҳисобланади. Шунингдек, давлат номидан тузилган шартномалар бўйича \азна мабла\лари ҳисобидан жавобгар ҳисобланади. Давлатнинг хўжалик ваколати тадбиркорлик ва хўжалик субъектларига нисбатан бош=арув фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Давлат хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан хал= номидан ҳаракат =илувчи субъект сифатида =онун чи=ариш ор=али умумий асосда ўз таъсирини кўрсатади, бунда у давлат вазифаларини моҳиятидан келиб чи=иб хўжалик муносабатларида иштирок этади, жумладан унинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолияти унинг ўз эҳтиёжларидан келиб чи=иб моддийтехника таъминоти, инвестициялаш каби масалаларни ҳал =илишда айни=са я==ол намоён бўлади.

Бу тарздаги фаолият илгари давлатнинг и=тисодиётни маъмурий бош=ариш шакли бўлган директив актларга ўхшамасдан, балки, давлат инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини =ондиришдек улкан вазифани бажариш ма=садида эркинлик асосидаги хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан бир ва=тда, ҳисобкитоб юритиш, молия, соли=, субъектлар имтиёзлари каби институтларни тартибга солиш ишини олиб боради ва улар ягона дастур сифатида кўринади. Чунончи и=тисодиёт соҳасидаги =онунларнинг давлат томонидан =абул =илиниши ор=али субъектлар фаолиятини тартибга солиниши амалга оширилади.

Хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши усули умумий ва алоҳида асосларда амалга оширилади. Умумий асос бўлиб =онун чи=ариш бўлиб ҳисобланса, алоҳида асосда турлитуман соҳалар бўйича хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз таъсирини ўтказади, яъни и=тисодий фаолиятнинг турли жиҳатларини тартибга солади. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун =ишло= хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ва харид =илиш, бюджет манфаатларини кўзлаган ҳолда =онунлар, экология масалаларига оид, табиатни муҳофаза =илиш тў\рисидаги =онунларни =абул =илиниши ор=али субъект сифатида кўринади.

Хўжалик фаолиятида давлатнинг таъсири мазмунига эътибор бериладиган бўлса, бунда биз, хўжалик юритувчи субъектларни тузиш, бекор =илиш, хўжалик фаолиятини тартибга солишни назорат =илиш фаолиятини гувоҳи бўламиз. Масалан, «Давлат уйжой фондини хусусийлаштириш тў\рисида»ги 1993 йил 7майда =абул =илинган Ўзбекистон Республикаси +онуни ва ушбу =онунни =ўллашдаги баъзи масалалар ҳа=идаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1994 йил 9 сентябрдаги +арорига мувофи=, уйжойни хусусийлаштириш ва фу=ароларга беришни мулк эгаси бўлган давлат номидан уйжой фондига хўжалик юритиш ҳу=у=ига ёки оператив бош=ариш ҳу=у=ига эга бўлган давлат ташкилотлари ва корхоналари амалга оширадилар. Маҳаллий маъмурият муниципиал уйжойда яшовчи фу=аролнинг аризалари бўйича фа=ат =арор =абул =илади. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини бош=ариш ва тадбиркорликни =ўллаб=увватлаш Давлат +ўмитасини ташкил =илиш

тў\рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бош=ариш =ўмитасига давлат мулкини хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурини ишлаб чи=иш, ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик =илиш, давлат мулки объектларини бош=а мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушган мабла\ларни и=тисодиётдаги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал =илиш учун сафарбар этиш каби тадбирларни амалга ошириш юклатилди.

Ю=оридагилардан келиб чи==ан ҳолда, давлатнинг хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг =уйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

1) норматив ҳу=у=ий ҳужжатлар чи=ариш;

2) давлат буюртмалари;

3) давлат контракти;

4) давлат томонидан тартибга солишни белгиловчи ҳужжатлар.

Норматив характердаги ҳужжатлар тў\рисида гап кетар экан, булар асосан биронбир товарни тў\ридантў\ри реализация =илишга рухсат этмайдиган ҳужжатлар, фаолиятни рухсатнома асосида олиб боришни назарда тутувчи кабилар тушунилади.

Бундай ҳужжатлар ҳу=у=ни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор =илиши мумкин. Ҳу=у=ларни вужудга келтирувчи ҳужжатларга имтиёзлар берувчи ёки рухсат берувчи лицензияларни киритиш мумкин, шунингдек, дотациялар, субсидиялар, ссудалар ҳам шу гуруҳ ҳужжатларига киради.

Ҳу=у=ларни ўзгартирадиган ҳужжатларга атроф муҳитни муҳофаза =илувчи органларнинг корхоналар фаолиятини чеклашга =аратилган ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ҳу=у=ларни бекор =иладиган ҳужжатларга назорат ҳужжатлари киради. Тадбиркорликни ривожлантириш хусусий мулк манфаатларини муҳофаза =илиш, тадбиркорлик фаолиятига давлат аралашувини чеклаш ма=садида назорат =илувчи органлар доирасида чекланиб, уларни назорат =илишнинг =атъий муддатлари ҳам белгиланиб =ўйилмо=да.

Хўжалик ҳу=у=ининг субъекти сифатида давлатнинг и=тисодиётга таъсир этишининг яна бир усули бу бозор механизмини ташкил этиб, унда монополияга йўл =ўймаслик, соли= тизими ор=али ва ҳар бир субъектининг ҳу=у=ини ҳимоя =илиш, и=тисодий эркинликларининг кафолатлашни белгилашдан иборат.

Хўжалик ҳу=у=и субъектлари таркибида корхоналар алоҳида ўрин эгаллаб, улар турли мулк шаклларида ташкил этилиши мумкин.

Корхоналарни ташкил этиш, =айта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий, ùу=у=ий, и=тисодий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик кодекси[22], «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тў\рисида»ги[23], «Ижара тў\рисида»ги[24], «Чет эл инвестициялари

---

[22] Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик кодекси. – Т.: Адолат. 1996

[23] Хал= сўзи – 2000 йил – 15 июнь.

[24] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1992 йил,1-сон, 45 – модда

тў\рисида»ги[25], «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ѝу=у=ларининг кафолатлари тў\рисида»ги[26], «Масъулияти чекланган ва =ўшимча масъулиятли жамият тў\рисида»ги[27], «+ишло= хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тў\рисида»ги[28], «Фермер хўжалиги тў\рисида»ги[29], «Дех=он хўжалиги тў\рисида»ги[30] каби +онунлар билан тартибга солинади.

Юридик адабиётларда корхонанинг =уйида таъкидланган белгилари тў\рисида сўз боради. Булар =уйидагилар бўлиб, биринчидан, мулк ѝу=у=и ёки хўжалик юритиш ѝу=у=и асосида ўз ходимларининг кучи билан ишлаб чи=аришхўжалик фаолиятини амалга оширади, иккинчидан, муста=ил режа асосида талаб ва таклифни эътиборга олиб давлат эѝтиёжлари учун маѝсулот ишлаб чи=ариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича фаолият юритади, учинчидан, ўз мулкига, хўжалик юритиш ёки оператив бош=арувда алоѝида мол–мулкка эга бўлади, тўртинчидан, ѝу=у=ий муносабатларда муста=ил субъект сифатида =атнашади ва юридик шахс ѝу=у=идан фойдаланади[31].

Амалдаги фу=аролик =онун ҳужжатлари мазмунига назар ташланадиган бўлса, корхона тушунчаси икки хил маънода, ѝу=у= субъекти ва ѝу=у= объекти сифатида тушунилади. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари таркиб топгунга =адар амал =илиб келган фу=аролик =онун ҳужжатларида корхона фа=атгина ҳу=у= субъекти маъносида тушунилиб келинган, чунки корхонани молмулк комплекси сифатида битимлар предмети бўлиши =онун билан таъ=и=ланган. Янги Фу=аролик Кодексида корхона икки хил маънода ифода =илинган, аммо таъкидлаш жоизки, корхона ҳали ѝу=у= объекти сифатида олимлар томонидан илмий тарзда лозим даражада ўрганилмаган. Шу ва=тга =адар, ҳа=и=атан “корхонани ѝу=у= объекти сифатида тавсифлаш юридик адабиётларда мунозарали масалалардан бири бўлиб келди”[32], аммо сўнгги йилларда ѝу=у=шунос олимлар томонидан корхонанинг ѝу=у= субъекти сифатидаги тушунчаси ва моѝиятига катта эътибор берилмо=да[33].

---

[25] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1998 йил, 5-6-сонлар, 91 - модда
[26] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномси-1996 й., 5-6-сонлар, 61-модда
[27] «Хал= сўзи» газетаси, 2002 й., 17 январь, 12-сон
[28] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномси-1998 й., 5-6-сонлар, 84-модда
[29] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномси-1998 й., 5-6-сонлар, 86-модда
[30] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномси-1998 й., 5-6-сонлар, 88-модда
[31] +аранг: Тадбиркорлик щу=у=и: (Умумий =исм): Дарслик (Тащририят щайъати: Щ.Ращмон=улов, Ш.Рўзиназаров, М.Ниёзов ва бош=.; Масъул мущаррир: Ш.Рўзиназаров. –Т.: «Консаудтинформ», 2002.,60-бет., Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Том 1. Общие положения. Курс лекций-М.: Издательство БЕК, 1994, 70-75-бетлар., Суханов Е.А. Система юридических лиц // Государство и право, 1981 йил,11-сон, 42-50 бетлар; Караходжаева Д. О юридических лицах и их имущественнўх правомочиях //Давлат ва щу=у= - 2000 йил, 1-сон, 34 бет; Тўраев А. Юридик шахсларнинг щу=у= лаё=ати – 1999 йил,5-сон, 37- бет.
[32] Якушев В.С. Юридическая личность государственного производственного предприятия. Свердловск. 1973. Ермошин Г.Н. Закон о государственном предприятии трудовой коллектив, администрация, работник, М.Московский рабочий. 1989.
[33] Тотьев К.Ю. Предприятие и его организационно-правовўе формў // Государство и право. 1994, №10. 60-67 б; Зинченко С, Лапач В., Газарьян С. Парадоксў правосубъектности предприятий // Хозяйство и право, 1995 №1. 73 б; Медведев Д.А. Проблемў реализации гражданской правосубъектности государственного предприятия. Автореф. дисс… к.ю.н. Л.: 1990; Лаптев В.В. Предпринимательское право: понятие и субъектў. М. Юристь, 1997: Плиев Э.Г. Правовўе проблемў предпринимательста в России. Цивилистический

Корхона ѝу=у= ва муомала лаё=атининг мазмунини ёритишда унинг мулк ѝу=у=и объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларни очиб бериш нафа=ат назарий жиѝатдан, балки амалий ну=таи назардан муѝим аѝамиятга эгадир.

Бутун корхона молмулк комплекси сифатида кўчмас мулк ѝисобланар экан, корхона эгаси ўзларига тегишли бўлган бундай объектга нисбатан нафа=ат мулк ѝу=у=и субъекти сифатида, балки мулк ѝу=у=и объекти сифатида муносабатда бўладилар. Эндиликда корхонани сотиш ва сотиб олиш мумкин, чунончи корхона олдисотди шартномасининг предмети бўлиб ѝисобланиши мумкин. Амалдаги фу=аролик =онун ҳужжатларига биноан бутун корхона ёки унинг =исми олдисотди, гаровга =ўйиш, ижара ѝамда ашёвий ѝу=у=ларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор =илиш билан бо\ли= битимларнинг объекти бўлиш билан бир =аторда уни молмулкни ишончли бош=ариш ѝу=у=ини берувчи шартнома асосида бош=а шахсларга мулкни бош=ариш ваколатини бериб =ўйиши мумкин.

Хўжалик ѝу=у=и субъектлари ичида корхоналар уюшмалари (иттифо=) ва ўзга бирлашмалари ѝамда уларнинг филиал ва ваколатхона, бўлинмаларининг ѝу=у=ий ма=оми (статуси) ўзига хос бўлиб, мамлакат и=тисодиётини юксалтиришда уларнинг ўрни бе=иёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ўтиш даврида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бош=а бирлашмаларнинг асосий вазифаси республика хал= хўжалигини ишлаб чи=арилаётган маҳсулотнинг ани= турлари билан таъминлаш, ягона илмийтехникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ва таш=и бозорлар коньюктурасини ўрганиш, тармо=да бозор муносабатларини ривожлантиришдир. Шунингдек, уларнинг вазифаси давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат мулкига айлантириш ишларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни бутун чоралар билан =ўллаб=увватлашдан иборатдир. Булардан таш=ари, хўжалик бирлашмалари ўз муассисларини ҳу=у=ий ҳимоя =илишни таъминлайди, давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бош=арув органларида уларнинг =онуний манфаатларини ифодалайди, тармо=ни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Биз =уйи бў\ин ташкилотлари ва корхоналарига и=тисодий эркинлик бериш, уларни давлат тазйи=идан озод =илиш билан янгича иш услубига ўтдик. Корхоналар ишлаб чи=аришни муста=ил ташкил этиш, ўз маѝсулотларини сотиш ѝу=у=ини олди. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналарнинг хўжалик юритиш шартшароитлари тенг бўлиши фа=ат ѝу=у=ий жиѝатдан эмас, балки амалда ѝам таъминланди[1].

---

аспект. М.: Проспект, 1999; Бекмуродов Т. Ўзбекистон Республикасида жамоа тадбиркорлиги асосидаги жамоа корхоналари // Хўжалик ва щу=у=, - 2000, - № 4-31б.

[1] Каримов И. Ўзбекистон и=тисодий ислощотларни чу=урлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995, 84-85 б.

Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофи=лаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ѝамда ѝимоя =илиш ма=садида нотижорат ташкилотлар ѝисобланувчи уюшмалар (иттифо=лар) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг =арорига мувофи= уюшмага (иттифо==а) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашма ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин. Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофи=лаштириши, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ѝамда ѝимоя =илиш ма=садида уюшмалар (иттифо=лар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ѝисобланади. Уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз муста=илликларини ва юридик шахс сифатидаги ѝу=у=ларини са=лаб =оладилар. Уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.Уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзо лари уларнинг мажбуриятлари бўйича уюшма (иттифо=) ва ўзга бирлашмаларнинг таъсис ѝужжатларида назарда тутилган ми=дорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Уюшма (иттиф**о**=) ва ўзга бирлашмаларнинг номи уларнинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга «уюшмаси» ёки «иттифо=и» сўзлари ёки бирлашма турини кўрсатадиган бош=а сўз киритилган бўлиши керак. +онун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳу=у=ий мав=еининг хусусиятлари белгиланиши мумкин. (Фу=аролик кодексининг 77моддаси.)

Ю=орида корхоналарнинг ички тузилмалари (бўлимлари) ҳам хўжалик ҳу=у=ининг субъектлари сифатида санаб ўтилган эди. Корхона ички тузилмалари ма=оми ва унинг корхона билан муносабатлари мунозарали тад=и= =илинганлигини таъкидлаш жоиз[34].

Корхона цех, ишлаб чи=ариш, хўжалик, участка, бригада ва бош=а ички хўжалик бўлинмаларидан иборат бўлиши мумкин. Булар корхона томонидан ўрнатилган[35] ўзининг ички хўжалик ваколатига эга бўлиб, турлитуман хўжалик ѝу=у=ий муносабатларда иштирок этади, айни=са, бозор муносабатлари такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитида бу каби

---

[34] Хозяйственное право. Общие положения. Под ред. В.В.Лаптева М.; Изд-во Наука, 1983, 64-65 б; В.К. Андреев. Правосубъектность хозяйственнўх органов: сущность и реализация. М: Изд-во Наука. 1996, 108-114 б; Макарова Е.В. Правовўе положение внутрипроизводственнўх структурнўх подразделений государственнўх предприятий промўшленности в условиях перехода к рўночнўм отношениям. Автореф. дисс… к.ю.н. М.: 1991. Черняев Г. Внутрихозяйственнўе отношения в сельскохозяйственнўх предприятиях и межфермерская кооперация. // АПК: Экономика и управление. 1995. № 2. 65 б; +ишло= хўжалик щу=у=и. Масъул мущаррирлар. Х.Р. Ращмон=улов, М.Б. Усмонов. Т.: И=тисодиёт ва щу=у= дунёси нашриёт уйи – 2000 – 184-б.

[35] Ички хўжалик бўлинмаларининг ваколатлари корхона томонидан ишлаб чи=илган бўлимлар ща=идаги Низомда белгилаб =ўйилади. Унда бўлинмаларнинг бош=а ички бўлинмалар фаолияти билан бо\ли= ички хўжалик щу=у=ий муносабатларига киришиш ва бундай щу=у=ий муносабатларсиз амалга ошириладиган щуу= ва мажбуриятлар белгиланади. Баъзан корхона томонидан чи=ариладиган бош=а норматив щу=у=ий щужжатларда бўлинмаларнинг ваколатлари мустащкамланиши мумкин.

ѝу=у=ий муносабатларнинг моѝияти, мазмуни ўзгариб бормо=да. Чунончи, корхоналар таркибида муста=ил юридик шахс ма=омига эга бўлган кичик, шўъба корхоналар, ваколатхоналар ва бош=а ички тузилмаларни ташкил этилмо=да. Корхонанинг хўжалик ва бош=а тусдаги фаолияти учун у жойлашган манзилдан бош=а жойда ваколатхона ва филиаллар ташкил этилиши мумкин. Филиал ваколатхонадан фар=ли равишда юридик шахснинг ѝамма ёки =исман вазифаларини амалга оширишга ѝаклидир.

Ваколатхона ҳамда филиаллар юридик шахс ѝисобланмайди ва уларга корхона молмулкининг бир =исми бириктирилади. Унинг раѝбари ишончнома асосида юридик шахснинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб =атнашади. Филиал ва бўлимлар юридик шахс сифатида таъсис этилса, унинг номида «филиал» ва «бўлим» атамаларидан фойдаланмаслик лозим. Умумий =оидаги кўра, юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича низо вужудга келган та=дира, даъво талаби ва эътирозлар филиал ва ваколатхона номидан билдирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг жавобгарлик тў\рисидаги =оидаларини =ўллашнинг айрим масалалари ѝа=ида»ги[36] 77сонли =арорининг 15бандига асосан юридик шахс ѝисобланмаган алоѝида бўлинма (ваколатхона, филиал) фа=атгина юридик шахс номидан даъво =илиши мумкин. Иш бўйича ѝужжатлар даъво аризасида кўрсатилган почта манзилига юборилади.

Низонинг судловга тегишлилиги юридик шахснинг эмас, балки алоѝида бўлинманинг жойлашган жойи ор=али белгиланади. Алоѝида бўлинманинг раѝбари томонидан имзоланган даъво аризасига унинг юридик шахс номидан даъво аризасини имзолаш ваколатини тасди=ловчи юридик шахснинг ишончномаси илова =илиниши керак. Шундай ваколатнома бўлмаган та=дирда Хўжалик процессуал кодексининг 118модда 2=исмига биноан даъво аризаси кўрмасдан =айтарилади. Таъкидлаш жоизки, филиал ва ваколатхона юридик шахснинг бош=а ички хўжалик тузилмаларига (бўлим, цех ва бош=алар) ўхшаш бўлсада, улардан фар=ли хусусияти шуки, у юридик шахснинг у турган ердан таш=арида жойлашган алоѝида бўлинмаси эканлигидадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда =абул =илинган «Чет эл инвестициялари тў\рисида»ги +онунининг 7 моддасига асосан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси =онун ѝужжатларининг талабларига риоя этган ѝолда Ўзбекистон Республикаси ѝудудида юридик шахс ѝу=у=ига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бош=а алоѝида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Филиал ѝамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

---

[36] Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленуми =арорларининг тўплами, Нукус, «Билим» нашриёти, 2000. 224 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлда =абул =илинган «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳу=у=ий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тў\рисида»ги Низомга кўра, бош корхонаси Республика таш=арисида жойлашган ва хўжалик фаолиятини амалга оширадиган шўъба корхоналари ва филиаллар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналар ва филиаллари ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради. Умумий =оидага кўра, муассис шўъба корхона уставини тасди=лайди, унинг раҳбарини тайинлайди ва шўъба корхонага нисбатан Ўзбекистон Республикаси =онун ҳужжатларида назарда тутилган мулк эгасининг бош=а ҳу=у=ларини амалга оширади. Шўъба корхона бош корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бош корхона эса ўзининг шўъба корхоналари мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

Шўъба корхона ўз фаолиятини таъсисчи берган ваколат доирасида амалга оширади. Шўъба корхонаси =арзлари юзасидан таъсисчи жавобгар бўлмайди. Шўъба корхонасининг синишига таъсисчи (мулкдор)нинг фаолияти сабаб бўлганда кредиторларнинг талабини =аноатлантиришга шўъба корхонанинг мабла\и етарли бўлмаса, уни таъсисчи (мулкдор) =аноатлантиради. Шўъба корхонасига бириктирилган мулк ҳисобидан =арзлар =аноатлантирилишга таъсисчининг =арзлари юзасидан фа=ат шўъба корхонасининг кредиторлари талаби =аноатлантирилгандан кейингина ҳамда шўъба корхона тугатилишидагина йўл =ўйилади.

## 5. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъекти сифатида корхоналарнинг айрим турлари: унитар корхоналар; акциядорлик жамиятлари; ишлаб чи=ариш кооперативлари; хўжалик ширкати; масъулияти чекланган ва =ўшимча масъулиятли жамиятлар.

### *А) Акциядорлик жамиятлари*

Акциядорлик жамияти тў\рисидаги умумий =оидалар, акциядорлик жамияти тузиш, Устав фонди, жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бош=а =имматли =о\озлари, жамиятнинг соф активлари, акциялар ва =имматли =о\озларни тар=атиш ҳамда жойлаштириш, акциядорлар реестри ва акцияларни са=лаш, дивидендлар, акциядорлик жамиятини бош=арувчи органлари, жамиятнинг йирик битимлар тузиши, уни =айта ташкил этиш ва тугатиш, ҳисобкитоб ва жамият фаолиятини назорат =илиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда =абул =илинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳу=у=ларини ҳимоя =илиш тў\рисида»ги +онуни ва бош=а =онун ҳужжатларида ўз аксини топган. Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасди=ловчи муайян ми=дордаги акцияларга та=симланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг муста=ил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида молмулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳу=у=ларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Акцияларни чи=ариш ҳамда уларни муомалага киритиш акциядорлик жамиятининг асосий жиҳати бўлиб, бу уни бош=а тижоратчи юридик шахслардан фар=лаб туради. Мазкур хусусият акциядорлик жамиятини бош=а тижоратчи юридик шахсларга нисбатан муайян даражада устунликка эга эканлигидан ҳам далолат беради, айни=са очи= акциядорлик жамиятида бу я==ол намоён бўлади. Ушбу устунликлар асосан =уйидагилардан, чунончи капитал кириб келишининг чекланмаганлиги, унинг эркин ҳаракати, фаолиятнинг бар=арорлиги, жавобгарликнинг чекланганлиги ҳамда профессионал бош=арув  ва бош=аларда намоён бўлади.

Очи= акциядорлик жамиятида капитал тўпланишини оддий механизми мавжуд, яъни инвесторларнинг мабла\лари акцияларни чи=ариш йўли билан жалб этилади ва энг муҳими жамият иштирокчиларининг сони чекланмагандир.

Очи= акциядорлик жамияти акцияларнинг эгалари уларни эркин равишда сотишлари ёки сотиб олишлари мумкин, бу жамиятнинг фаолиятига асло таъсир этмайди ҳамда бу учун жамиятнинг бош=а иштирокчиларининг розилиги талаб =илинмайди. Бунда капитал тадбиркорликнинг бир фаолияти соҳасидан бош=асига ҳеч =андай =ийинчиликсиз ўтиши мумкин, бош=а тижоратчи ташкилотларда эса капитални эркин айланиши муайян даражада чекланган.

Акциядорлик жамиятининг асосий устунлиги унинг фаолиятини бар=арорлигидадир. Масалан, тўли= ширкатдан тўли= шерикни чи=иб кетиши ширкатни тугатилишига, маъсулияти чекланган жамиятдан эса унинг иштирокчисини чи=иб кетиши устав капиталининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади. Акциядор эса жамиятдан чи=иб кетаётганда жамиятдан ҳеч =андай молмулк талаб =илмайди, балки ўзига тегишли бўлган акцияни бош=а шахсга сотиб юбориб, ўз улушини олади.

Акциядорлик жамиятида иштирокчиларни жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг ўзига хос кўриниши мавжуд. Агар жамият зарар кўрса, акциядор фа=атгина акция сотиб олиш учун сарфлаган мабла\ини йў=отади, холос. Иштирокчининг чекланган жавобгарлиги ҳамда акцияларни сотиб юбориш ор=али акциядорлик жамиятидан эркин равишда исталган ва=тда чи=иб кетиши акциядорлик жамиятига капитални жалб этишни осонлаштиради.

Акциядорнинг мулки акциядорлик жамиятининг мулкидан бутунлай ажратилган. Шунинг учун акциядорнинг кредиторлари ва унинг мажбуриятлари бўйича талабни жамият мулкига =арата олмайдилар, биро= акциядорнинг акциясига =аратишлари мумкин.

Акциядорнинг  жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини чекланганлиги маъсулияти чекланган жамият каби уларнинг кредиторлари

манфаатлари ҳимоясини асосий кафолати бўлган устав фондининг аҳамиятини оширади.

Очи= акциядорлик жамиятида акциядорларни жамиятнинг кундалик бош=арув фаолиятида иштирок этиши талаб этилмайди. Акциядорлик жамиятида хўжалик ширкатидан фар=ли равишда мулк билан бош=арув бирбиридан ажратилган. Акция эгаси жамиятнинг кундалик бош=арувида иштирок этиши учун ва=ти бўлмаслиги ёки етарли даражада малакага эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жамият махсус билим ҳамда малакага эга бўлган шахслар томонидан бош=арилади.

Акциядорлик жамияти уни янгидан таъсис этиш ёки мавжуд юридик шахсни =айта ташкил этиш ор=али ташкил этилиши мумкин. Юридик ҳамда жисмоний шахслар жамиятнинг муассилари бўлиши мумкин. Жамият якка шахс томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Агар акциядорлик жамияти икки ёки ундан орти= шахс томонидан ташкил этилса, муассислар ўртасида таъсис шартномаси тузилади. Шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг ми=дори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг хиллари ва турлари, улар учун тўланадиган ха= ми=дори ва бу ха=ни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳу=у= ва мажбуриятлари белгилаб =ўйилади.

Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга =адар унинг тузилиши билан бо\ли= мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамиятни рўйхатдан ўтказиш йи\ими, таъсис ҳужжатларини тайёрлаш билан бо\ли= хизматлар, муҳр ва акцияларнинг сертификатларни тайёрлаш учун сарфланган мабла\лар ҳамда жамиятни рўйхатдан ўтказиш билан бо\ли= бош=а ҳаражатлар акциядорлик жамиятини ташкил этиш билан бо\ли= ҳаражатлар киради. Жамият муассисларининг уни тузиш билан бо\ли= бўлган мажбуриятлари юзасидан фа=ат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумий йи\илишида маъ=улланган та=дирдагина жавобгар бўлади.

Жамиятнинг устави унинг муассислари ёки муассиси томонидан тасди=ланади. Агар жамият икки ёки ундан орти=
шахслар томонидан ташкил этилаётган бўлса, унинг устави муассисларнинг таъсис йи\илишида тасди=ланади. Таъсис йи\илиши =арорларини оддий кўпчилик овоз билан =абул =илади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тў\рисидаги =арорлар =абул =илинаётганда эса барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Амалдаги =онунчиликка мувофи= чи=ариладиган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилмай чи=арилган акциялар уларнинг эгаларидан мажбурий равишда олиб =ўйилади, =имматли =о\озларни сотишдан тўпланган пул эмитентдан олиниб, акция эгаларига =айтарилади ҳамда эмитентга нисбатан =онун ҳужжатларида кўрсатилган муайян санкциялар =ўлланилади.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал =ийматидан ташкил топади. Жамият чи=арадиган

барча акцияларнинг номинал =иймати бир хил бўлиши лозим. Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлаштирилган бўлиши керак. Акциялар ҳа=ининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар =ийматининг тўланмаган =исми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг устав фонди унинг молмулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам ми=дорини белгилайди. Ҳозирги пайтда очи= турдаги жамият устав фондининг энг кам ми=дори жамият рўйхатдан ўтказилган пайтда энг кам иш ха=ининг беш юз баравар суммасидан, ёпи= акциядорлик жамиятида эса энг кам иш ха=ининг икки юз баравар суммасидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал =ийматини ошириш ёки =ўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Жамият устав фондини кўпайтириш тў\рисидаги =арор акциядорларнинг умумий йи\илиши томонидан =абул =илинади, биро= мазкур ваколат умумий йи\илиш =арорига мувофи= ёки устав бўйича кузатув кенгашига ҳам бериб =ўйилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал =ийматини ёки уларнинг умумий сонини =ис=артириш йўли билан, шунингдек акцияларнинг бир =исмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чи=ариш шарти билан сотиб олиш ор=али камайтирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини камайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири унинг кредиторларини хабардор =илишликдир. Бунда кредиторлар жамиятдан ўз мажбуриятларни муддатидан олдин ижро этишни ва устав фонди камайтирилиши билан бо\ли= зарарни талаб =илишга ҳа=ли. Акциядорлик жамияти акциядорларнинг умумий мажлиси =арори билан ёки =онунда кўрсатилган ҳолларда суд =арори билан =айта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин. Очи= акциядорлик жамиятидан таш=ари, тадбиркорликни ёпи= акциядорлик жамияти кўринишидаги ташкилий – ху=у=ий шакли ҳам мавжуд. Ёпи= акциядорлик жамияти ҳам асосан очи= акциядорлик жамиятига тааллу=ли =онун нормалари билан тартибга солинади, биро= уни ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Очи= акциядорлик жамияти ўзи чи=араётган акцияларга очи= обуна ўтказиши, акциядор ўзларига тегишли акцияларни бош=а акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга ўтказишга ҳа=ли ҳамда унда акциядорларни сони чекланмагандир. Акциядорлик жамиятининг очи=лиги уни ҳар йили ўз акциядорларига жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб вара\ини оммавий равишда та=дим этиши шартлилигидан ҳам келиб чи=ади.

Ёпи= акциядорлик жамиятида акциялар олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида та=симланади. Бунда жамият ўзи чи=араётган акцияларга очи= обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бош=ача тарзда таклиф этишга ха=ли эмас. Ёпи= жамият акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган та=дирда, у бир йил давомида очи= турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач,

акциядорлар сони белгиланган ми=доргача камаймаса, суд йўли билан тугатилиши лозим. Демак, ёпи= акциядорлик жамияти кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш ёки бўлмаса иштирокчилар томонидан жамиятнинг ишини юритиши билан бо\ли= маълумотларни сир тутилишини таъминлаш ма=садида тузилади.

***б) Ишлаб чи=ариш кооперативлари***

Ишлаб чи=ариш кооперативи хўжалик ширкати каби шахсларнинг ҳамда уларнинг мулк билан =ўшиладиган пай бадалларини ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, унда унинг аъзоларини кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши талаб этилади. Ишлаб чи=ариш кооперативида аъзоларнинг шахсий меҳнати билан иштирок этиши кооперативнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Агарда кооперативнинг уставида бош=ача тартиб белгиланган бўлмаса, даромад ҳам айнан аъзоларнинг =илган меҳнатига мувофи= та=симланади. Чунки, хўжалик жамиятидан фар=ли равишда ишлаб чи=ариш кооперативида биринчи ўринда капитал эмас, балки меҳнат туради.

Ишлаб чи=ариш кооперативида аъзо сифатида асосан жисмоний шахслар иштирок этишади. Биро= =онунда ва ишлаб чи=ариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Кооперативнинг олий бош=арув органи бўлиб унинг аъзоларнинг умумий йи\илиши ҳисобланади ва унинг мутла= ваколатларига =уйидагилар киради:

кооперативнинг уставини ўзгартириш;

кооперативнинг кузатув кенгаши ҳамда ижроия органларини шакллантириш ва бекор =илиш;

кооперативга аъзоликка =абул =илиш ва чи=ариш;

кооперативнинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини ҳамда даромад ва зарарларни та=симланишини тасди=лаш;

кооперативни =айта ташкил этиш ҳамда тугатиш.

Кооперативнинг мулки унинг аъзоларини пайидан иборат бўлади. Мулкнинг муайян =исми кооперативнинг бўлинмас фондига киритилиши мумкин ва у устав бўйича белгиланган ма=садлар учун сарфланади. Пай шахснинг кооперативга аъзолигини билдирувчи омилдир. Уни бош=а шахсга ўтказиш учун аъзоларнинг умумий йи\илишини розилиги талаб =илинади, биро= кооператив аъзолари пайни сотиб олишда имтиёзли ху=у==а эга. Агарда кооперативнинг аъзоси вафот этса, унинг меросхўри унга аъзо бўлиб кириши лозим, акс ҳолда меросхўрга унга тегишли бўлган пайнинг =иймати тўланади.

Ишлаб чи=ариш кооперативида ҳам хўжалик ширкатидагидек аъзоларнинг ўзгариши =атти= назорат =илинади, аммо иштирокчилар таркибини ўзгариши уни тугатиш учун асос бўлмайди. Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тўли= бажармаган кооператив аъзоси умумий мажлис =арори билан аъзоликдан чи=ариб юборилиши мумкин. Аъзоликдан

чи=ариш тў\рисидаги =арор иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан =абул =илинади.

Ишлаб чи=ариш кооперативи унинг аъзолари ёки суднинг =арори билан тугатилиши мумкин. Ўзининг ҳу=у=ий мав=еига кўра ишлаб чи=ариш кооперативи хўжалик ширкатига ўхшаб кетади, биро= ички муносабатларни тартибга солишда муайян даражада фар=лар мавжуд. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ташкилий – ҳу=у=ий шаклини кўпайишига олиб келади.

***в) Хўжалик ширкати***

Хўжалик ширкатининг хўжалик жамиятларидан фар=и шундаки, ширкат шахсларнинг бирлашувини ҳамда уларни ширкат фаолиятида фаол иштирокини талаб =илса, хўжалик жамиятларида мабла\ (капитал) бирлаштирилади ва унда иштирокчиларнинг жамият фаолиятида шахсан иштироки талаб =илинмайди. Уларнинг ҳу=у=ий мав=еларини белгилаб беришда =онун чи=арувчи айнан мана шу тамойилга асосланган. Хўжалик ширкатининг устав капитали хўжалик жамиятининг устав капиталидан и=тисодий ҳамда ҳу=у=ий жиҳатлари билан фар=ланади. Хўжалик ширкатида устав капитали унинг иш фаолиятини бошлаш учун зарур бўлса, хўжалик жамиятида устав капитали унинг кредиторлари олдидаги жавобгарлигининг кафолатидир. Хўжалик ширкатининг устав капитали унинг таъсис ҳужжатлари рўйхатга олиш учун берилган ва=тда энг кам ойлик иш ҳа=ининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги зарур.

+онун хўжалик ширкатининг устав фондини унинг асосий активлари билан бевосита бо\лаб =ўйган. Агар ширкатнинг зарар кўриши натижасида унинг асосий активлари =иймати устав капитали ми=доридан камайиб кетса, ширкат томонидан олинган даромад унинг аъзолари ўртасида та=симланмайди. Асосий активларнинг =иймати устав капитали ми=доридан ошгандагина даромадлар унинг иштирокчилари ўртасида та=симланиши мумкин. Ширкат кредиторлари манфаатларининг асосий кафолати унинг иштирокчиларининг ўзларига тегишли бўлган бутун молмулклари билан бўлган жавобгарлигидир.

Фу=аролик кодексининг 58моддасида хўжалик ширкати =уйидаги икки хил шаклда мавжуд бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланган, булар тўли= ширкат ва коммандит ширкатдир. Ширкат иштирокчилари унинг фаолиятида бевосита иштирок этишлари шарт, натижада мазкур фаолият ширкат иштирокчилари ҳаракатларининг бирлашмасидан иборат бўлади, яъни иштирокчилар ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланишади.

**Тўли= ширкат** Фу=аролик кодекси ҳамда “Хўжалик ширкатлари тў\рисида”ги +онунга мувофи= юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик ширкати тўли= ширкат бўлишлиги учун, унинг иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофи= ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланишлари ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига =арашли бутун молмулки билан жавоб

беришлари лозим. Тўли= ширкатнинг ҳолати иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига кўпро= мос келади. Тўли= ширкатда унинг иштирокчиларининг сони чекланмаган, биро= уни таъсис этиш учун камида икки иштирокчи бўлиши шарт. Агарда =андайдир сабаблар туфайли тўли= ширкат фа=атгина ягона иштирокчидан иборат бўлиб =олса, мазкур ҳолат юз берган ва=тдан бошлаб олти ой муддат ичида мазкур тўли= ширкатга янги тўли= шериклар =абул =илиниб, у са=лаб =олиниши ёки унга ҳисса =ўшувчи аъзо топилиб, у коммандит ширкатга айлантирилиши ёхуд тугатилиши лозим. Мазкур ҳолатда тўли= ширкат ягона иштирокчи билан хўжалик жамиятига айлантирилиши мумкин. Тўли= ширкатни таъсис этиш хўжалик жамиятини таъсис этишдан кўра бирмунча осонро=дир, аммо тўли= ширкатнинг ўзига хос “камчилиги” мавжуд. Бу, ширкат иштирокчиларини ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига =арашли бўлган бутун молмулклари билан солидар тарзда, субсидиар тарзда жавобгар бўлишлигидир. Демак, тўли= ширкатнинг =арзини =оплаш учун молмулки етарли бўлмаса, ундирув ширкат иштирокчиларининг мулкига =аратилиши мумкин. Хўжалик жамиятларида эса иштирокчилар унинг мажбуриятлари бўйича фа=атгина устав капиталига =ўшган ҳиссалари =иймати доирасида жавобгар бўладилар.

Тўли= ширкат иштирокчилари жавобгарлигининг солидар хусусияти шундан иборатки, бунда ширкатнинг кредитори мулкий талабни ширкат иштирокчиларининг барчасига ёки бўлмаса уларнинг исталган бирига =ўйиши мумкин.

Тўли= ширкатнинг ишларини бош=ариш барча иштирокчиларнинг ўзаро келишувига мувофи= амалга оширилади. Ширкатнинг таъсис шартномасида бош=а =оида назарда тутилган бўлмаса, ширкат фаолияти билан бо\ли= масалаларни ҳал этишда ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади, яъни иштирокчилар устав капиталига =анча ҳисса =ўшганлигидан =атъий назар улар бош=арувда тенгдирлар.

Ширкатнинг иштирокчиси ундан ўз эрки билан чи=иб кетиши мумкин. Чекланмаган муддатга таъсис этилган тўли= ширкатдан унинг иштирокчиларини ўз хоҳиши билан чи=иб кетишини =онун ман этмайди. Иштирокчи ширкатдан чи=иб кетганлиги тў\рисида ҳеч кимга ҳисобот бериши шарт эмас, биро= у уч ой олдин бу ҳа=да ширкатни хабардор =илиши лозим бўлади. Агарда тўли= ширкат муайян муддатга тузилган бўлса, иштирокчини ундан муддатидан аввал чи=иб кетишига узрли сабаб бўлгандагина йўл =ўйилади. Узрли сабаблар рўйхати эса таъсис шартномасида белгилаб =ўйилган бўлиши лозим.

Тўли= ширкатнинг иштирокчилари етарли асослар мавжуд бўлганда ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузаётган ҳамда ширкат фаолиятида етарли даражада иштирок этмаётган шерикларни суд ор=али унинг таркибидан чи=ариб юборишлари мумкин.

Тўли= ширкатнинг ҳу=у=ий ҳолатининг асосий хусусиятларидан бири шуки, ундан чи=иб кетаётган иштирокчилар чи=иб кетаётган йил учун ҳисобот тасди=ланган ва=тдан бошлаб икки йил ичида ширкатнинг

мажбуриятлари бўйича бош=а иштирокчилар билан бир =аторда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўлишади.

Улушни ўтказиш ёки меросни =абул =илиш туфайли тўли= ширкатга =абул =илинган иштирокчилар унинг аввалги мажбуриятлари бўйича бош=а иштирокчилар билан бир =аторда жавобгар бўладилар. Тўли= ширкат таъсис этилгандан сўнг унга аъзо бўлган иштирокчи фа=атгина у шерик бўлиб кирган ва=тдан бошлаб вужудга келган мажбуриятлар учун жавобгар бўлади.

Тўли= ширкат =онун ҳужжатларига мувофи= равишда =айта ташкил этилади. Тўли= ширкат =онун ҳужжатларида назарда тутилган асослар вужудга келган та=дирда, шунингдек у ягона иштирокчидан иборат бўлиб =олган ҳолларда тугатилади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун молмулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўли= шериклар) билан бир =аторда ширкат фаолияти билан бо\ли= зарар учун ўзлари =ўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда =атнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчилар (ҳисса =ўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкат ўзининг ҳу=у=ий хусусиятлари билан ҳам тўли= ширкатга, ҳам хўжалик жамиятларига ўхшаб кетади. Шунинг учун уни тўли= ширкат билан хўжалик жамияти орали\идаги юридик шахс деса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам тўли= шериклар билан бо\ли= муносабатлар тўли= ширкатга оид нормалар билан тартибга солинади. Коммандит ширкатни ҳам тўли= ширкат каби иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига ўхшатиш мумкин. Бунда иштирокчиларнинг энг кам ми=дори икки шахс (битта тўли= шерик, битта коммандитчи)дан иборат, энг кўп ми=дори эса =онун билан чекланмаган. Коммандит ширкатдаги тўли= шериклар тўли= ширкатдагидек ширкатнинг номидан хўжалик фаолиятини амалга оширишади.

Коммандит ширкатнинг таъсис шартномаси унинг таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Таъсис шартномасида ширкатнинг хўжалик фаолиятига оид =уйидаги масалаларнинг барчаси ёритилган бўлиши лозим:

коммандит ширкат тузилаётганлиги, унинг ма=сади ва фаолият муддати;

муассисларнинг таркиби;

ширкатнинг фирма номи ва почта манзили;

устав фондининг ми=дори ҳамда уни ташкил этиш тартиби;

ҳар бир иштирокчи улушининг ми=дори;

иштирокчилар томонидан улушни киритиш тартиби, ми=дори ва таркиби;

ширкат устав фондини камайтириш ёки кўпайтириш тартиби;

ширкат фаолиятини бош=ариш тартиби;

даромадни ҳамда зарарни та=симлаш тартиби ва =онун ҳужжатларига зид бўлмаган бош=а шартлар.

Коммандитчилар ширкат фаолиятини бош=аришга ҳамда унинг номидан фаолият кўрсатишга ҳа=ли эмаслар. Ширкат номидан ваколатнома берилган ҳоллар эса бундан мустасно, шунинг учун ҳам коммандитчилар ширкат фаолиятида пассив иштирок этадилар. Биро= коммандитчи тўли= ширкатга нисбатан муайян устунликларга эга, яъни биринчидан, унинг ширкат мажбуриятлари буйича жавобгарлиги =ўшган ҳиссаси билан чекланган бўлса; иккинчидан, ширкат тугатилаётганда кредиторларнинг талаби =ондирилгач, коммандитчиларнинг ҳам талаби =ондирилади.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига коммандитчининг номи =ўшилган бўлса, у тўли= шерикка айланади ҳамда ўзига тегишли бўлган барча молмулклари билан ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Ю=орида коммандит ширкат айрим хусусиятлари билан хўжалик жамиятига ўхшаб кетишлиги айтилган эди. Бу ерда коммандитчини хўжалик жамияти аъзоси ёки акциядордан фар=ини билиб олиш катта аҳамият касб этади. Агарда хўжалик жамиятининг иштирокчи (акциядор)лари умумий мажлис ор=али жамият бош=арувида иштирок этишса, коммандитчи эса, ширкат бош=арувида иштирок эта олмайди, балки унинг фаолиятини назорат =илади, холос.

Коммандит ширкат коммандитчиларнинг барчаси ундан чи=иб кетганда ёки бўлмаса тўли= ширкатни тугатиш учун асос бўлган ҳолатлар вужудга келганда тугатилиши мумкин. Коммандит ширкатда коммандитчилар =олмаганда, у тўли= ширкатга айлантирилиши мумкин. Шунинг учун Фу=аролик кодексининг 58моддасида якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўли= ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўли= ширкатлар бўлишлари мумкинлиги кўрсатилган, чунки айнан улар тадбиркорлик фаолияти билан шу\улланишлари мумкин. Мазкур талаб Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тў\рисида»ги +онунида ҳам ўз аксини топган.

***г) Масъулияти чекланган жамият***

Масъулияти чекланган жамият де□□ □ир ёки □ир неча шахс томонидан таъсис этилган□ устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари □илан □елгила□ =ўйилган ми=дорлардаги улушларга □ўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан бо\ли= зарар учун ўзлари =ўшган ҳиссалар =иймати доирасида жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини□ шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Масъулияти чекланган жамиятда:

жамият муассисларнинг маж□уриятлари □ўйича жаво□гар эмас;

жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла =ўшмаган иштирокчилари жамият маж□уриятлари □ўйича ҳар □ир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган =исмининг =иймати доирасида солидар жаво□гар □ўладилар. Мазкур =оидага кўра кредиторлар ўз ҳиссасини тўли= =ўшмаган иштирокчилардан устав фондига =ўйилмаган ми=дордаги улушини тала□ =илишга ҳа=ли;

масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталини минимал ми=дори Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва =ўшимча масъулиятли жамиятлар тў\рисида” ги +онуни илан елгиланади ва у жамият рўйхатга олинадиган ва=тда энг кам ойлик иш ҳа=ининг эллик араваридан кам ўлмаслиги лозим;

устав капиталига иштирокчилари томонидан муайян =ийматга эга ўлган мулк улуши сифатида =ўшилганда унинг =иймати жамият иштирокчиларининг умумий мажлиси томонидан ани=ланади;

жамиятни рўйхатга олиш ва=тида ҳар ир иштирокчи таъсис ҳужжатида кўрсатилган ўз улушининг камида ўттиз фоизини тўла =ўйган ўлиши керак. Жамият рўйхатга олингач, ир йил ичида иштирокчилар улушининг =олган =исмини тўлашлари лозим;

агарда елгиланган ир йил муддат ичида устав капитали муассислар томонидан тўли= шакллантирилмаган ўлса жамият ўз устав фондини камайтиришини эълон =илиши ёки ўзини тугатиши лозим;

масъулияти чекланган жамиятни устав фондини ошириш учун унинг иштирокчилари ўз улушларини тўли= равишда =ўшган ўлишлари лозим;

жамият рўйхатга олингандан сўнг иккинчи ва ундан кейинги молия йилларда унинг асосий активларининг =иймати устав капитали ми=доридан камайи кетса, жамият устав капиталининг камайтирилишини эълон =илиши ҳамда уни елгиланган тартида рўйхатдан ўтказиши лозим;

агарда жамиятнинг асосий активлари =иймати =онун илан елгила =ўйилган устав фондининг минимал ми=доридан камайи кетса, жамият тугатилиши лозим;

жамият устав капиталини камайтириш учун дастла ўз кредиторларини у ҳа=да ёзма равишда огоҳлантириши лозим ундан ма=сад кредиторларнинг манфаатини ҳимоя =илишдир.

Юридик ва жисмоний шахслар масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари ўлишлари мумкин. +онун илан айрим тоифадаги жисмоний шахсларни ёки жамиятда иштироки таъ=и=ланиши ёки чекланиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва ош=аруви органлари жамиятда иштирокчи ўлиш ҳу=у=ига эга эмаслар иро= =онун ҳужжатларида ош=ача тарти ҳам елгиланиши мумкин. Жамият итта шахс томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин ва у жамиятнинг ягона иштирокчиси ўли =олади. ир нечта иштирокчилар томонидан таъсис этилган жамият кейинчалик ягона иштирокчидан иорат ўлган жамият сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. итта иштирокчи (жисмоний шахс) дан иорат ўлган хўжалик жамияти ош=а жамиятининг ягона иштирокчиси ўла олмайди.

Масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони эллик нафардан орти кетмаслиги лозим. Агар иштирокчиларнинг сони ю=оридаги ми=дордан орти кетса, жамият ир йил ичида акциядорлик жамиятига ёки ишла чи=ариш кооперативига айлантирилиши лозим. Агар елгиланган муддатда жамият =айта ташкил этилмаса ёки ундаги иштирокчиларнинг сони камайтирилмаса, жамият суд ор=али тугатилади.

Таъсис шартномаси ҳамда устав масъулияти чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжатлари □ўли□ ҳисо□ланади. Агар жамият ягона шахс томонидан таъсис этилса, унинг устави таъсис ҳужжати сифатида =а□ул =илинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжатларида □арча юридик шахслар учун умумий □ўлган маълумотлардан таш=ари, =уйидагиларни ўзида акс эттирган □ўлишлари лозим, чунончи, устав капиталининг ми=дори ҳамда ҳар □ир иштирокчининг улуши□ иштирокчилар томонидан устав капиталига =ўйиладиган улушларнинг тарки□и□ ми=дори ва муддати□ иштирокчиларнинг ўз улушларини устав капиталига =ўшиш □илан □о\ли= маж□уриятларни □ажармаганлиги учун жаво□гарлиги□ жамиятнинг □ош=арув органлари тарки□и ва ваколатлари ҳамда улар томонидан =арорлар =а□ул =илиниши тарти□и□ шунингдек жамият иштирокчиларининг □арчаси ёки кўпчилиги томонидан =арор =а□ул =илини□ ҳал этиладиган масалалар.

Жамиятнинг □ош=арув органлари жамият иштирокчиларининг Умумий йи\илишидан□ Кузатув кенгашидан ҳамда ижроия органларидан и□орат. Иштирокчиларнинг Умумий йи\илиши жамият □ош=арувининг олий органи □ўли□ ҳисо□ланади. Уставида жамиятнинг Кузатув кенгаши ташкил этилишлиги кўрсатилиши мумкин. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳ□арлик якка □ошчилик асосидаги ижроия органи (директор) коллегиал ижроия орган (□ош=арув□ дирекция) томонидан амалга оширилади. Ижроия органи умумий йи\илиш ҳамда Кузатув кенгаши олдида ҳисо□дордир.

Маъсулияти чекланган жамият □илан □ир =аторда **=ўшимча масъулиятли жамият** ҳам мавжуд. +ўшимча масъулиятли жамиятнинг фаолияти асосан масъулияти чекланган жамиятга оид ху=у= нормалари □илан тарти□га солинади. Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик кодек-сининг 63моддасига мувофи=, =ўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини□ шунингдек "=ўшимча масъулиятли" деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

+ўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини жамият маж□уриятлари □ўйича жаво□гарлиги уларнинг устав капиталига =ўшган улушлари □илан чекланмаганлигидадир□ яъни жамиятининг иштирокчилари унинг маж□уриятлари □ўйича ўз молмулклари □илан =ўшган ҳиссалари =ийматига нис□атан ҳамма учун □ир хил □ўлган□ жамиятнинг таъсис ҳужжатларида □елгиланадиган□ каррали ми=дорда солидар тарзда су□сидиар жаво□гар □ўладилар.

Иштирокчилардан □ири ночор (□анкрот) □ўли□ =олганида, унинг жамият маж□уриятлари □ўйича жаво□гарлиги□ агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жаво□гарликни та=симлашнинг □ош=ача тарти□и назарда тутилган □ўлмаса□ □ош=а иштирокчилар ўртасида уларнинг =ўшган ҳиссаларига мутаноси□ равишда та=симланади.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъектига таъриф беринг.
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига =ўйилган талаблар =андай?
3. +айси тоифадаги фу=ароларга тадбиркорлик ма=омини бериш мумкин эмас?
4. Оилавий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
5. Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан =ўллаб=увватлаш шакллари =андай?
6. Акциядорлик жамиятлари билан ишлаб чи=ариш кооперативлари ўртасида =андай фар= мавжуд?
7. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъекти сифатида давлат бош=а хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларидан =андай фар= =илади?
8. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=ининг субъектини ташкил этиш жараёнини тушунтиринг.

## МАВЗУ: БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИ+АРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

РЕЖА:

**1. Хусусийлаштиришнинг моҳияти, зарурияти ва тушунчаси**
**2. Мулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг ҳу=у=ий асослари**

**3. Хусусийлаштиришнинг усуллари ва шакллари**

**4. Мулкни национализация =илиш**

### 1. Хусусийлаштиришнинг моҳияти, зарурияти ва тушунчаси

Бозор муносабатлари кўп укладли и=тисодиётга асосланган бўлади. Кўп укладли и=тисодиётда турли мулк шакллари асосида ташкил этилган корхоналар фаолият юритишади. Мулк ҳамда тадбиркорлик соҳасида давлат монополиясининг мавжуд бўлиши бозор и=тисодиёти учун хос бўлмаган белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли **и**=тисодий ислоҳотлар биринчи бос=ичининг \оят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини

тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли и=тисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди[1].

Соби= социалистик тузум учун хусусий мулк тушунчаси ёт эди. Фа=атгина мулкнинг шахсий, давлат ҳамда колхозкооператив шакллари мавжуд эди. Шахсий мулкдан фойдаланиб даромад олиш =онунга зид фаолият ҳисобланарди. Давлат мулки умумхал= мулки деб аталгани билан, объектив реалликда хал= мазкур мулкдан йиро=да эди. Натижада ушбу мулк хал= томонидан эмас, балки мавҳум бўлган субъектдавлат томонидан, янада ани=ро\и унинг бюрократик аппарати томонидан бош=арилар эди. Шунинг учун ҳам хал=да, ҳам давлатда мазкур мулкка нисбатан мулкдорлик ҳисси мавжуд эмасди. Бу эса унинг талонтарож =илинишига сабаб бўларди. Колхозкооператив мулки ҳам расмий жиҳатдан жамоаники деб эътироф этилгани билан, амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди. Мулкка нисбатан бундай тартибнинг ўрнатилганлиги одамларни мулкдан бегоналашиб кетишига сабабчи бўлди. Чунки барча ишлаб чи=ариш воситалари танхо давлатнинг мулки эди. Ишлаб чи=аришда иштирок этаётган одамларнинг ишлаб чи=ариш воситаларидан маҳрум бўлиши ҳамда и=тисодий манфаатдорликнинг мавжуд эмаслиги уларда мулкка нисбатан эгалик ҳиссининг йў=олишига олиб келган эди.

Давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг асосий моҳияти жамиятдаги мулкни ҳа=и=ий мулкдорлар =ўлига топширишдан иборат. Бунда мулкдор ўз мулкини авайлабасрашга, уни ўзгалар томонидан талонтарож этилишига йўл =ўймайди ва энг асосийси ундан даромад олиш ма=садида фойдалана олади. Социалистик тузумда тан=ид остига олинган хусусий мулк, бозор и=тисодиётига асосланган жамиятда **му=аддас** деб ҳисобланади.

Давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг зарурияти давлатнинг мулкчилик ҳамда хўжалик юритиш соҳасидаги монополиясига барҳам бериш ор=али кўп укладли и=тисодиётни вужудга келтиришдир. Чунки хусусийлаштириш натижасида турли хил мулк шакллари вужудга келади ва улар асосида турли ташкилийҳу=у=ий шаклга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар(акциядорлик жамиятлари, хўжалик жамиятлари, хўжалик ширкатлари ва х.к.) ташкил этилади.

**Давлат тасарруфидан чи=ариш** – бу давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга =арашли мулк бўлмайдиган бош=а корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

**Хусусийлаштириш** эса жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллу=ли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Турли мулк шакллари ҳамда турли ташкилийҳу=у=ий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд бўлиши эса аралаш

[1] Ислом Каримов «Ўзбекистон и=тисодий ислощотларни чу=урлаштириш йўлида», Т.,Ўзбекистон-1995й, 46-бет

и=тисодиётнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Улар социалистик тузумдагидек бирбирини инкор этишмайди, аксинча бирбирини тўлдириб боришади. Корхоналарни хусусийлаштириш ор=алигина и=тисодиётда ра=обат муҳитини шакллантириш ва шу ор=али хўжалик юритиш соҳасида давлат монополиясини бартараф этиш мумкин. «Таҳлиллар шуни кўрсатмо=даки, бугунги кунда давлат корхоналари нодавлат корхоналари билан ра=обатга дош бера олмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган ва самарадорлиги паст корхоналарнинг аксарияти айнан давлат корхоналари ёки давлат улуши ю=ори бўлган акциядорлик жамиятлари экани буни амалда тасди=лаб турибди. Бундай ҳолатнинг бош сабабибу корхоналарда ҳа=и=ий хўжайиннинг йў=лиги, реал и=тисодий омил ва усулларнинг ишга солинмаганлигидир»[1].

## 2. Мулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг ҳу=у=ий асослари

И=тисодий ислоҳотларни кафолатли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири уларнинг ҳу=у=ий негизини яратишдир. И=тисодий ислоҳотлар =онун ҳужжатлари асосида амалга оширилгандагина улар муайян натижа беради ва ор=ага чекиниш ҳам юз бермайди. Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг ҳу=у=ий негизини яратиш бир =анча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди. Мазкур йўналишлардан бири мулкчилик муносабатларига асос соладиган =онунлар мажмуини яратишгга =аратилган эди. Мазкур =онунларни =абул =илмасдан туриб одамларни мулкка бўлган муносабатларини ўзгартириб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституциясида хусусий мулкнинг дахлсизлиги белгилаб =ўйилди. Биро= Конституция =абул =илингунига =адар мулкчилик муносабатларига доир бош=а =онунлар =абул =илинган эди. Ушбу =онунларнинг дастлабкиси 1990 йил 31 октябрда =абул =илинган Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тў\рисида»ги +онуни бўлди. Ушбу =онунга мувофи= =уйидаги мулк шаклларининг амалда бўлиши эътироф этилди:

хусусий мулк;

ширкат(жамоа) мулки;

давлат мулки;

аралаш мулк;

бош=а давлатлар ҳамда хал=аро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки.

+онун шунингдек барча мулк шаклларининг тенглигини ва уларни ҳу=у=ий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлаб =ўйди. Энг муҳими мазкур =онун мулкдорнинг мулкий ҳу=у=лари доирасини белгилаб берди.

---

[1] Ислом Каримов «Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин», Соли= ва божхона хабарлари, 2002 йил, 23 июль, 29-сон

1991 йил 19 ноябрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш тў\рисида»ги +онуни =абул =илинди. Мазкур =онунларни биринкетин =абул =илишдаги манти=ий бо\ли=лик шундан иборат эдики, мулкдорнинг мулкий ху=у=ларини кафолатламай, хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёни =ийин кечарди. Чунки юридик ва жисмоний шахсларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлашнинг ягона йўли, уларнинг мулкий ҳу=у=ларини кафолатлашдан иборат эди. Айнан 1991 йил 19 ноябрдаги =онун давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг шаклларини, шартларини ҳамда амалга ошириш тартибини белгилаб берди. Мазкур =онунга мувофи=, давлат мулки объектлари Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган =арори билан давлат тасарруфидан чи=ариладиган ва хусусийлаштириладиган бўлди. Давлат тасарруфидан чи=арилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг =арори билан давлат тасарруфидан чи=ариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар ҳамда корхоналарнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан белгилаб бериладиган бўлди. Айнан мазкур рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги «Айрим корхоналар ва молмулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тў\рисида»ги +арори[1] билан тасди=ланди. Давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш дастурлар асосида бос=ичмабос=ич амалга оширилмо=да. Хусусийлаштиришнинг биринчи бос=ичи Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги +арори билан бошлаб берилди[2] ҳамда 1994 йилнинг ўрталаригача давом этди. Мазкур бос=ичда умумий уйжой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ва =ишло= хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимлари хусусийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «И=тисодийислоҳотларни янада чу=урлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя =илиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тў\рисида»ги ҳамда 1994 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тў\рисида»ги Фармонлари хусусийлаштиришнинг навбатдаги бос=ичига ўтиш учун туртки бўлди. 1994 йил 21 январдаги Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш бўйича давлат дастурини ишлаб чи=иш вазифаси юклатилди. Мазкур дастурда саноат ва =урилиш тармо=ларида хусусийлаштиришни амалга оширилишига, шунингдек фу=ароларни хусуийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш ма=садида ёпи= акциядорлик жамиятларини очи= акциядорлик жамиятларига айлантириш масалаларига кўпро= эътибор =аратилиши лозимлиги таъкидланди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 194-модда

[2] «Основў приватизации», ИПК «ШАРК», том 1,1996, стр. 7

1994 йил 15 мартдаги Фармонда =имматбаҳо =о\озлар бозорини ривожлантириш, акциядорлик жамиятларида давлатга тегишли акциялар улушини =ис=артириш ҳамда хусусийлаштириш чеклаб =ўйилган корхоналар сонини камайтириш масалалари ўз аксини топган.

Давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштиришга таллу=ли бўлган =онун ҳужжатларини уларнинг ма=садларидан келиб чи==ан ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, бевосита давлат мулкини хусусийлаштиришга оид =онун ҳужжатлари бўлса, иккинчиси ана шу =онун ҳужжатларини самарали ижросини таъминлашга =аратилган норматив ҳужжатлар. Мисол учун, 1995 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва =имматли =о\озлар бозорини такомиллаштириш чоратадбирлари тў\рисида»ги Фармони[37] =абул =илинди. Мазкур Фармонда давлат бош=аруви органларининг мансабдор шахслари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари орасида ханузгача са=ланиб =олган бош=арувнинг маъмурий буйру=бозлик тизими пайдо =илган бо=имандалик кайфияти давлат корхоналарини акциялаштириш муддатларини чўзиб юборишаётгани тан=ид остига олинган.

Хусусийлаштиришнинг иккинчи бос=ичи (19951996 йиллар) очи= турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чи=ариш, кўчмас мулк ҳамда =имматли =о\озлар бозорини шакллантириш, саноат, =урилиш ва транспорт соҳасидаги ҳамда агросаноат комплексининг гўштсут, ози=ов=ат ва пахта тозалаш тармо=ларидаги ўрта ва йирик корхоналарни, шунингдек сайёҳлик комплексларини давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш билан характерланади[38].

1998 йилдан бошлаб республика и=тисодиётида йирик индустрия гигантларини, яъни ё=ил\иэнергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозликнинг айрим ёрдамчи корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда мазкур жараёнга хориж инвестициясини кенг жалб =илишнинг йўналишлари белгилаб берилди. 1998 йил хусусийлаштиришдан тушган мабла\ 8 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йили 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1999 йил сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган мабла\ 16 миллион А+Ш долларини ташкил этди[39].

Корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштиришни янада чу=урлаштири ҳамда ушбу жараёнларга хорижий инвесторларни янада кенг жалб этиш ма=садида 1999 йил 26 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «20002001 йилларда хорижий инвесторларни жалб =илган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш чоратадбирлари

---

[37] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995-1999, 4-том, Т., «Адолат», 2000 йил, 23-бет
[38] Ислом Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари», Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 221-бет
[39] Ислом Каримов «И=тисодиётни эркинлаштириш ва ислощотларни чу=урлаштириш- энг мущим вазифамиз», Хал= сўзи, 2000 йил, 15 февраль, 32-сон

тў\рисида» +арор[40] =абул =илинди. Мазкур =арор билан 20002001 йилларда хорижий инвесторларга турли шаклларда сотиладиган корхоналар рўйхати тасди=ланди.

2003 йилдан бошлаб хусусийлаштириш жараёнида сифат жиҳатидан туб ўзгариш рўй берди. Шу ва=тгача амалга оширилган и=тисодий ислоҳотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, корхоналарнинг низом жам\армасида давлат улушининг ю=ори бўлиши, уларнинг и=тисодий ва хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувига олиб келаётган эди. Мазкур салбий омилларни бартараф этиш м=садида 2003 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон и=тисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чоратадбирлари тў\рисида»ги Фармони =абул =илинди. Ушбу Фармон устав фондида давлатнинг улуши 25% ва ундан кам ми=дорни ташкил этган акциядорлик жамиятларида давлат улушини са=лаб =олиш ма=садга мувофи= эмаслиги ва мазкур улуш фонд бозорида хусусий секторга сотиб юборилиш кераклиги белгилаб =ўйилди. Авваллари корхоналарнинг давлатга тегишли акция пакетлари шу корхона уюшмасининг ишончли бош=арувига топширилар эди. Биро= мазкур ҳолат уюшмаларни ўз вазифаларини бажаришлари ўрнига, корхоналарнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига асоссиз равишда аралашувига сабабчи бўлди. Мазкур ҳолатни бартараф этиш ма=садида, ю=оридаги фармон давлатга тегишли акциялар пакетини 20032004 йилларда танлов асосида профессионал бош=арувчи компанияларнинг ишончли бош=арувига берилиши лозимлиги кўрсатиб =ўйилди. Бундан таш=ари фу=ароларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлаш ма=садида, хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорларининг дивиденддан оладиган даромадлари беш йил муддатгача соли==а тортишдан озод этилди.

Ю=оридаги фармоннинг ижросини таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнини янада чу=урлаштириш, унга хорижий инвесторларни кенг жалб этиш ҳамда корхоналарнинг устав жам\армаларида давлатнинг улушини мумкин =адар камайтириш ма=садида 2003 йил 17 апрелда Вазирлар Махкамасининг «20032004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чи=ариш ва хусусийлаштириш дастури тў\рисида»ги +арори =абул =илинди. Мазкур =арор билан давлат тасарруфидан чи=ариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар улардаги давлат улушининг ми=дорига =араб =уйидаги тўрт гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳга, устав фондида давлат улуши 25% ва ундан камни ташкил этадиган корхоналар киритилди. Мазкур корхоналардаги давлат улуши 20032004 йиллар давомида биржа ва биржадан таш=ари бозорда реализация =илиниши лозим; иккинчи гуруҳга, ҳозирги пайтгача давлат мулкида бўлган корхоналар киритилди. Улар ҳам фонд бозорида хусусий мулк сифатида бутунлай сотиб юборилиши лозим; учинчи гуруҳга, устав фондида давлат улуши 25%дан 51%гача бўлган

---

[40] Ўзбекистон Республикаси Щукуматининг +арорлари Тўплами, 11-сон,1999 йил, 69-модда

корхоналар киритилди. Ушбу корхоналар 2003 йил давомида хусусийлаштириб бўлиниши лозим. Инвесторларда =изи=иш уй\отмаган ёки келажакда и=тисодий аҳволи яхшиланиб кетиши мумкин бўлмаган корхоналар эса тугатилиши лозим; тўртинчи гуруҳга, устав фондида давлат улуши 51% ва ундан орти=ни ташкил этган корхоналар киритилган. Улар стратегик аҳамиятга эга бўлганликлари учун уларда давлат улушининг са=ланиб =олиниши ма=садга мувофи=. Биро= мазкур корхоналарни бош=аришда акциядорларнинг ролини ошириш, кузатув кенгашига кўпро= ваколатлар бериш ҳамда бизнес режаларни бажарилишини таъминлаш учун ижроия органларининг жавобгарлигини ошириш масалаларига кўпро= эътибор берилиши лозимлиги назарда тутилган.

### 3. Хусусийлаштиришнинг усуллари ва шакллари

Бозор муносабатлари кўп укладли и=тисодиёт бўлганлиги учун давлат мулкини хусусийлаштириш ҳам бир нечта шакл ва усулларда амалга оширилади. Хусусийлаштириш бўйича жаҳон тажрибаси таҳлил этилганда, уни еттита усулда амалга ошириш мумкинлиги ани=ланди[1].

Биринчиси, давлат корхоналари акцияларини эркин сотиш ор=али. Биро= фонд бозори яхши ривожланмаган давлатларда хусусийлаштиришни мазкур усулда амалга ошириш жуда =ийин кечади, чунки ушбу акцияларни реклама =илиш учун кўп мабла\ сарфланади.

Иккинчиси, акцияларни аукционларда сотиш ор=али. Акцияларни аукционларда сотишдан ма=сад, хусусийлаштириш жараёнида суистеъмолликка йўл =ўймасликдир. Чунки, Мексикада хусусийлаштиришнинг дастлабки бос=ичида ҳокимият тепасидаги партиянинг сафдошларига корхоналар арзонлаштирилган нархда сотиб юборилганлиги низоларнинг келиб чи=ишига сабабчи бўлган.

Учинчиси, давлат корхоналарига хусусий инвестиция киритиш ор=али. Бунда корхона тў\ридантў\ри сотиб олинади ёки унинг акция пакети харид =илинади. Биро= йирик ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар учун мазкур усул ма=бул бўлиб ҳисобланмайди, чунки уларда давлат албатта ўз улушини са=лаб =олиши шарт.

Тўртинчиси, корхонанинг молмулкларини сотиб юбориб, тушган мабла\лар билан унинг =арзларини =оплаш ҳамда корхонани бутунлай тугатиш. Мазкур усул корхонанинг и=тисодий аҳволини яхшилаш имконияти мавжуд бўлмаган вазиятларда =ўлланилади. Айни=са Польша давлатида мазкур усулдан кенг =ўлланилган.

Бешинчиси, давлат корхоналарини турли =исмларга бўлиб юбориб, уларни алоҳидаалоҳида сотиш ор=али. Бунда йирик корхоналар бир нечта корхоналар мажмуасидан иборат бўлади. Мазкур корхоналардан яхши

[1] «Основў приватизации», ИПК «ШАРК», том 1, 1996, стр 16

даромад келтирадигани алоҳида корхона сифатида сотиб юборилиши мумкин.

Олтинчиси, корхонани унинг раҳбари ёки меҳнат коллективи томонидан сотиб олиниши. Хусусийлаштиришнинг мазкур усулида ишчи бир ва=тнинг ўзида ҳам мулкдор бўлади, ҳам бозор муносабатлари шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бўлади. Ушбу усул А+Шда кенг =ўлланилади ва  мазкур корхоналарга соли=лар бўйича кўпро= имтиёзлар беришга ҳаракат =илинади.

Еттинчиси, давлат корхонасини ижарага бериш ёки уни бош=аришни шартнома асосида муайян хусусий корхонага топшириш. Хусусийлаштиришнинг ушбу усулида янги шаклдаги корхона ўзининг имкониятларини тўли= намоён эта олмайди.

Жаҳон тажрибасидан ҳамда ички шароитдан келиб чи==ан ҳолда Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг =уйидаги усул ва шаклларидан фойдаланилди:

давлат корхонасини жамоа корхонасига, хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш;

ижарага олинган корхонани келгусида ҳа= тўлаб сотиб олиш шарти билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш;

давлат корхонасини танлов йўли билан ёки кимошди савдосида давлатга тааллу=ли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш, меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкини сотиб олиниши ёки бу мулкни уларга текин берилиши йўли билан амалга оширилади. Бунда жамоа корхонасининг уставида ҳар бир ходимнинг молмулкдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб =ўйилади. Мазкур ми=дор ходимларнинг иш стажи, маошининг ми=дори ва бош=а омиллардан келиб чи==ан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг давлат корхоналарини хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш усули кенг =ўлланилди. Хусусийлаштиришнинг мазкур усулини кенг =ўллашдан ма=сад, бозор и=тисодиёти шароитида фу=ароларни мулкдор =илиш ор=али уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш эди. Чунки бозор муносабатларига ўтиш даврида ишсиз фу=ароларнинг сони ортади ҳамда  уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш долзарб муаммолардан бири бўлиб =олади. Айнан мана шундай вазиятда  фу=аро бирорта корхонанинг акциясига эга бўлса ёки унинг низом жам\армасида  ўз улушига эга бўлса, у ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бўлади, чунки улар ва=тива=ти билан дивиденд олиб туришади. Дастлаб ёпи= турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этилган бўлса, кейинчалик фу=ароларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш учун, улар очи= акциядорлик жамиятларига айлантирила бошланди. Биро= и=тисодий таҳлиллар мазкур жамият ва ширкатларда давлат улушининг са=ланиб =олиши ма=садга мувофи= эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги даврдаги и=тисодий ислоҳотлар хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги давлат улушларини мумкин =адар =ис=артиришга ёки бўлмаса уларнинг барчасини хусусий секторга  ўтказиб

юборишга =аратилди. Энг ачинарлиси мазкур корхоналарда акциядорларнинг ўз ҳу=у=ларини билмасликлари ёки уларни амалга оширмасликлари, мулкдор сифатида уларнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатмо=да. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг корпоратив бош=арувини тубдан ислоҳ этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб =олмо=да.

Давлат мулки объектларини танлов асосида сотиш хусусийлаштиришнинг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда танловни ўтказиш шартлари, тартиби ва муддати махсус танлов комиссияси томонидан белгилаб берилади. Танлов шартлари **ижтимоий** ҳамда **инвестицион** шартлардан иборат бўлади. Ижтимоий шартларга аввалги ишчи ўринларини са=лаб =олиш, =ўшимча ишчи ўринларини яратиш, ходимларнинг малакасини ошириб бориш, меҳнатни муҳофаза =илиш, корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартирмаслик кабилар киради. Инвестицион шартларга корхонани реконструкция =илиш, замонавий ускуналар сотиб олиш, ишлаб чи=аришни кенгайтириш ва шу кабилар киради.

Давлат мулки объектини ким ошди савдосида сотиб хусусийлаштиришдан ма=сад, бюджетга кўпро= мабла\ туширишдан иборат. Бунда давлат мулки объекти бир мунча ю=ори нархда сотилади ва уни сотиб олувчиларга ҳеч =андай шартлар =ўйилмайди. Агарда хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхона ҳеч кимни =изи=тирмаса ва унга харидор топилмаса, у тугатилади ҳамда унинг балансида бўлган мулклар сотиб юборилади. Хусусийлаштиришни самарали амалга оширишнинг асосий шартларидан бири хусусийлаштирилаётган корхонага нисбатан хусусийлаштириш усулини тў\ри танлай билишдир. Масалан, аксарият ҳолларда и=тисодий жиҳатдан самарасиз ишлаётган корхоналар хусусийлаштиришга харакат =илинади. Биро= мазкур тоифадаги корхоналар хеч кимни =изи=тирмайди ёки улар жуда паст нархларда сотиб юборилади. Шунинг учун ҳам Англияда дастлаб даромад келтирувчи корхоналар хусусийлаштирилган. Чунки бундай корхоналарнинг акцияларига талабгорлар кўп бўлади ва ушбу корхоналар анча ю=ори нархда сотилади. Бу эса давлат бюджетига катта даромад келтиради.

## 4. Мулкни национализация =илиш

Хусусийлаштиришга =арама=арши бўлган жараёнлардан бири национализациядир. Хусусийлаштиришда мулк давлат ихтиёридан хусусий сектор тасарруфига ўтса, национализацияда мулк хусусий сектордан давлат ихтиёрига ўтказилади.

**Национализация** фу=аролага ҳамда юридик шахсларга =арашли молмулкка нисбатан бўлган мулк ҳу=у=ини ҳа= тўлаш асосида =онун ҳужжатларига мувофи= давлат ихтиёрига ўтказишдир. Национализация

мулк ҳу=у=ини вужудга келиши ва бекор бўлишининг асосларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки бунда давлат мулкка нисбатан мулкий ҳу=у=ни =ўлга киритса, юридик ва жисмоний шахслар эса мазкур ҳу=у=дан маҳрум бўлишади. Уни давлат мулкини вужудга келтиришнинг тарихий усулларидан бири сифатида ҳам =араш мумкин[1]. Национализация **мажбурий** ва **эркин** равишда амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий национализацияда фу=аролар ҳамда юридик шахсларга тегишли бўлган мулк давлат ихтиёрига ўтказилади ва =онун ҳужжатларига мувофи= мулкдорларга етказилган зарар =опланади. Жахон тажрибасида етказилган зарар =опланмасдан ҳам мулк национализация =илинган ҳолатлар мавжуд. Масалан, Франциядаги «Рено» заводи уруш йилларида фашистларга ёрдам берганлиги ва улар билан ҳамкорлик =илганлиги учун 1945 йилда ҳа=и тўланмасдан национализация =илинган.

Национализация эркин равишда мулкдорнинг ўз хоҳиши ва ташаббуси билан амалга оширилади. Национализация =илинадиган объектларни вужудга келиш асосларидан келиб чи==ан ҳолда уни иккига ажратиш мумкин. Биринчиси, дастлабдан хусусий бўлиб келган корхоналарни национализация =илиш бўлса, иккинчиси аввал давлат томонидан хусусийлаштирилган корхоналарни национализация =илиш, яъни **деприватизациядир**. Аввал национализация =илинган мулкларни хусусийлаштириш эса **денационализация** деб юритилади.

Национализацияни амалга оширишдан ма=сад =уйидагилардир:

давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамият учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарни са=лаб =олиш;

экологик хавфсизликни таъминлаш;

табиий монополияларни хусусий мулк бўлиши, истеъмолчиларнинг ҳу=у=ларини ҳимоя =илишда суистеъмолликларга олиб келиши мумкинлигини бартараф этиш;

хал= хўжалигини таркибий жиҳатдан =айта =уриш;

миллий режада назарда тутилган ижтимоийи=тисодий вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш;

банк томонидан молиявий ресурслар ишлатилишини назорат =илиш учун ва бош=алар.

Национализацияни амалга оширишда =уйидагилар асос бўлади:

мамлакатнинг и=тисодий ва миллий хавфсизлигига таҳдид =илиш;

жамият учун зарур бўлган ҳамда ишлаб чи=ариш ва ижтимоий соҳада муҳим бўлган корхоналарнинг банкротлиги;

корхоналар томонидан атрофмуҳитни ифлослантирилиши;

корхона томонидан даромадни чет элга но=онуний ўтказиш:

хусусийлаштирилган объект соҳасини ўзгартириш;

---

[1] А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой «Гражданское право», часть 1, М., «Проспект» 1998, стр. 362

хусусийлаштирилган мулкнинг =ийматини тушириш, давлатга тегишли бўлган акция пакетларини реал нархлардан пастро= нархда сотиш ва =онун ҳужжатларида кўрсатилган бош=а ҳоллар.

**Назорат саволлари:**

1. Давлат тасарруфидан чи=ариш нима?
2. Хусусийлаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Хусусийлаштириш =андай усулларда амалга оширилади?
4. Мулкни национализация =илиш нима?
5. Деприватизация ва денационализация тушунчаларининг фар=и нимадан иборат?

.

**МАВЗУ: ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ +АЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШНИНГ ҲУ+У+ИЙ АСОСЛАРИ**

**РЕЖА:**

**1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини =айта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга**
**ошириш усуллари.**

**2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини тугатиш тартиби ва асослари.**

## 1. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини =айта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.

Юридик шахснинг вужудга келишининг ҳу=у=ий аҳамияти муҳим ҳодиса бўлганлиги туфайли, фу=аролик ҳу=у=ида юридик шахс фаолиятининг бекор бўлиши ҳам муҳим ҳу=у=ий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлардан ҳисобланади. Бу шуниси билан муҳимки, о=ибатда бир =анча ҳу=у= ва мажбуриятлар юзага келади.

Умумий =оидага кўра, юридик шахснинг фаолияти =айта ташкил этиш ёки тугатиш натижасида бекор бўлади.

+айта ташкил этиш, илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор =илиниши ва янги ҳу=у= субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демакдир. Корхона, у ёки бу маънода бош=а ҳу=у= ва мажбуриятлар олувчиси (янги ҳу=у= субъекти), янги юридик шахс томонидан амалга оширилади. Тугатишдан фар=ли ўларо=, =айта ташкил этишда мулк са=ланади, хўжалик ва мулкий ҳу=у= ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йў=отмайди. Ишлаб чи=ариш бўлинмалари ҳам ё =ис=арган, ёки йириклашган ҳолда фаолиятини давом эттиради. +айта ташкил этиш ҳар доим ҳу=у=ий ворислик билан бо\ли=, яъни мулкий ва бош=а ҳу=у= (мажбурият)ларнинг бекор =илинган (турини ўзгартирган) бир ҳу=у= субъектидан бош=асига, =айтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Юридик шахс =айта ташкил этилган та=дирда, унга мулк ҳу=у=и асосида тегишли молмулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахсни тугатишдан бунинг асосий фар=и ҳам шунда ифодаланади.

+айта ташкил этилган юридик шахснинг ҳу=у=ий ворислари унинг фаолиятини давом эттиради. Шу билан бо\ли= равишда охир о=ибатда барча ҳу=у= ва мажбуриятлар тўли= ўтиши лозим. Улар =айта ташкил этилган юридик шахснинг универсал ҳу=у=ий вориси, топшириш ҳужжати, худди

шунингдек, та=симлаш балансида =айд =илинган ёки =илинмаган бўлса ҳам, унинг барча ҳу=у= ва мажбуриятларининг вориси бўлиб =олади.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 49моддасида =айта ташкил =илишнинг беш шакли фар=ланади: =ўшиб юбориш (икки ва ундан орти= юридик шахслар бир шахсга айланади);

- =ўшиб олиш (бир ёки бир неча юридик шахслар бош=асига =ўшилади);
- бўлиш (юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан орти= юридик шахсларга бўлинади);
- ажратиб чи=ариш (юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, бунда аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб =олаверади);
- ўзгартириш (бир ташкилийҳу=у=ий шаклдаги юридик шахс бош=а шаклдаги юридик шахсга ўзгаради).

Ушбу ҳолатлар юридик шахснинг =айта ташкил этилиши жараёнида =атнашувчи томонларга алоҳида эътибор беришни та=озо этади. Натижада =айта ташкил этилаётган субъектларнинг икки яъни, "ички" фа=ат =айта ташкил этилаётган субъект муассислари (таъсисчилари) доирасини =амраб олувчи (бўлиш ёки ажратиб чи=ариш) ва "таш=и" =айта ташкил этилаётган юридик шахснинг бош=а субъектлар билан ало=асини белгиловчи (=ўшиб олиш, =ўшиб юбориш ва ўзгартириш) ўзига хос ҳу=у=ий тартибга солиш жараёни вужудга келади. Бундай ҳу=у=ий тартибга солиш, юридик шахсларнинг =айта ташкил этилишида =атнашаётган субъектлар юридик ҳолатини тусловчи "ҳу=у= субъектларнинг мажбурийҳу=у=ий ало=алари" кўринишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Фу=аролик =онунчилигида муҳим ўрин эгаллаган =айта ташкил этишнинг янги шаклининг =онунчиликка, амалиётга ва =олаверса, и=тисодиётга кириб келиши мамлакатимизда рўй бераётган бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан бо\ли=. Унинг тўла ҳу=у=ий ва и=тисодий юту=лари ва камчиликларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Юридик шахсни =айта ташкил этиш умумий =оидаларга асосан ихтиёрий равишда – унинг таъсисчиларининг (=атнашчиларининг) ёки таъсис этилган ҳужжатлар билан ваколатга эга бўлган юридик шахс органи, масалан аъзоларнинг умумий йи\илиш =арори асосида амалга оширилиши мумкин. +ўшиб олиш, =ўшиб юбориш ёки ўзгартириш шаклларидаги ***ихтиёрий*** =айта ташкил этиш =онунда белгиланганидек, давлат органларининг олдиндан олинган розилиги асосида амалга оширилади. Масалан, бундай розиликни товар бозорларида монополистик фаолиятни келтириб чи=арувчи хўжалик субъектлари устидан назорат =илувчи монополияга =арши давлат органидан ҳам олиш талаб =илинади[41]. Баъзан

---

[41] Агар юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш, =ўшиб юбориш ва бирлаштириш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни =ўшиб юбориш ва бирлаштириш,молия-саноат гурущлари, холдинг компаниялари ташкил этиш назарда тутилган щоларда хўжалик юритувчи субъектларни =ўшиб юбориш ёки бирлаштириш (=ўшиб олиш) тў\рисида =арор =абул =илган шахслар ёки органлар монополияга =арши

юридик шахсни =айта ташкил этишда унинг хоҳиширодасидан четга чи=илиши мумкин. Бу тў\ридантў\ри =онунда белгиланган ҳолатларда, юридик шахсни =айта ташкил этишнинг унинг таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахсларни бўлиш ёки ажратиб чи=ариш турлари ваколатли давлат органлари ёки суд =арори билан ***мажбурий*** амалга оширилади. Чунки =онунга биноан бирор товар бозорида устун мав=еига эга бўлган ҳолда монополияга =арши =онун ҳужжатларини устустига бузса, монополияга =арши давлат органи ра=обатни ривожлантириш ма=садида уни мажбурий тартибда бўлиб юбориш ёки таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чи=ариш ҳа=ида судга даъво аризаси бериш ҳу=у=ига эга[42]. Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил =илинган орган ёки юридик шахснинг ўз таьсис ҳужжатлари билан =айта ташкил этишга вакил =илган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг =арорида белгиланган муддатда =айта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бош=арувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни =айта ташкил этишни топширади. Бош=арувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бош=ариш ваколатлари ўтади. Бош=арувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат =илади, та=симлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни =айта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таьсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чи=иш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларини тасди=лаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

+айта ташкил =илишнинг барча санаб ўтилган шаклларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга, та=симлаш баланси билан расмийлаштирилувчи бўлиш ва ажратиб чи=ариш шакли киради. Иккинчи гуруҳга, топшириш ҳужжати билан расмийлаштирилувчи =ўшиб юбориш, =ўшиб олиш ва ўзгариш шаклларини киритиш мумкин. Ушбу ҳужжатлар билан янги ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳу=у= ва мажбуриятларининг ҳажми ани=ланади.

Юридик шахсларни =айта ташкил =илиш жараёнида “та=симлаш баланси” ва “топшириш ҳужжати”нинг аҳамияти жуда катта, чунки у =айта ташкил этилган юридик шахснинг ўзидан олдингисига нисбатан бўлган муносабатларида, хусусан берилган молмулкка эгалик ҳу=у=ининг таркиби ва ҳажмига ҳу=у=ий ворисликни тасди=ловчи ҳужжат ҳисобланади. Та=симлаш баланси ва топшириш ҳужжати, кимга, айни =айси ҳу=у= ва мажбуриятлар ўтиши кераклигини ани= белгилаб бериши зарур. Бу ҳужжатларда =айта ташкил =илинган юридик шахс мажбуриятларининг

---

давлат органига =айта ташкил этишга розилик бериш тў\рисидаги илтимоснома щамда бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектлардан щар бирининг асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозоридаги улуши ва бирлашмага киришга розилиги тў\рисидаги маълумотларни та=дим этадилар. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ра=обат тў\рисида Ўзбекистон Республикаси =онуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 54-модда.

[42] Шу щужжат 16-модда 1 банди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 54-модда.

бутун мажмуини, шу билан бир =аторда бажариш муддати келмаган, =айта ташкил =илинган шахс баҳслашаётган мажбуриятларни ҳам киритиш, =айд этиш керак.

Та=симлаш баланси ва топшириш ҳужжати =айта ташкил =илиш ҳа=ида =арор =абул =илган шахслар томонидан албатта тасди=ланиб, тегишли ҳужжатлар билан давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳавола =илинади. Булар =айта ташкил =илинган шахснинг таъсисчилари, ёки уни яхши биладиган (ўз хоҳиши билан =айта ташкил =илишда), ёки ваколатли давлат органи (=онунда кўзда тутилган, мажбурий ташкил =илиш ҳолларида) бўлиши мумкин. Ушбу =оидаларга риоя =илиниши =айта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳу=у=ий муносабатларига тўла ани=лик киритиб, юридик шахсни =айта ташкил =илиш жараёнида кредиторларининг манфаатларини кўзда тутиб, уларнинг талабларни йў=олиб кетмаслиги учун ўрнатилган.

Та=симлаш баланси бўйича молмулкка келиб =ўшилиши (актив) ёки ундан чи=иб кетиши (пассив) мумкин бўлган =исмлари, шунингдек жорий йилда юридик шахсдан топширгунга =адар бўлган муддат давомида олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда топширилади. Асосий ва оборотдаги мабла\лар уларни топшириш ҳа=ида =айси чоракда =арор =абул =илинган бўлса, ўша чоракнинг молиявий режаси кўрсатилган ми=дорда топширилади. Топшириш ҳа=ида =арор =абул =илингандан кейин уларни ўзгартириш мумкин эмас. =арор =абул =илингандан кейин ўзлаштирилган асосий ва оборотдаги мабла\лар уларни =абул =илиб олувчи тарафга =айтариб берилиши лозим.

Топшириладиган молмулк инвентаризация =илинади ва бу топшириш ҳужжатида ёки та=симлаш балансида кўрсатиб =ўйилади.

+айта ташкил =илиш ва=тида =айта ташкил =илинаётган корхона эга бўлган дебитор ва кредиторлик =арзларининг бутун ми=дори (шу жумладан, сотиб олувчи ва таъминотчиларнинг иш ҳа=и бўйича =арзлари, ҳисоб берувчи шахслардан, бюджет ва бюджетдан таш=ари фондлар, соли=лар ва бош=а мажбурий тўловлар бўйича), та=симлаш баланси ёки топшириш ҳужжатига мувофи=, унинг ҳу=у=ий ворисларига ўтади.

Фу=aроликҳу=у=ий муносабатларнинг мазмунини ташкил =илувчи фу=аролик ҳу=у= ва мажбуриятлар юридик фактлар асосида вужудга келади. Ушбу ҳу=у= ва мажбуриятларни нафа=ат вужудга келиши, шунингдек уларнинг ўзгартирилиши ва бекор бўлиши ҳам =онун ва бош=а ҳу=у=ий ҳужжатларга асосан юридик фактлар билан бо\ли=дир. Фу=аролик Кодексининг 8моддасида амалиётда учраб турадиган юридик фактлар инобатга олинган ҳолда, фу=аролик ҳу=у= ва бурчларнинг вужудга келтириш асослари берилган.

+айта ташкил этиш жараёнида ю=орида санаб ўтилган ҳу=у= ва мажбуриятларнинг янгидан вужудга келган юридик шахс(ҳу=у=ий ворис)га ўтиши масаласи мукаммал ўрганилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади. Маълумки, ҳу=у=ий муносабатлар уларнинг вужудга келишидан бошланиб, унинг бекор =илиниши билан тугайди. Мана шу чегара орали\ида ҳу=у=ий муносабатлар юзага келади, ҳаракатда бўлади. Бу

ҳаракат давомида ҳу=у=ий муносабатлар мазмун жиҳатдан ўзгарсада, ўзининг айрим хусусиятларини са=лаб =олган ҳолда мавжуд бўлади ва давом этади.

Ху=у=ий муносабатларда мажбуриятга эга бўлган субъектларнинг ўзгариши кредитор алмашганда (ҳу=у= субъекти), =арздор алмашинувида (фу=аролик ҳу=у=ий мажбуриятлар субъекти) рўй беради, шунингдек субъектнинг икки ё=лама мажбуриятларда иштирок этиши, яъни бир ва=тнинг ўзида ҳам кредитор ҳам карздор бўлиши мумкин. Демак, ҳу=у=ий муносабат доирасида юридик шахсларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлишигина эмас балки, мавжуд давр орали\ида таркиб жиҳатдан юзага келадиган ўзгаришларни (=айта ташкил этиш) ҳам ҳисобга олишга тў\ри келади.

Фу=аролик ҳу=у=и назариясида асосий эътибор ҳу=у=ий муносабатларнинг пайдо бўлиши ва бекор бўлишига =аратилиб, ҳу=у=ий муносабатларнинг ўзгариши ҳамда =айта ташкил этиш тў\рисида, айни=са ҳу=у=ий ворислик билан узвий бо\ли= бўлган масалалар кам тад=и= =илинган муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Ҳу=у=ий ворислик бу субъектив ҳу=у=нинг бир шахсдан иккинчи бир шахсга ўтишидир. Ҳу=у= берувчидан ҳу=у=ий ворис (субъект)га субъектив ҳу=у=нинг берилиши натижасида ҳу=у=ий муносабатларда ўзгаришлар содир бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ҳу=у=нинг бир шахсдан бош=а шахсга ўтишида, дастлабки ҳу=у= субъектнинг ҳу=у= ва мажбуриятлари ҳамда унга нисбатан =ўйилган талаблар билан биргаликда ўтади. Шунинг учун, ҳу=у=ий ворислик кўламини =ўллаш кенг ва кўп =ирралидир. Ҳу=у=ий муносабатлар субъекти таркибини ўзгартиришда ҳар доим ҳу=у= бир шахсдан иккинчи бир шахсга ўтади. Бунда эски ва янги ҳу=у=ий муносабатлар ўртасида ало=а ўрнатилади.

Ҳу=у=ий ворислик юридик шахсни =айта ташкил этишда келиб чи=ади, =айта ташкил этишда юридик шахс ўзининг ҳу=у=ий ворислари тимсолида мавжуд бўлади ва ҳаракат =илади. Бу =айта ташкил этилган юридик шахс кредиторлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Юридик шахс =айта ташкил этилиб, ҳу=у=ий ворислик келиб чи==ан ҳолатда фу=ароликҳу=у=ий тартибга солишнинг вазифалари =ўйидаги заруратлардан келиб чи=ади:

1) Барча ҳу=у= ва мажбуриятларни тўли= юклаш, =айта ташкил этилган юридик шахс фаолиятини, унинг ҳу=у=ий ворисига ўтиши;

2) Бу мажбуриятларни ва улар бузилганлиги учун жавобгарликни =айта ташкил этилган юридик шахс ҳу=у=ий ворисларига, унинг фаолияти =андай бўлинган бўлса, шундай ани=ликда бўлиб бериш;

3) Кредиторларга =айта ташкил этилган юридик шахс мажбуриятлари олдида мажбуриятли ва жавобгар бўлган унинг ҳу=у=ий ворисларини топишни енгиллаштириш. Бундай тадбирлар зоя кетган та=дирда, барча ҳу=у=ий ворисларга нисбатан солидар жавобгарликни =ўллаш лозим.

Ҳу=у=нинг ижтимоий аҳамияти ҳам шундан иборат, яъни фу=аролик муомаласида бар=арорлик бўлиши зурур. Бундай сифатларга фа=ат мустаҳкам =онунчилик туфайлигина эришиш мумкин бўлади. Бу эса тегишли

равишда ҳу=у=ий муносабатлар субъектларининг муста=иллигини, =айта ташкил этиш ҳолатида томонларнинг ўзгариши, корхонага ҳу=у= ва мажбуриятларнинг ўтиши билан улар фаолиятини давом эттириши ҳу=у=ий ворислик билан ани=лаштирилади. (ЎзР ФКнинг 50моддаси) Фу=аролик кодексининг 82моддасига кўра дастлабки ху=у= субъектига тегишли бўлган “фу=аролик ҳу=у=ларининг объектлари эркин суратда бош=а шахсларга берилиши ёки *универсал ҳу=у=ий ворислик* (мерос =илиб олиш, юридик шахсни =*айта ташкил этиш*) тартибида ёхуд бош=а усул билан, агар улар муомаладан чи=арилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин”.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, ҳу=у=ий ворислик умумий (универсал) ва =исман (сингуляр) турларга ажратилади. Универсал ҳу=у=ий ворисликда маълум ҳу=у= ва мажбуриятларнинг жами ўтади. Масалан, бир неча юридик шахслар =ўшиб юборилганда, янги ташкил бўлган юридик шахсга универсал ворислик тартибида олдингиларнинг барча ҳу=у= ва мажбуриятлари ўтади. Универсал ҳу=у=ий ворисликнинг предметини ҳу=у=ни =абул =илиб олувчи (янги ҳу=у= субъекти)га ўтадиган ҳу=у= ва мажбуриятлар йи\индиси ташкил =илади.

Ҳу=у=ий ворислик ўз ичига муайян ҳу=у= ва мажбуриятларни =амраб олади. Ҳу=у=ий ворисга маълум ҳу=у= ва мажбуриятлар мажмуасини бериш билан бирга маълум шахсда мавжуд бўлган ҳу=у= ва мажбуриятлар йи\индисининг ўтиши, яъни универсал ҳу=у=ий ворислик муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг туб моҳиятига кўра сингуляр (=исман) ҳу=у=ий ворислик, яъни ҳу=у= ва мажбуриятлар бир =исмининг ҳу=у=ий ворислигидан фар= =илади.

Универсал ҳу=у=ий ворисликда шахс ҳу=у= ва мажбуриятлари йи\индиси сифатида, унга тегишли бўлган молмулк ҳу=у=ий ворисга ёки ҳу=у=ий ворисларга тўли= равишда ўтади. Яъни, молмулк бир корхонадан иккинчисига ўтганда мулк билан бирга =айта ташкил этилган корхона зиммасидаги ҳу=у= ва мажбуриятлар юкланади. Айни шундай ҳолатлар универсал ҳу=у=ий ворислик ҳолатларига тааллу=ли бўлиб, бунда ҳу=у= субъективлигининг тўли= ворислиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фу=аролик кодексининг 51моддасини =уйидагича тартибда ҳам шарҳлаш мумкин: яъни, юридик шахс =айта ташкил этилиши натижасида янгидан вужудга келган юридик шахснинг мулкка оид ҳу=у= ва мажбуриятларини ўтиш ва=ти унинг муассислари ёки =айта ташкил этиш тў\рисида =арор =абул =илган орган томондан топшириш ҳужжати ва та=симлаш балансида имзоланган ва тасди=ланган сана ҳисобланади.

Топшириш ҳужжати билан та=симлаш балансини улар юридик табиати ва мазмунига кўра корхонанинг устави ва низомига тенглаштириш мумкин. Шунинг учун =айта ташкил этишда топшириш ҳужжати ёки та=симлаш баланси тузилгунга =адар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, муста=ил аудиторнинг корхона таркиби ва молмулки тў\рисидаги хулосасини, шунингдек кредиторлар, улар =ўяётган талаблар хусусияти, ми=дори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритилган

барча =арз (мажбурият)лар рўйхатини томонлар тузган ва кўриб чи==ан бўлиши керак.

Лекин та=симлаш баланси ва топшириш ҳужжатини низосиз ҳужжат деб бўлмайди. Бундай ҳолатлар юзасидан келиб чи==ан келишмовчиликлар суд тартибида ҳал этилади.

Кўриб чи=илаётган =айта ташкил этиш ва ху=у=ий ворислик тў\рисидаги нормалар тушунчалари ва=тга ва мазмунига чамбарчас бо\ли=ликда таҳлил =илиниши лозим. ***Биринчидан***, ҳеч ким топшириш ҳужжати ва та=симлаш балансини тасди=ловчи юридик шахс муассиси (иштирокчиси)нинг =айта ташкил этиш ҳа=идаги =арорини ўзгартириш ёки бекор =илиш ҳу=у=ини давлат рўйхатидан ўтказиш ва=тигача чеклаб =ўя олмайди. Муассиснинг бу ху=у=и =онунга зид бўлмайди ва =айта ташкил этишнинг ҳу=у=ий табиатига тўли= тў\ри келади; ***иккинчидан***, агар топшириш ҳужжати ва та=симлаш балансида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳу=у=ий ворислик тў\рисидаги =оидалар бўлмаса, янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Шундай =илиб, Фу=аролик кодексида ҳу=у=ий ворислик объектини ани=лашда =онун чи=арувчини ёндашишига эътиборни =аратиш керак.

+айта ташкил этилган корхона ҳу=у=ий ворислари универсал ҳу=у=ий ворис бўладилар, бу ҳа=да топшириш ҳужжати ва та=симлаш балансида =айд этилган ёки этилмаган бўлсада, улар ҳу=у= ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Демак, ворислик ҳу=у=ининг мазмунини молмулкни топшириш ҳужжати ва уни та=симлаш баланси ташкил этади.

Ҳар бир ҳу=у=ий ворис мулкдор ёки хўжалик юритиш, оператив бош=ариш тарзида ўтувчи молмулк таркиби (мулкий ҳу=у= ва мажбуриятлар), мулкдор ёки улар томонидан вакил этилган орган томонидан белгиланиб, та=симлаш баланси ва топшириш ҳужжати ор=али ани=лаштирилади. Худди шундай тартибда мулкий ҳу=у=ларнинг ўтиш пайти белгиланади. Берилаётган молмулк таркибига кирувчи алоҳида объектлар юзасидан келиб чи==ан низолар, мулкдорлар томонидан мазкур ҳужжатлар асосида ҳал этилади.

Сингуляр тартибда ворисларга ҳу=у=нинг белгиланган маълум =исми ўтиши мумкин. Сингуляр ворислик юридик шахсни =айта ташкил =илишда истисно сифатида =ўлланиши мумкин .

Ҳу=у=ий муносабатларда иштирокчиларнинг алмашиниши, айни=са мажбуриятда шахсларнинг ўзгариши, процессуал ҳу=у=ий ворисликка ёки бош=а процессуал о=ибатларга олиб келиши мумкин. Агар судда хўжалик низоларини ҳал =илишда бир томоннинг ўрнига бош=а томоннинг процессда иштирок этиши лозим бўлса, яъни низолашаётган тарафни ани=лаб жавобгарлик чораларини =ўллашда процессуал ҳу=у=ий ворислик муҳим ўрин тутади .

Амалдаги =онунчиликка, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 39моддасига мувофи=, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал =илув =арори билан ани=ланган ҳу=у=ий муносабатдан чи=иб кетган

та=дирда (***=айта ташкил этиш,*** талабдан бош=а шахс фойдасига воз кечиш, =арзнинг бош=а шахсга ўтказилиши, фу=аронинг ўлими ва бош=а ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳу=у=ий вориси билан алмаштириб, бу ҳа=да ўз ажрими, ҳал =илув =арори ёки =арорида кўрсатади. Ҳу=у=ий ворислик процесснинг ҳар =андай бос=ичида амалга оширилиши мумкин[43].

Таъкидлаш лозимки, ҳу=у=ий ворислик учун у процессга киришгунга =адар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳу=у=ий ворисларга ўрнини бўшатиб берган шахсга =ай даражада мажбурий бўлган бўлса, процессдаги ҳу=у=ий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир.

Фу=аролик кодексининг 52моддасида “юридик шахс =айта ташкил этилганида кредиторлар ҳу=у=ларининг кафолатлари”га алоҳида эътибор берилган. Чунки юридик шахс бўлингач, ёки ажралиб чи==ач улар мулкий жиҳатдан заиф бўлган ворисга тушиб =олишига сабаб бўлиши мумкин. +ўшиб олиш ёки =ўшиб юбориш кредиторлар сонининг кўпайишига олиб келади. Бу эса кредиторларга хавф солади, =арздор мулки кўпаймаслиги, балки =арз устига =арз =ўшилиши мумкин. Шу сабабли ҳам =онун =айта ташкил =илиш тў\рисида =арор =абул =илган шахслар ва органлардан бу ҳа=да барча кредиторларни ёзма равишда хабардор =илишларини талаб =илади.

Ўзгартириш натижасида ташкилийҳу=у=ий шаклини ўзгартирилиши юридик шахс =атнашчилари (иштирокчилари)га ўз кредиторлари олдидаги =ўшимча масъулиятининг барҳам берилишига олиб келиши мумкин. Ҳозирги даврда ҳал= хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар жараёнида =айта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини амалиётда кенг =ўлланилаётгани фикримизнинг асосли эканлигидан далолатдир.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юридик шахснинг ташкилийҳу=у=ий шаклини ўзгартиришда, юридик шахсларни =айта ташкил этишнинг бўлиниш (ажралиб чи=иш) ва =ўшиб олиш (=ўшиб юбориш) каби шаклларида учрагандек, юридик шахснинг сони ортиб ёки камаймасада, ушбу юридик шахс ҳу=у=ий ҳолати (ташкилийҳу=у=ий шакли)да мавжуд ўзгартиришлар содир бўлади. Бунда мулк шакллари ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Юридик шахс =айта ташкил этилса, =арор =абул =илган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган =айта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳа=да ёзма равишда хабардор =илишлари шарт эканлиги Фу=аролик кодексининг 52моддаси 1бандида ўз ифодасини топган. Бу =оидалар =айта ташкил =илинаётган юридик шахс кредиторларининг манфаатларини ҳу=у=ий кафолатлайди. Бундан маълум бўладики, юридик шахс муста=ил тарзда мулк таркиби мутаносиблиги ва механизмини ани=лаштириши, шунингдек тегишли маълумотларни топшириш ҳужжати ёки та=симлаш балансида ани= акс эттириши лозим.

---

[43] Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 39-моддаси.

+айта ташкил этилаётган юридик шахснинг хабар бериши, ўз ўрнида кредиторга шу юридик шахснинг =арздор бўлишига олиб келган мажбуриятларини бекор =илишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб =илишга имкон беради. Лекин шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, бир юридик шахс =айта ташкил этилганда, унинг зиммасидаги мажбуриятлари учун масъул бўлган шахс топилмаслиги мумкин. Бунда кредитор =айта ташкил этишнинг маълум бир омиллар билан эмас, тегишли талабларни ани= сабаблар билан асослаши даркор. Шунингдек, =айта ташкил этиш натижасида белгиланган фаолият тури билан шу\улланиш ҳу=у=ига рухсат ололмаслиги муносабати билан =арздор томонидан мажбурият бажариш имконияти бўлмаслик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин.

Кредиторларнинг талаблари худди шу юридик шахснинг =айта ташкил этилишига нисбатан =ўлланиб, =айта ташкил этишни олиб бориш фактига асосланади. Шундай экан, =айта ташкил этишни томонларнинг талабини =ондириш пайтигача амалга оширилмаслиги ёки уни рад этилишига олиб келиши мумкин (хусусан, суд тартиби).

Юридик шахс кредиторлари тегишли аризасининг муддати ҳа=ида гапирар эканмиз, айтиб ўтилган кредитор талаблари та=симлаш баланси (топшириш ҳужжати) тасди=ланиши ва=тигача кўриб чи=иш учун сўзсиз =абул =илиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик =онунчилигида бундай ҳолатлар учун =уйидагича =оида белгиланган. Агар та=симлаш баланси =айта ташкил этилган юридик шахснинг ҳу=у=ий ворисини (ҳу=у= ва мажбуриятлар олган юридик шахс)ни ани=лаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар =айтадан ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбурияти бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Ҳа=и=атдан ҳам, баъзида юридик шахс =айта ташкил этилганда, айни=са кетмакет иккиучга бўлинишида, мазкур =арз универсал ҳу=у=ий ворисларнинг =айси бирига ўтганлигини ани=лаш =ийин кечади. Мазкур ҳолат бўйича Фу=аролик кодексининг 251моддасида белгиланган =оида =ўлланилади. Агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча =арздор иштирок этса, башарти =онунда ёки шартномада бош=ача тартиб кўзда тутилмаса, ҳар бир кредитор мажбуриятни бош=алар билан тенг улушларда бажаришни талаб =илишга ҳа=ли, ҳар бир =арздор эса бу талабни бажариши шарт.

+айта ташкил этиш жараёнида вужудга келган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгарлигини белгиловчи =оидалар Фу=аролик кодексининг 252, 253, 254, 255моддаларида ҳам ўз аксини топган.

Агар кредитор бу =оидалардан фойдаланмаса, =айта ташкил =илинган юридик шахс ўрнига бош=а, яъни топшириш ҳужжати ёки та=симлаш балансига кўра ани=ланган ҳу=у=ий ворис янги юридик шахсга ўтиб =олади. Шу сабабли ю=оридаги ҳужжатларнинг тегишли шахс ва органлар томонидан тасди=ланганидан кейин улар янги пайдо бўлган юридик

шахснинг таъсис ҳужжатларига =ўшиб давлат рўйхатидан ўтказишга та=дим =илинади. Бу ҳужжатлар та=дим этилмаса ёки ҳужжатларда =айта ташкил этилган юридик шахс ҳу=у= ва мажбуриятларига нисбатан ҳу=у=ий ворисликка оид =оидалар акс этмаган бўлса, янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади. Бу ҳам кредиторлар манфаатини ҳимоя =илувчи =оидалардан бири саналади.

Юридик шахсни =айта ташкил =илиш тў\рисида =арор =абул =илган таъсисчи ёки орган, бу ҳа=да унинг кредиторларини ёзма равишда хабардор этишлари керак. Бу билдиришномани олган ҳар бир кредитор, =айта ташкил =илинган юридик шахс =арздор бўлган мажбуриятларини бажарилишини талаб =илишга, шунингдек, мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш туфайли юзага келган зарарни ундириш ҳу=у=ига эгадир. Айни=са, юридик шахсни =айта ташкил =илиш тў\рисида =арор =абул =илган органнинг мажбуриятини белгилаш зарур. У соли= органларига бу ҳа=да 10 кун ичида хабар =илиши керак.[44]

Агарда соли= органи, билдиришга =арамасдан =айта ташкил =илиш муддати тугагунча ва та=симлаш баланси (топшириш ҳужжати) тузилгунча =айта ташкил =илинаётган юридик шахснинг тўланмай =олган =арзларини ани=ламас экан, кейинчалик янги ташкил этилган юридик шахсга =айта ташкил =илинган юридик шахс томонидан йўл =ўйилган ва янги юридик шахс ташкил =илингандан кейин ани=ланган соли= =онунларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилмайди. Бундай ҳолларда янги юридик шахсдан соли= =ийматигина ундириб олинади.

Масалан, агар юридик шахснинг молмулки, унинг =айта ташкил этилиши натижасида бош=асига ўтаётган бўлса, топшириш ҳужжати ва та=симлаш балансида бош=а кредиторлар одидаги мажбуриятларни бажарилиши сингари соли= тўлаш мажбурияти ҳам баён =илиниши керак. Бунда соли= тўлаш мажбуриятини ҳу=у=ий ворислик объекти дейиш мумкин. У =онун кучи билан вужудга келади ва =айта ташкил этиш пайтида мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, корхона мулкдори алмашган, корхона =айта ташкил этилган, идоравий бўйсунуви ўзгарган ҳолларда меҳнат шартномаси амал =илишининг давом этиши ҳа=идаги =оидалар белгиланган. Бунда "корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона =айта ташкил этилганда (=ўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, =айта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади". ( ЎзР. МКнинг 98модда 1 =исм.)

Корхона эгаси алмашганда, яъни корхона =айта ташкил этилганда ходимнинг розилиги билан бўлган муносабат давом этади. Иш берувчи

---

[44] Соли= кодексининг 12-моддасига мувофи=, "юридик шахс манзилини ўзгартирган та=дирда, бу ща=да соли= органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш"и лозим.

томонидан меҳнат шартномасининг тўхтатилиши иш ўринларининг =ис=ариши натижасида амалга оширилиши мумкин.

Амалиётда корхона мулкдори алмашганда, корхона =айта ташкил этилганда ходим билан иш берувчи ўртасида ҳар хил келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 1015моддасида "ҳаёт ва со\ли==а етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс =айта тузилган та=дирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳу=у=ий вориси зиммасига юкланиши ҳамда зарарнинг ўрнини =оплаш тў\рисидаги талабнома ҳам унга та=дим этилиши" мустаҳкамланган. Амалиётда "=айта ташкил этиш" тушунчасини фаолият юритаётган барча хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан =ўллай олмаймиз. Масалан, Фу=аролик кодексининг 67моддаси мазмунига мувофи=, асосий хўжалик жамияти ва ширкати шўъба хўжалик жамиятининг устав фондида унга нисбатан устунлик мав=еига эга бўлади. Ваҳоланки, шўъба жамияти юридик шахс ҳисоблансада, ўзи муста=ил =арорлар =абул =ила олмаслиги учун =айта ташкил этиш таомилини =ўллаб бўлмайди.

Шунингдек, корхона таркибида бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларнинг барпо этиш йўли билан янги корхона ташкил этилмайди, чунки =айта ташкил этиш жараёнининг субъекти юридик шахс ҳу=у=ига эга бўлган корхона саналади.

Хусусий тадбиркор жисмоний шахс ҳам =айта ташкил этилмайди. Шундай =илиб, кўрсатиб ўтилган ҳолатларда тадбиркорлик фаолияти тугатиш йўли билан тўхтатилади.[45]

Корхонани =айта ташкил этишдан унинг предмет ва фаолиятини ўзгартиришни фар=лаш зарур. Бунда у корхона мулкдори (таъсисчиси) томонидан мавжуд бўлган юридик шахси доирасида амалга оширилади. Акциядорлик жамияти Устав фондининг ўзгариши корхонанинг =айта ташкил этилишини англатмайди.

Акциядорлик жамиятларининг (очи= турдан ёпи= турига ва аксинча) бир турдан иккинчи турга ўтиши билан бо\ли= бўлган ўзгаришлар ҳа=ида алоҳида тўхталиш лозим. Амалиётда, бундай ўзгаришлар =айта ташкил =илишми ёки таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритилаяптими, деган саволлар юзага келмо=да. Бизга маълумки =айта ташкил =илишни ўзгартириш тури юридик шахснинг ташкилийҳу=у=ий шаклининг ўзгаришини англатади. Амалдаги =онунлар, хусусан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳу=у=ларини ҳимоя =илиш тў\рисида"ги =онуннинг 5моддасида ёпи= ва очи= акциядорлик жамиятлари бир ташкилийҳу=у=ий шаклга киритилиб, уларга бу шаклнинг икки хил тури сифатида =аралади[46]. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари типидаги ўзгаришларга =айта ташкил =илишнинг ўзгариш тури сифатида =арай

---

[45] Ўзбекистон Республикаси Хусусий тадбиркорлик тў\рисидаги Низом.Т."Ўзбекистон" 1992. 16 б.
[46] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6 сон. 61-модда.

олмаймиз. Бу ўзгаришлар таъсис ҳужжатларига мувофи= келувчи ўзгартиришлар киритиш йўли билан расмийлаштирилади.

Юридик шахсларни =айта ташкил этиш ёки тугатиш тў\рисида фикр юритган ҳу=у=шунос олимлар ҳар =андай вазиятда бўлмасин, юридик шахс фаолиятини бекор =илишга олиб келувчи бу икки тартиб ҳа=ида сўз юритадиган бўлсалар, албатта уларнинг ҳар бирини алоҳида эслаб ўтадилар. Демак, бу икки юридик факт юридик шахснинг фаолият юритишига у ёки бу даражада таъсир этиши туфайли бирбири билан бо\ли= жиҳатларга эга.

+айта ташкил этиш институтини хўжалик юритиш амалиётида =ўллаш ёрдамида: **биринчидан**, фу=аролик муомаласининг бар=арорлиги са=ланиб =олади; **иккинчидан** барча ҳу=у= ва мажбуриятлар мажмуининг ҳу=у=ий ворислиги таъминланади; **учинчидан**, шартномавий ва хўжалик ало=алари эркинлиги таъмин этилади; **тўртинчидан**, кредиторлар ҳу=у=лари максимал даражада кафолатланади; **бешинчидан**, =ўшимча соли= тўлаш зарурати йў=олади; **олтинчидан,** ва=тинчалик харажатлар =ис=аради; **еттинчидан,** айни=са =айта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини =ўллаш самарасининг ю=орилиги шундаки унда ишлаб чи=ариш капитали, моддий воситалар, асосий ва оборотдаги фондлар тўли= са=ланиб =олади.

## 2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳу=у=и субъектларини тугатиш тартиби ва асослари.

Республикамизда бозор и=тисодиёти муносабатларининг шаклланиши даврида турли мулк шаклларининг мавжудлиги хўжалик юритишнинг ҳам хар хил кўринишларини вужудга келтириб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига алоҳида эътибор беришни та=озо этмо=да. Маълумки, хўжалик юритиш субъектларининг самарасиз фаолият юритиши давлат ва жамият манфаатларига сезиларли зарар келтиради. Ҳар =андай давлат ва жамият ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг яхши ишлаши тарафдоридир. Шу хусусда, Президент И.А.Каримов "энг аввало, исти=болсиз корхона ва ташкилотларни ҳар =андай йўл билан бўлсада, =ўллаб=увватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарурлигини ва бу йўл бозор талабига мутла=о ёт ва зиддир. Самарасиз ишлайдиган корхоналар карздорлик гирдобига фа=ат ўзлари \ар= бўлибгина =олмай, бош=а корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади"[47] деб ҳа= гапни айтган эди. Тў\ри, бундай ҳолат албатта ачинарли, лекин ундан =утилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, юридик шахсни тугатиш масаласи ҳа=и=атдан долзарб мавзу бўлиб бормо=да.

Ушбу вазиятга мамлакатимизда тў\ри баҳо берилиб, =онунда белгиланган тартиб асосида ҳал =илиш учун махсус =онун меъёрлари ва чора тадбирлар ишлаб чи=илган. Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг нормалари юридик шахсларни тугатишнинг фу=ароликҳу=у=ий тартибга солинишини тўли= мужассамлаштирган асосий ҳу=у=ий ҳужжат бўлса, шу сингари муста=илликка эришганимиздан буён =абул =илинган =ишло= хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи =онунлар[48] да эса юридик шахсни тугатишда мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ҳу=у= нормалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик =онунчилигида юридик шахсларни икки хил усулда тугатилишини кўришимиз мумкин.

Биринчиси ихтиёрий усул бўлиб у муассислар (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг =арорига мувофи=;

♦ юридик шахснинг фаолият юритиш муддатининг тугаши;

♦ уни ташкил этишдан кўзланган ма=садга эришилганлиги муносабати билан;

---

[47] Каримов. И.А. Бар=арор тара==иётга эришиш устувор вазифа. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 29 б.

[48] +ишло= хўжалигида ислощотларни чу=урлаштиришга доир =онун ва меъёрий щужжатлар тўплами. -Т.: "Шар=" 1998. 315 б.

♦ юридик шахсни ташкил этиш чо\ида =онун ҳужжатлари бузилишига йўл =ўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳа=и=ий эмас деб топганда;

♦ муассислар (иштирокчилар) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бош=а сабабларни тан олиши билан;

Иккинчиси мажбурий усулда суд =арори бўйича:

♦ фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш;

♦ =онун томонидан таъ=и=лаб =ўйилган фаолиятни амалга оширган ёки =онун ёки ҳу=у=ий актларни бир неча марта ва =ўпол равишда бузиш ҳолатларида;

♦ Фу=аролик Кодексида назарда тутилган бош=а ҳолларда суднинг =арорига мувофи=[49];

♦ Бозор муносабатлари мамлакат и=тисодиётига =анчалик чу=урро= кириб келиши ўз фаолиятини самарасиз олиб бораётган юридик шахсларга жиддий таъсир кўрсатмо=да. Шу сабабли 6 ой мобайнида (савдо воситачилик корхонаси эсауч ой мобайнида) банк ҳисобвара=лари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан бо\ли= молияхўжалик фаолиятини амалга оширилмаган, (деҳ=он ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ми=дорда шакллантирилмаган та=дирда, ҳам унинг тугатилишига олиб келиши ҳа=идаги норма Фу=аролик кодексида мустаҳкамлаб =ўйилди.[50]

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда =абул =илинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим =онун ҳужжатларига ўзгартириш ва =ўшимчалар киритиш тў\рисида»ги =онунига асосан олти ой мобайнида молияхўжалик фаолиятини амалга оширмаган та=дирда корхона тугатилади ва соли= органларнинг та=димномасига биноан, суд =арорига асосан руйхатдан ўтказиш тартибига мувофи=, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар реестридан чи=арилади. Мажбурий усулда юридик шахс суд тартибида ёки махсус ваколат берилган давлат бош=арув органи =арори билан тугатилади. Юридик шахслар бирлашмалари (иттифо=лари, уюшмалари), хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг уюшмага кирган хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятига ра=обатни чеклайдиган ёхуд чеклаши мумкин бўлган тарзда аралашиши та=и=ланади. Ушбу талабни бузиш монополияга =арши давлат органи (ўз ваколатлари доирасида худудий орган)нинг даъвосига биноан юридик шахслар бирлашмаси (иттифо=и,

---

[49] Масалан, банкротлик щолатида, мулк щу=у=ининг бекор бўлиши (197 модда), мол-мулкни тугатиш ва щисобдан чи=ариш (198 модда), мол-мулкни мусодара =илиб олиб =ўйиш (199-модда), национализация (миллийлаштириш) (202 модда) бўлиши, зарар етказишни олдини олиш ма=садида (986 модда) амалга оширилиши мумкин.

[50] "Ўзбекистон Республикасининг айрим =онун щужжатларига ўзгартиришлар ва =ўшимчалар киритиш тў\рисида" Ўзбекистон Республикаси =онуни. «Хал= сўзи», 1999 йил. 17 сентябр.

уюшмаси)нинг, хўжалик ширкати ва жамиятининг суд =арори ор=али тугатишига асос бўлиши мумкин. “Юридик шахсни тугатиш – мураккаб ва кўп ва=т талаб =илувчи иш”[51] ҳисобланади. Шунинг учун юридик шахсни тугатиш жараёни бир неча бос=ични ўз ичига олади.

Юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг =арорига биноан тугатилиши мумкин. Одатда муассислар ҳам иштирокчилар ҳам ўз ихтиёрлари билан ҳар =андай ва=тда тугатиш тў\рисидаги =арорни =абул =илишлари мумкин. Бу уларга берилган ҳу=у=дир. Лекин шу билан биргаликда тугатиш тў\рисидаги =арор =абул =илиш улар учун бурчни ҳам келтириб чи=аради. Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексида суд тартибида тугатиш икки асосда умумий ва махсус асосларда амалга оширилиши назарда тутилади. Умумий асос барча турдаги юридик шахсларга, махсус асос эса алоҳида турдаги юридик шахслар учун таалу=лидир. Умумий асосларга кўра ўз фаолиятини рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошираётган ёки =онун томонидан таъ=и=ланган фаолият билан шу\улланаётган юридик шахсларга нисбатан ёки Фу=аролик кодексида назарда тутилган бош=а ҳолларда суднинг =арорига мувофи= =ўлланилади.

Махсус асосга кўра тугатиладиган алоҳида турдаги юридик шахслар =аторига Ўзбекистон Республикаси =онунига биноан ўз ҳу=у=ий ма=омини олиб, махсус ху=у= лаё=атига эга бўлган =ишло= хўжалик корхоналари киради. Одатда, ҳар бир =ишло= хўжалик корхонасининг ҳу=у=ий ма=омини ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади. Масалан, фермер хўжалиги: хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр =олмаган бўлса; ер участкасини ижарага олиш ҳу=у=идан ихтиёрий воз кечилганда; ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳу=у=ини тиклашнинг имконияти бўлмаганда; ердан белгиланган ма=садда ва о=илона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мабойнида) паст бўлганда; ерларнинг экологик ҳолати ёмонлашганда; ер участкаси белгиланган тартибда олиб =ўйилганда; фермер хўжалиги банкрот деб эълон =илинганда; ижара ҳа=и белгиланган муддатларда муттасил тўланмай келинганда; фермер хўжалиги ер олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик ишлаб чи=ариш фаолиятига киришмаган бўлса; фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи =онун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин =ўпол равишда бузилганда; шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ерни ижарага олиш шартномаси бекор =илинган ҳолларда тугатилади. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тў\рисида”[52] ги =онунида 11 та асосда фермер хўжалигининг

[51] Гражданское право: В 2 т. Том 1: Учебник / Отв. Ред проф. Е.А.Суханов. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Из-во БЕК, 1998. С. 203.
[52] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон, 86-модда.

фаолияти тўхтатилса, деҳ=он хўжалиги фаолиятини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) асослар 6 та =илиб кўрсатилган.

“Деҳ=он хўжалиги тў\рисидаги”[53] Ўзбекистон Республикаси +онунининг 27моддасига биноан, деҳ=он хўжалиги =уйидаги, яъни: хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр =олмаган бўлса; томор=а ер участкасига мерос =илиб =олдириладиган умрбод эгалик =илиш ҳу=у=идан ихтиёрий воз кечилганда; томор=а ер участкаси =онунда белгиланган тартибда олиб =ўйилганда; белгиланган соли=лар муттасил тўланмаганда; агар =онун ҳужжатларида бош=а муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томор=а ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган та=дирда; деҳ=он хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи =онун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин =ўпол равишда бузилган ҳолларда тугатилади.

Деҳ=он хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳ=он хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, агар юридик шахс ташкил этиб, фаолият олиб бораётган бўлса, унинг фаолияти тугатилади. Юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётганда эса деҳ=он хўжаликларининг фаолияти тўхтатилади. Ю=орида тўхталиб ўтганимиздек, бозор шароитида юридик шахсларнинг фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш шартлари ва усуллари ҳар хилдир.

Тадбиркорлик фаолиятини субъекти сифатида масъулияти чекланган ва =ўшимча маъсулиятли жамиятлар фу =аролик ҳу=у=ий ма=омига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда =абул =илинган «Масъулияти чекланган ва =ўшимча масъулиятли жамиятлар тў\рисида» ги +онунда жамиятни ташкил этилиши, фаолият олиб бориши ва тугатилиши тў\рисидаги =оидалар белгиланган. Жамият ушбу +онун ва жамият устави талаблари ҳисобга олинган ҳолда =онунларда белгиланган тартибда ихтиёрий равишда тугатилиши мумкин. Жамият =онун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг =арорига биноан ҳам тугатилиши мумкин. Жамиятни тугатиш унинг ҳу=у=лари ва мажбуриятлари ҳу=у=ий ворислик тартибида бош=а шахсларга ўтмаган ҳолда фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлади. Жамият иштирокчилари умумий йи\илишининг жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш ҳамда тугатиш комиссиясини тайинлаш тў\рисидаги =арори жамият кузатув кенгашининг, ижро этувчи органининг ёки иштирокчисининг таклифига биноан =абул =илинади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йи\илиши жамиятни тугатиш ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш тў\рисида =арор =абул =илади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бош=ариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

[53] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил,5-6 сон, 88 модда.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган жамиятни тугатишда тугатиш комиссиясининг таркибига давлат мулкини бош=арувчи органнинг вакили киритилади. Мазкур талаб бажарилмаган та=дирда, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган тугатиш комиссияси тайинланишига розилик беришга ҳа=ли эмас.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик ширкатлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари таркибида алоҳида ўрин тутади. Унинг ҳу=у=ий ма=оми Фу=аролик кодекси  ва 2001 йил 6 декабрда =абул =илинган «Хўжалик ширкатлари тў\рисида»ги +онун билан тартибга солинади. +онунга кўра, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (ҳиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти хўжалик ширкати ҳисобланади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар. Ширкат =онунларда назарда тутилган асосларга кўра, шунингдек ширкатда ягона иштирокчи =олган та=дирда тугатилади. Бундай иштирокчи ширкатнинг ягона иштирокчисига айланган пайтдан эътиборан олти ой ичида янги иштирокчиларни =абул =илишга ва ширкатни са=лаб =олишга, ширкат томонидан амалга оширилаётган фаолиятни молиялаштириш тў\рисида ҳисса =ўшувчилар билан шартнома тузишга ва коммандит ширкат тузишга,  ширкатни =айта тузиш ёки тугатишга ҳа=лидир.

Агар ширкатнинг таъсис шартномасида ёки  =олган иштирокчиларнинг келишувида ширкат ўз фаолиятини давом эттириши назарда тутилган бўлмаса, ширкат =айд этилган +онун 22моддасининг биринчи =исмида кўрсатилган ҳолларда ҳам тугатилади. Хўжалик  ширкатларининг ташкилий шаклларидан бири бўлиб коммандит ширкат ҳисобланади. Коммандит ширкат унда иштирок этган барча ҳисса =ўшувчилар ширкатдан чи==ан та=дирда, шунингдек  «Хўжалик ширкатлари тў\рисида»ги +онун 27моддасида назарда тутилган тўли= ширкатни тугатиш асослари бўйича тугатилади. Барча ҳисса =ўшувчилар ширкатдан чи==ан та=дирда тўли= шериклар коммандит ширкатни тугатиш ўрнига уни тўли= ширкатга айлантиришга ҳа=лидирлар. Коммандит ширкат тугатилган та=дирда, шу жумладан у банкрот бўлган та=дирда, ҳисса =ўшувчилар ширкатнинг кредиторларнинг талаблари =ондирилганидан кейин =оладиган молмулкидан ҳиссалар олишда тўли= шериклар олдида имтиёзли ҳу=у==а эгадирлар. Ширкатнинг шундан кейин =олган молмулки тўли= шериклар ўртасида, агар таъсис шартномасида ёки тўли= шериклар ва ҳисса =ўшувчиларнинг келишувида бош=ача =оида белгиланган бўлмаса, уларнинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда та=симланади.

Юридик шахсни тугатилишини ошкораликда амалга ошириш тугатиш жараёни ҳу=у=ий жиҳатдан ани= ва камчиликларсиз якунлашда муҳим аҳамият касб этади**.** Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 54моддасига кўра, юридик шахсни тугатиш тў\рисидаги =арор =абул =илган унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколат берилган орган бу ҳа=да юридик шахсларни

давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма тартибда хабар беришлари лозим. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мана шу хабарга асосан юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги ҳа=идаги маълумотларни ягона давлат реестрига киритади. Маълумотлар киритилгандан сўнг юридик шахснинг фирма номига албатта “тугатилишда” деган сўз =ўшиб =ўйилади.

Бундан таш=ари, бу ҳа=да соли= органларини ҳам хабардор =илиб =ўйиш ма=садга мувофи=дир. Чунки, ҳар =андай хўжалик юритувчи субъект ташкил этилган пайтда соли= тўловчи сифатида давлат соли= органларида рўйхатга олинади. Соли= кодексининг 41моддасида юридик шахс тугатилган та=дирда соли= органи соли= тўловчидан камро= бўлган давр учун ҳисоботлар, хабарнома топшириш йўли билан талаб =илиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, та=дим этилиши лозимлиги кўрсатилади. Юридик шахсни тугатиш ҳа=ида белгиланган тартибда =арор =абул =илинган та=дирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кунлик муддатда бу ҳа=да соли= органини ёзма равишда хабардор =илади.

Юридик шахсни тугатиш ҳа=ида =арор =абул =илингандан сўнг соли= тўловчи ўн беш кун ичида  соли= органига ҳисоботлар, соли= бўйича ҳисобкитобларни та=дим этиши шарт. Даромад (фойда) соли\и бўйича ҳисоботлар, ҳисобкитоблар =онун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартибда та=дим этилади. Шунингдек, корхона тугатилганда соли==а тортиш масалалари маълум идоравий йўри=нома асосида ҳал этилиши мумкин.[54] Шу билан бирга юридик шахсни тугатилиши тў\рисида пенсия фондлари ҳамда су\урта жам\армаларини огоҳлантириб, ўзларининг ҳисоб ра=амларини ёпиш чораларини кўриши лозим.

Тугатишда мазкур юридик шахс фаолияти тўли= бекор =илиниб, унинг иши тўхтатилади ва молмулки тугатилади. Бундай ҳолатда тугатиш комиссияси тузилади. Унинг фикрига =исман =ўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги ва=тда тугатиш тадбирларини амалга ошириш ма=садида тугатиш комиссияси тузилиши ёки шундай ҳаракатларни бажарувчи тугатувчи тайинланиши ўзининг =онуний асосига эга. Бу ҳаттихаракатлар тугатиш тў\рисидаги =арор =абул =илган шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда ҳал =илинади. Давлат корхоналарини тугатишда тугатиш комиссияси таркибини и=тисодий ночорлик бўйича бош=арма Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари, маҳаллий ижроия органлари мутахассислари ва бош=алар ташкил =илиши мумкин. Шундай =илиб, =оидага кўра, амалиётда тугатиш комиссияси таркибига муассислар (иштирокчилар) тугатилаётган ташкилот маъмурияти вакиллари киради.

Шунингдек, улар тугатиш комиссияси ёки тугатувчининг асосий вазифаларини ани=лаштириш билан бир ва=тда Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик Кодексига мувофи= тугатиш тартибини ҳамда муддатини

---

[54] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат соли= =ўмитаси томонидан белгиланган “Юридик шахслар даромади (фойдаси) соли=ни щисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тў\рисида”ги 2002 йил 14 январда =абул =илинган 1109-сонли Йўри=нома.

белгилаб оладилар. Тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳа=ида хабар эълон =илади. Кодекснинг 55моддасига мувофи= бу муддат тугатиш ҳа=ида хабар эълон =илинган пайтдан бошлаб “икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас”. Ундан олдин =абул =илинган =онун ҳужжатларида эса бу муддат икки ойгача деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда бир ой кўрсатилиб эълон =илинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой кўрсатилиб хабар =илинади. Шу билан кредиторлар томонидан ўз талабларини баён =илиш учун зарур бўлган имконият чекланади. “Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас” деб кўрсатилган Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳу=у=ларини ҳимоя =илиш учун тегишли кафолат яратишга =аратилган.

Тугатиш комиссияси тасди=ланган кундан бошлаб юридик шахснинг ишларини бош=ариш соҳасидаги ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур комиссия тугатувчи муста=ил ҳу=у= субъекти бўлиб ҳисобланмайди. У фа=ат тугатиш жараёнида кредиторлар, =арздорлар, давлат ҳокимияти органлари ва бош=а шахслар билан муносабатга киришиб, тугатилаётган юридик шахс номидан ҳаракат =илади.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс ҳисоб вара=лари очилган банкка тугатиш комиссиясининг рухсатисиз ҳисобдан фойдаланмаслик тў\рисида ариза юборади. Мана шу аризага кўра банк тугатилаётган корхона ҳисоби бўйича кейинчалик юборилаёган ижро ва бош=а ҳужжатларни =абул =илишни тўхтатади. Тугатиш комиссияси барча кредиторларни ани=лаш ва дебиторлик =арзларини ундириш, шунингдек юридик шахс тугатилаётганлиги ҳа=ида кредиторларни ёзма хабардор =илиш чораларини кўриш лозим. Дебиторлик =арзларини ундириш ма=садида =арздорларга талаб =ўйишлари зарур. Агар =арзларни =айтариш рад =илинса тегишли даъво билан судга мурожаат этиш керак. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тў\рисида”ги =онунининг 21 моддасига мувофи= юридик шахс тугатилаётган та=дирда молиявий ҳисобот тузилади[55].

Агарда юридик шахс суд тартибида тугатилаётган бўлса, суд унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколатли органга ўз бурчларини тў\ри бажариш масъулиятини юклайди. Уларнинг бурчлари тугатишни суд =арорида белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириши лозим холос. Лекин суд =арори тў\ри ва лозим даражада бажарилмаган бўлса, суд тугатиш комиссиясини тузади ёки  тугатувчини тайинлаб, унга тугатишни амалга ошириш вазифаларини юклайди. Масалан, етказилган зарар зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бош=а ишлаб чи=ариш фаолиятининг о=ибати бўлса, суд жавобгарга зарарни =оплашдан таш=ари тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини

[55] “Бухгалтерия щисоби тў\рисида”ги 1996 йил 3 августда =абул =илинган +онун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 9 сон, 142-модда.

юклашга ҳа=ли. (ФКнинг 986моддаси 2 =исми) Бу чора тадбирлар тугатиш жараёнининг бошлан\ич, **биринчи бос=ичини** ташкил этади.

Тугатиш жараёнининг аввалида тугатиш комиссияси (тугатувчи) юридик шахснинг барча кредиторларини ани=лаш ишларини олиб боради. Унинг асосий мазмунини кредиторларнинг мавжуд талабларини ани=лаш ва уларни =ондириш ташкил этади. Бунинг учун юридик шахсни тугатиш тў\рисида =арор =абул =илган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки ваколатли орган бу ҳа=да юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар бериши лозим. Шунингдек, юридик шахс ўзининг тугатилаётганлиги ҳа=ида матбуот органлари ор=али эълон =илиб, унда кредиторлари томонидан талабларини баён =илиш тартиби ва муддатини белгилаб =ўяди. Бу муддат тугатиш ҳа=ида хабар эълон =илинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас. Ю=орида айтиб ўтилган ушбу тадбирлар ҳам аввало кредиторлар манфаатларининг ҳимоясига =аратилган. Чунки юридик шахс тугатилгач, =олган молмулк унинг таъсисчилари ва аъзолари ўртасида та=симланиб, уларнинг хусусий мулкига айланиши мумкин.

Кредиторлар талабларини =аноатлантириш тугатишнинг муҳим бир бос=ичларидан ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 55моддасида тугатиш комиссиясини вазифаси сифатида **иккинчи бос=ичда** кредиторларни ани=лаш ва дебиторлик =арзларини олиш чораларини кўриш, шунингдек кредиторларни юридик шахснинг тугатилиши ҳа=ида ёзма хабардор =илиши кераклиги мустаҳкамланган. Амалиётда =арздорнинг мажбуриятини бажариш муддати бошланмаган бўлса, улар ўртасида муаммо пайдо бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда тугатилувчи юридик шахс ўзининг тугатилаётганлигини асос =илган ҳолда, =арздорларидан ўз мажбуриятларини бажаришларини талаб =илишга ҳа=ли эмас. Улар бу мажбуриятни тугатиш муддатини белгилаш чо\ида ҳисобга олишлари керак эди. Мавжуд вазиятдан =утилишнинг бирданбир йўли тугатилувчи юридик шахс =арздори билан келишувга эришиб, унга нисбатан =ўйилувчи талабни бош=а шахс ҳисобига бажариши ҳа=ида келишувга эришиш мумкин.

Кредиторлар томонидан талабларни =ўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин юридик шахсни тугатиш тў\рисида =арор =абул =илган юридик шахс муассислари ва иштирокчилари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда, тугатиш комиссияси орали= тугатиш балансини тузади. Балансда тугатилаётган юридик шахс молмулкининг таркиби, кредиторлар =ўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни =ўриб чи=иш натижалари тў\рисидаги маълумотлар =айд этилади. Орали= тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тў\рисида =арор =абул =илган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасди=ланади. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган баланснинг тў\рилигини, асослантирилганлигини назорат =илиши зарур. Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан таш=ари) ихтиёридаги пул

мабла\лари кредиторларнинг талабларини =ондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол мулкини ким ошди савдоси ор=али суд =арорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади ва =арзларини тўлаш учун ишлатади. Яъни =арзларни тўлаш бўйича кредиторлар талаблари энди мазкур юридик шахснинг молмулкига =аратилиши мумкин. Бу тугатиш жараёнининг **учинчи бос=ичига** хос хусусиятдир.

Агарда орали= балансини белгилаш чо\ида тугатилувчи корхонанинг молмулки етарли эмаслиги ани=ланса, бундай юридик шахс фа=ат банкротлик йўли билан тугатилади. Банкротлик чоратадбирлари мажмуаси барча тижорат ва нотижорат ташкилотлари учун тадби= этилиши мумкин. Тугатиш жараёни олиб борилаётган ва=тда ҳам, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи томонидан юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) ани=ланса, унга нисбатан банкрот бўлганликка доир иш юритишни =ўз\атишга асос бўлади. Унинг тугатилиш жараёнида эканлиги иш юритишни =ўз\атишга тўс=инлик =ила олмайди. Банкротликка учраган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тартиби ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда =абул =илинган "Банкротлик тў\рисида"ги (янги таҳрирдаги) =онуни билан белгиланади. Ушбу +онуннинг 4моддасига кўра =арздорнинг пул мажбуриятлари буйича кредиторлар талабларини =ондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга =одир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида =арздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Кейинги **тўртинчи бос=ичда** тугатиш комиссияси орали= тугатиш балансига биноан тўловларни тайёрлайди. Кредиторларни талабларини =ондириш навбати Ўзбекистон Республикаси Фу=аролик кодексининг 56моддасида белгиланган бўлиб, биринчи навбатда, фу=ароларнинг меҳнатга оид ху=у=ий муносабатлардан келиб чи=адиган талаблари =ондирилади. Мазкур =оидани белгилашда мамлакатимизда фу=аролар меҳнатини муҳофаза =илиш ва Меҳнат кодекси нормалари инобатга олинган[56]. Иккинчи навбатда алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳа=идаги талаблар, учинчи навбатда эса тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фу=ароларнинг ҳаётига ва со\ли\ига зарар етказилганлиги учун берилган талаблари тегишли ва=тбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан =аноатлантирилади. Мана шундай ҳаёт ва со\ли==а етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган та=дирда, тегишли тўловлар уларни =онун ҳужжатларида белгиланган =оидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун

---

[56] Чунончи, Германия фу=аролик =онунчилигида щам юридик шахс тугатилаётганда, биринчи навбатда фу=ароларнинг мещнат оид муносабатларидан келиб чи=адиган талаблари =ондирилади. Сўнгра соли= щу=у=ий муносабатлардан келиб чи=адиган талаблар =ондирилади. Германское право. Часть II. Германское торговое уложение и другие законў. -М. 1996. С 389.

капиталлаштирилиши лозим. Тугатилаётган юридик шахснинг молмулки йў=лиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан =онунда назарда тутилган тартибда тўланади. (1015 м.) Ҳар бир навбатдаги талаб олдинги навбатдаги талаблар =аноатлантирилгандан сўнг амалга оширилади.

Бош=а кредиторларнинг талаблари =онун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда =аноатлантирилади.(Ўз.Р. ФК 56 модда.) Биз ю=орида =айд этиб ўтган фу=ароларнинг талаблари тўли= =ондирилгандан кейин, =олган молмулк =уйидаги тартибда та=симланади: биринчидан, шу молмулк =ийматидан суд =арорида кимнинг талаби биринчи бўлиб =ондирилиши кўрсатилган бўлса, шу кредиторларнинг =арзлари тўланади; иккинчидан, =олган молмулк =ийматидан талабнома та=дим этиш муддати ўтиб кетгандан сўнг, берилган талаблар =ондирилиши мумкин.

Барча кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, **тугатишнинг якунловчи бос=ичи** бошланади.

Тугатиш комиссияси муассислар ва иштирокчилар билан келишиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тасди=ланган тугатиш балансини тузади[57]. Юридик шахснинг кредиторлари талаблари =ондирилгандан кейин =олган молмулк унинг шу молмулкка ашёвий ҳу=у=ларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳу=у=ларга эга бўлган муассисларига ва иштирокчиларига топширилади. Шундан сўнг юридик шахснинг тугатилиши ҳа=идаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиб юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг махсус ҳу=у= лаё=ати эса тугаган ҳисобланади.

Мазкур юридик шахсни тугатиш бос=ичлари бирбири билан чамбарчас бо\ли=, бири иккинчисини тўлдириб боради. Биронтасининг тў\ри бажарилишига эътибор берилмаса, тугатиш жараёнининг ани= ва изчил амалга оширилишига салбий таъсир этиши мумкин.

---

[57] Давлат рўйхатидан ўтказувчи органга =уйидаги щужжатлар тўли= топширилган та=дирдагина юридик шахс ягона давлат реестридан ўчирилиши керак:

- тугатиш комиссиясининг юридик шахсни давлат реестридан чи=ариш ща=идаги аризаси.
- муассислар умумий йи\илиши баённомаси билан бирга юридик шахсни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тузиш тў\рисидаги =арор ёки суднинг тугатиш тў\рисидаги =арори.
- юридик шахсни тугатиш тў\рисидаги матбуотда эълон берилган нашр.
- тасди=ланган тугатиш баланси;
- соли= органлари ва пенсия, ащолини иш билан таъминлаш фондлари щисобидан чи=илганлик ща=ида маълумот;
- =онунда белгиланган тартибда аудитор хулосаси;
- банклардан щисобвара=ларини ёпилганлиги ща=ида маълумотнома;
- Статистика идорасидан классификацион кодни бекор =илиш ща=идаги хат;
- кредиторлар билан щисоблашгандан сўнг, =олган мол-мулкини иштирокчилар ўртасида та=симланганлиги тў\рисидаги далолатнома
- Ички Ишлар бўлимидан юридик шахс мущри ва штампини йў= =илишга топширилганлиги ща=ида маълумотнома.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжалик субъектини =айта ташкил этиш усулларини санаб ўтинг.
2. Хўжалик субъектини =айта ташкил этиш тартиби нималардан иборат?
3. Хўжалик субъектини тугатиш асосларига нималар киради?
4. Хўжалик субъекти =ачондан бошлаб тугатилган ҳисобланади?

## МАВЗУ: ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ БАНКРОТЛИГИ

РЕЖА:

**1. Банкротлик тушунчаси ва унинг норматив ҳу=у=ий асослари**

**2. Судгача санация =илиш, кузатув ва суд санацияси.**

**3. Таш=и бош=арув.**

**4. Банкротлик тў\рисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш, уни ҳал этиш.**

**5. +арздор юридик шахслар айрим тоифаларининг банкротлиги хусусиятлари.**

**6. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг хусусиятлари.**

**7. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари**

### 1. Банкротлик тушунчаси ва унинг норматив ҳу=у=ий асослари

Банкротлик институти–хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар амалиёти ва ҳу=у=ий тартибга солиш тизимида нисбатан янги институтдир. Ўзбекистон Республикасида «Банкротлик тў\рисида»ги +онун биринчи марта 1994 йил 5 майда =абул =илинган. Ушбу =онуннинг янги таҳрири Олий Мажлис томонидан 1998 йил 28 августда =абул =илинган ва 1 ноябрдан кучга кирган. Бундан таш=ари, 1999 йил 20 августда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида ушбу =онунга =ўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги пайтда Олий Мажлис томонидан 2003 йил 24 апрелда янги таҳрирда =абул =илинган мазкур =онун =ўлланилмо=да.

«Банкротлик тў\рисида»ги +онунни бир йўсинда =ўлланилишини таъминлаш ма=садида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан 1999 йил 16 июлда «Ўзбекистон Республикаси

«Банкротлик тў\рисида»ги +онунини хўжалик судлари томонидан =ўллашнинг баъзи бир масалалари тў\рисида»ги 78сонли +арор =абул =илинди. Шунингдек, ваколатли давлат органлари томонидан бу борада ўнга я=ин норматив ҳужжатлар ҳам =абул =илиниб, тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

Янги таҳрирдаги «Банкротлик тў\рисида»ги +онун 1994 йилдаги ва 1998 йилдаги =онунлардан сезиларли даражада ўзига хос =ўшимча ва ўзгартиришлар билан фар=ланади. Амалдаги =онун 192 та моддадан иборат, 1998 йилдаги =онун 133 та моддадан ташкил топган, эски таҳрирдагисида эса атиги 35 та модда бор эди, холос. Банкротликнинг асосий белгилари ўзгарди, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ночорлиги тушунчалари бирбиридан фар=ланди. Мазкур ўзгартиришларни ҳаётнинг ўзи, и=тисодиётда рўй бераётган ислоҳотлар та=озо этмо=да. Шунинг учун банкротлик институти бозор и=тисодиётига ўтаётган ҳар =андай мамлакатнинг давлат ҳу=у=ий тузилишининг узвий бў\ини эканлиги табиийдир.

+арздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини =ондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга =одир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида =арздор томонидан бажарилмаган бўлса, уни банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Банкротлик тў\рисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган та=дирда, агар =арздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳа=ининг беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, =арздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳа=ининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан =ўз\атилиши мумкин.

+арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза билан =арздор, кредитор ва прокурор пул мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда мурожаат этиш ҳу=у=ига эга. Мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилмаганлиги натижасида эса ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳу=у=ига =арздор, прокурор, давлат соли= хизмати органлари ва бош=а ваколатли органлар эга.

+арздорда банкротлик аломатлари мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳа=ли. Шунингдек, =арздор, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи хўжалик судига ариза беришга мажбур бўлган ҳоллар мавжуддир. Унга кўра, =арздорнинг раҳбари, =арздор якка тартибдаги тадбиркор бир ёки бир неча кредиторларнинг талабларини =ондириш =арздорнинг бош=а кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўли= ҳажмда бажаришини имконсиз =илиб =ўйишга олиб келадиган; =арздорнинг таъсис ҳужжатларига мувофи= =арздорни тугатиш тў\рисида =арор =абул =илишга ваколатли бўлган =арздор юридик шахс органи томонидан =арздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳа=ида =арор =абул =илинган; =арздор унитар корхона молмулкининг

эгаси ваколат берган орган томонидан =арздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш тў\рисида =арор =абул =илинган, ундирув =арздорнинг молмулкига =аратилганда бундай ундирув =арздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз =илиб =ўяди, деб ҳисоблашга асос бўлган ҳолатлар шулар жумласига киради. Тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўли= ҳажмда =ондириш имконсизлигини ани=лаганда, =арздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Ариза ю=орида =айд этилган ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирилмай хўжалик судига юборилиши керак. Ариза ушбу муддатда та=дим этилмаганда, муддат тугаганидан кейин юзага келган =арздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича =арздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Банкротлик таомили =ўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини =онунга мувофи= ташкил этиладиган кредиторларнинг йи\илиши ёки кредиторлар =ўмитаси ҳал =илади ва =арздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини амалга оширади.

Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар =исми бўйича эса давлат соли= органлари ва бош=а ваколатли органлар кредиторлар йи\илишининг овоз бериш ҳу=у=ига эга бўлган иштирокчилари ҳисобланади. Кредиторлар йи\илишида маслаҳат овози ҳу=у=и билан =арздорнинг ходимлари вакили, суд бош=арувчиси, =арздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки =арздор молмулки эгасининг вакили иштирок этади. Агарда, ишда ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, кредиторлар йи\илишининг мутла= ваколатига тааллу=ли =арорларни =абул =илишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади. Кредиторлар йи\илишини ташкил этиш ва ўтказиш суд бош=арувчиси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йи\илишининг мутла= ваколати доирасида =абул =илинадиган =арорлар, кредиторлар йи\илиши баённомасига илова =илиниши лозим бўлган ҳужжатлар, кредиторлар йи\илишини ўтказиш тў\рисида хабардор этиш, уни ча=ириш, =арор =абул =илиш тартиблари ҳам ани= белгилаб берилган.

+онунга суд бош=арувчилари (мува==ат бош=арувчи, санация =илувчи бош=арувчи, таш=и бош=арувчи, тугатиш бош=арувчиси) институти киритилди, уларга нисбатан бир =атор талаблар белгиланди. Унга кўра олий маълумотга ҳамда икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек банкротлик тў\рисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар бу лавозимга тайинланади ҳамда =онуннинг бу =оидаси 2004 йил 1 январдан эътиборан жорий этилади.

+арздор ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахслар; судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар; банкротлик таомили жорий этилган якка тартибдаги тадбиркорлар; илгари суд бош=арувчиси вазифасини бажараётган пайтда =арздорга, кредиторларга зарар етказиб, бу зарарни =опламаган шахслар; бош=а шахсларнинг

ишларини ва (ёки) молмулкини бош=ариш билан бо\ли= фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шу\улланишдан маҳрум этилган ёки нолойи= деб топилган шахслар) суд бош=арувчилари этиб тайинланиши мумкин эмас.

+онунга суд бош=арувчиси хўжалик суди томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичида банкротлик тў\рисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини =онун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда 2005 йил 1 январдан бошлаб су\урталаши лозимлиги ҳа=идаги норманинг киритилганлиги муҳим ахамиятга эгадир.

Суд бош=арувчиси ҳу=у= ва мажбуриятлари доирасида фаолият юритиши лозим бўлади. У томонидан зиммасига =онун билан юкланган вазифаларнинг =арздорга ёки кредиторга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарганда ёки лозим даражада бажармаганда вазифасидан озод этишга асос бўлади. Бунда =арздор, кредиторлар етказилган зарарнинг ўрнини =опланишини талаб =илишга ҳа=лидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва банкротлик тў\рисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиб борилишини таъминлайди. Шу билан бир =аторда, банкротлик тў\рисидаги ишлар бўйича давлат органининг +ора=алпо\истон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бош=армалари ўзларининг ваколатлари доирасида бу борадаги фаолиятни тартибга соладилар.

Кузатув, суд санацияси, келишув битими, таш=и бош=арув ва тугатишга доир иш юритиш юридик шахснинг банкротлиги тў\рисидаги иш кўрилаётганда амалга ошириладиган таомиллар ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тў\рисидаги иш кўрилаётганда эса фа=атгина келишув битими ва тугатишга доир иш юритиш каби таомиллар =ўлланилади. Судгача санация =илиш ёки =арздорни ихтиёрий равишда тугатиш суддан таш=ари бажариладиган таомиллар жумласига киради.

## 2. Судгача санация =илиш, кузатув ва суд санацияси.

**Судгача санация =илиш** =арздорнинг банкротлиги тў\рисидаги иш юритиш =ўз\атилгунга =адар амалга оширилади ҳамда =арздорнинг тўлов =обилиятини, и=тисодий жиҳатдан =одирлигини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратилиб берилишини ўз олдига ма=сад =илиб =ўяди.

Банкротликнинг олдини олиш ма=садида =арздорнинг муассислари, бош=арув органи ёки =арздор молмулкининг эгаси банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза хўжалик судига та=дим этилгунга =адар =арздорни молиявий жиҳатдан со\ломлаштиришга =аратилган чоратадбирларни кўради. +арздорни молиявий жиҳатдан со\ломлаштиришга =аратилган чоратадбирлар =арздор билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ёки бош=а шахслар

томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Бундай чоратадбирларга =уйидагилар киради:

тўлов муддати ўтказиб юборилган =арзларни тўла ёки =исман сотиб олиш;

ишлаб чи=аришни ра=обатбардош маҳсулот чи=аришга мослаб =айта ихтисослаштириш;

четдан ю=ори малакали мутахассисларни жалб этиш;

ходимларни тайёрлаш ва =айта тайёрлаш;

=арздорнинг тўлов =обилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

=арздорнинг фаолиятини давом эттириши учун =арздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиббўлиб тўлаш ёхуд =арзлардан сийлов бериш тў\рисида аҳдлашувга эришишга =аратилган битим;

мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни =айтаришни судгача санация =илиш муддатига кечиктириш;

=арздор юридик шахсни =айта ташкил этиш.

Судгача санация =илишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органнинг =арори асосида амалга оширилади ва у ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

«Банкротлик тў\рисида»ги янги таҳрирдаги =онунга кузатув ва суд санацияси каби янги институтлар алоҳида бобларда киритилган.

**Кузатув** институтининг жорий этилишидан кўзланган ма=сад кредиторлар манфаатларини ҳимоя =илиш, =арздор молмулкини талонтарож =илинишини олдини олиш ва =онунда белгиланган ваколатларни амалга оширишдан иборат. Кузатув банкротлик тў\рисидаги иш =ўз\атилганда хўжалик суди =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани иш юритишига =абул =илинган санадан эътиборан жорий этилади ва бу ҳа=да суд ажримида кўрсатилади.

Кузатув жорий этилган пайтдан бошлаб мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш =онунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилади; =арздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) унинг таркибидан чи=иб кетиши муносабати билан =арздорнинг молмулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳа=идаги талабларини =ондириш ва эмиссия =имматли =о\озлари бўйича дивидендлар ва бош=а тўловлар тўлаш таъ=и=ланади; му=обил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан =арздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда кредиторларнинг талабларини =ондириш навбати бузилса, йўл =ўйилмайди.

Кузатув жорий этилганда =арздор бош=арув органларининг =онунда белгиланган айрим ваколатлари чекланади. Масалан, =арздорнинг бош=арув органлари кўчмас молмулкни ижарага, гаровга бериш билан ёки шу молмулкни бош=а усулда тасарруф этиш ва =арздорнинг баланс =иймати =арздор активлари баланс =ийматининг ўн фоиздан кўпро\ини ташкил

этадиган молмулкини тасарруф этиш билан бо\ли= битимларни; заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб =илиш ҳу=у=ларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, =арзни бош=а шахсга ўтказиш, шунингдек =арздорнинг молмулкини ишончли бош=ариш шартномасини тузиш билан бо\ли= битимларни фа=ат мува==ат бош=арувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин. Шунингдек, улар =арздорни =айта ташкил этиш ва тугатиш; юридик шахсни тузиш ёки бош=а юридик шахснинг иштироки; ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш; дивидендлар тўлаш ёки =арздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида та=симлаш; =арздор томонидан облигациялар ва бош=а эмиссия =о\озларини (акциялардан таш=ари) жойлаштириш; илгари чи=арилган акцияларни акциядорлардан сотиш олиш тў\рисидаги =арорларни =абул =илишга ҳа=ли эмас.

Кузатув жорий этилиши муносабати билан хўжалик судининг ажрими билан мува==ат бош=арувчи тайинланади. Унинг ҳу=у= ва мажбуриятлари =онунда ани= белгилаб =ўйилган. Жумладан, мува==ат бош=арувчи =арздорнинг молмулки бут са=ланишини таъминлаш чораларини кўриши; унинг молиявий аҳволини таҳлил =илиши; кредиторларни ани=лаши; кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши; =арздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳа=ида кредиторларни хабардор =илиши; кредиторларни биринчи йи\илишини ча=ириши ва ўтказиши шарт.

Кредиторларнинг биринчи йи\илиши ваколатига =уйидаги =арорларни =абул =илиш киради: суд санациясини ёки таш=и бош=арувни жорий этиш ёхуд =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳа=ида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат =илиш; кредиторлар =ўмитасининг ми=дорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш; санация =илувчи бош=арувчининг, таш=и бош=арувчининг ёки тугатувчи бош=арувчининг номзодларини маъ=уллаш тў\рисидаги =арорлар.

Хўжалик суди томонидан =арздор банкрот деб топилганда ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси ёхуд таш=и бош=арув жорий этилган ёки келишув битими тасди=ланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади.

**Суд санацияси** – хўжалик суди томонидан =арздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов =обилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги =арзини узиш ма=садида =арздорнинг ишларини бош=ариш ваколатларини санация =илувчи бош=арувчига ўтказмаган ҳолда =ўлланиладиган банкротлик таомилидир.

Кузатув жараёнида =арздор, =арздор муассислари (иштирокчилари) ёки =арздор молмулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳа=идаги илтимоснома билан кредиторлар йи\илишига ёхуд бевосита хўжалик судига мурожаат =илишга ҳа=ли.

+арздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳа=идаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф =илинаётган муддати ва =арзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда =арздорнинг суд санацияси режаси илова =илинмо\и лозим.

Хўжалик суди томонидан суд санацияси жорий этиш тў\рисида ажрим чи=арилади. Унда суд санациясининг муддати, суд томонидан тасди=ланган =арзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳа=идаги, бундай таъминотнинг ми=дори ва шакллари, санация =илувчи бош=арувчини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳа= ми=дори ҳа=идаги маълумотлар бўлиши лозим.

Мазкур ажрим устидан шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини =ондириш учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Суд санацияси жорий этиш =онунда белгиланган =уйидаги о=ибатларга олиб келади:

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари =абул =илинган чоралар бекор =илинади;

=арздорнинг молмулкини хатлаш ва =арздорга нисбатан унинг ўзига тегишли молмулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бош=ача тарзда чекловлар фа=ат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка ва бош=а и=тисодий санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар =ўлланилмайди.

Суд санацияси жорий этилганда кузатувдаги сингари =арздор ва унинг бош=арув органлари =онунда белгиланган айрим битимларни тузишга ва бош=а ҳаракатларни =илишга ҳа=ли эмас.

Суд санацияси жорий =илинганда хўжалик суди томонидан санация =илувчи бош=арувчи тайинланади.

Санация =илувчи бош=арувчининг ҳу=у=лари ва мажбуриятлари =онун ҳужжатларида белгиланган.

Суд санацияси муддатидан илгари тамомланиши ёки тугатилиши мумкин. Улар бирбиридан фар= =илади. Кредиторларнинг =арзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг белгиланган муддати ўтишидан олдин =арздор томонидан =аноатлантирилганда =арздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳа=ида хўжалик судига ҳисобот та=дим этади. Хўжалик суди мазкур ҳисоботни ва кредиторларнинг шикоятларини кўриб чи=иб, агар узилмаган =арз =олмаганлиги ани=ланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, =арздор раҳбарининг ҳисоботини тасди=лайди ва банкротлик тў\рисидаги иш юритишни тўхтатади; агар узилмаган =арз борлигини ани=лаган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, =арздор раҳбарининг ҳисоботини тасди=лашни рад этади ҳамда булар ҳа=ида шикоят (протест) =илиниши мумкин бўлган ажрим чи=аради.

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун эса =уйидагилар асос бўлади: кредиторлар талабларини =аноатлантиришнинг =арзни узиш

жадвалида белгиланган муддатлари суд санацияси жараёнида =арздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан орти= муддатга) бузилганлиги; =арздор =арзни узиш жадвалини бажаришга =одир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. Хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тугатиб, таш=и бош=арувни жорий этиш ёки =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳа=ида илтимоснома билан кредиторлар йи\илиши мурожаат =илиши мумкин.

Суд санацияси, шунингдек белгиланган муддат тугаши муносабати билан ҳам тамомланади. Суд санациясининг тамомланиши тў\рисидаги масала суд мажлисида кўриб чи=илади ва бу ҳа=да хўжалик судининг тегишли суд ҳужжати =абул =илинади.

Банкротлик тў\рисидаги =онунда мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши, таъминотдан келиб чи=адиган мажбуриятларни бажариш якунлари тў\рисидаги ҳисобот ҳамда таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги о=ибатлари ҳам батафсил ёритилган.

## 3. Таш=и бош=арув.

**Таш=и бош=арув**хўжалик суди томонидан юридик шахсга нисбатан унинг тўлов =обилиятини тиклаш ма=садида =арздорнинг ишларини бош=ариш ваколатларини таш=и бош=арувчига ўтказган ҳолда =ўлланиладиган банкротлик таомилдир.

Кредиторлар йи\илишининг илтимосномаси, молмулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тў\рисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида =арздорнинг тўлов =обилиятини тиклашнинг ҳа=и=ий имкониятлари ани=ланган ҳолларда хўжалик суди томонидан ўн икки ойдан йигирма тўрт  ойгача бўлган муддатга жорий этилди.

Таш=и бош=арув жорий этиш таомилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шу пайтдан бошлаб =арздорнинг раҳбари ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилади, =арздорнинг ишларини бош=ариш таш=и бош=арувчининг зиммасига юклатилади, =арздорнинг бош=арув органлари ваколатлари тугатилади, кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чоратадбирлар бекор =илинади, =арздорнинг молмулкини хатлаш ва =арздорга нисбатан унинг ўзига тегишли молмулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бош=ача тарзда чекловлар фа=ат банкротлик таомили доирасида =ўлланилади, =арздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар  юзасидан кредиторлар талабларининг =ондирилишига нисбатан мораторий жорий =илинади.

Таш=и бош=арувчи хўжалик суди томонидан таш=и бош=арувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади ва бу тў\рисида ажрим чи=арилади. Бунинг имкони бўлмаса, хўжалик суди таш=и бош=арувчини таш=и бош=арув жорий этилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тайинлайди. Таш=и бош=арувчи тайинланганидан бир ойлик муддат ичида

таш=и бош=арув режасини ишлаб чи=иб, тасди=лаш учун кредиторлар йи\илишига та=дим этади.

Хўжалик суди кредиторлар йи\илишининг таш=и бош=арув режасини тасди=лаш тў\рисидаги =арори =абул =илиниб, унда белгиланган таш=и бош=арув муддати дастлабки муддатдан орти= бўлганда, агар таш=и бош=арув муддатини узайтириш ёки таш=и бош=арувнинг тасди=ланган режасини амалга ошириш =арздорнинг тўлов =обилиятини тикланишига олиб келишига етарли асослар бўлган та=дирда таш=и бош=арув муддатини узайтириш тў\рисида ажрим чи=аради.

Таш=и бош=арув режасида =арздорнинг тўлов =обилиятини тиклаш юзасидан =уйидаги чоратадбирлар назарда тутилади: ишлаб чи=аришни =айта ихтисослаштириш; норентабел ишлаб чи=аришларни ёпиш; дебиторлик =арзларини ундириш; =арздор молмулкини бир =исмини сотиш; =арздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш; учинчи шахсларнинг =арздорнинг мажбуриятларини бажариши; =арздорнинг =ўшимча акцияларини жойлаштириш; =арздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш; =арздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Таш=и бош=арувчининг кредиторлар йи\илиши томонидан кўриб чи=илган ҳисоботи ва кредиторлар йи\илишининг баённомаси кредиторлар йи\илиши ўтказилган санадан кейин беш кундан кечиктирилмасдан хўжалик судига юборилади. Ҳисобот ва бу юзасидан кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чи=илади.

Хўжалик суди кредиторлар йи\илишининг =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисидаги илтимосномаси бўлганда, шунингдек, таш=и бош=арувчининг ҳисоботини тасди=лаш рад этилганда ёки ҳисобот таш=и бош=арувнинг белгиланган муддати тугаган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида та=дим этилмаганда ёхуд ҳисоботни кўриб чи=иш натижалари юзасидан суд томонидан бирор бир =арор =абул =илинмаган бўлса, =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисида =арор =абул =илади. Бу =арорда, шунингдек таш=и бош=арувчини тайинлаган тартибда тугатиш бош=арувчисини тайинлайди.

## 4. Банкротлик тў\рисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш, уни ҳал этиш.

+онунчиликка кўра банкротлик тў\рисидаги ишлар хўжалик судлари судловига тааллу=лидир.

Хўжалик суди судьяси «Банкротлик тў\рисида»ги +онун ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси билан ўрнатилган талабларга риоя этилган ҳолда берилган =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани =абул =илиши шарт.

Бундай талабларга =уйидагилар киради:

ариза хўжалик судига мурожаат =илиш ҳу=у=ига эга бўлган шахс томонидан берилган бўлса;

иш хўжалик судига тааллу=ли бўлса ёки ариза берилган хўжалик суди судловига тегишли бўлса;

ариза уни имзолашга ҳу=у=и бўлган шахс томонидан имзоланган бўлса;

=онунда белгиланган ҳолларда ариза учун давлат божи тўланганлиги, унинг ми=дори ва тартиби тў\рисида маълумот;

ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова =илинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлиги тў\рисида маълумот.

Агар ариза вакил томонидан имзоланган бўлса, имзолашга ваколат берган шахснинг ишончномасини талаб =илиш зарур. Аризанинг мазмуни =онунда ўрнатилган талабларга мос бўлиши ҳамда «Банкротлик тў\рисида»ги +онуннинг тегишли моддаларига биноан тўпланган ҳужжатлардан ташкил топган иловага эга бўлиши керак.

Судья =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза келиб тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан аризани =абул =илиш ва банкротлик ишини =ўз\атиш ёки аризани =абул =илишни рад этиш ёхуд =айтариш тў\рисидаги масалани ҳал =илади. Ариза иш юритишга =абул =илинган та=дирда ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кузатувни жорий этиш ҳа=идаги масалани ҳал =илади. Аризани иш юритишга =абул =илиш ва кўриб чи=ишга тайёрлаш тў\рисидаги ажримда кредиторларнинг талабларини =ондиришга доир чоратадбирлар ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Суд амалиётида бу икки масалани бир ажримда кўрсатиб ўтиш одат тусига кирган.

Агар ю=орида кўрсатиб ўтилган талаблардан бирортаси бузилса ҳам, судья =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани =абул =илишни рад этишга ҳа=ли. Масалан, агар =арз =арздор томонидан уч ойдан кам бўлган муддатда тўланмаган бўлса, ариза =абул =илинмайди ва бу тў\рида ажрим чи=арилади. Мазкур ажрим ХПКнинг 117моддасига асосан якка тартибда судья томонидан 5 кунлик муддатда чи=арилади. Аризани =абул =илишни рад этиш тў\рисидаги ажрим устидан шикоят =илиниши мумкин. +арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани =айтариш асослари ХПКга асосан умумий тартибда амалга оширилади, яъни:

шакли ва мазмуни «Банкротлик тў\рисида»ги +онун талабларига риоя этмаган ҳолда тузилган бўлса;

ариза имзоланмаган ёки уни имзолаш ху=у=ига эга бўлмаган шахс ёки мансабмав=еи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова =илинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлиги тў\рисида маълумот бўлмаса;

белгиланган тартибда ва ми=дорда давлат божи тўланганлигини тасди=ловчи ҳужжатлар та=дим этилмаган бўлса;

аризани иш юритишга =абул =илиш тў\рисидаги ажрим чи=арилгунга =адар уни =айтариб олиш тў\рисида аризачидан ариза келиб тушган бўлса.

Аризани =айтариш тў\рисидаги ажримни судья якка тартибда чи=аради, ҳужжатлар аризачига =айтарилади, мазкур ажрим устидан шикоят

=илиниши мумкин. Йўл =ўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин, ариза =айтадан умумий асосларга кўра хўжалик судига =айта топширилиши мумкин.

«Банкротлик тў\рисида»ги +онуннинг 46моддасида кредиторлар талабларини таъминлашга доир чоратадбирлар белгилаб берилган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан суд кредиторларнинг талабларини =ундириш юзасидан чоралар кўришга ҳа=ли. ХПКнинг 77моддасида кўрсатиб ўтилган чоралардан таш=ари суд таш=и бош=арувчи ёки тугатиш бош=арувчисининг розилигисиз битимлар тузишни таъ=и=лаб =ўйиши, шунингдек =арздорни =имматли =о\озларни, валюта жам\армаларини ҳамда бош=а мулкларни са=лаб туриш учун учинчи шахсларга топширишга мажбур =илиши мумкин. Шунингдек =арздорнинг молмулкини бутунлигича са=лаб туришга =аратилган бош=а чоратадбирларни амалга оширишга ҳа=лидир.

Кредиторларнинг талабларини =ундиришга =аратилган чоратадбирларни кўриш ҳа=идаги ариза, у келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан кўриб чи=илиши шарт ва унинг натижалари юзасидан шикоят =илиниши мумкин бўлган ажрим чи=арилади. Кўрилган чоралар таш=и бош=арув жорий =илингунга ёки =арздорнинг банкрот деб топилишига  ёхуд тугатишга доир иш юритишнинг якунланишига ёки келишув битимининг тасди=ланишига ёки =арздорни банкрот деб топишни рад этиш тў\рисидаги ҳал =илув =арори чи=арилгунга =адар амалда бўлади.

+арздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига, аризачига ва ишда иштирок этаётган бош=а шахсларга мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга, шунингдек аризада кўрсатилмаган барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тў\рисида иш =ўз\атилганлигидан хабардор =илишга ҳа=ли, =арздорнинг хўжалик судига юбораётган ёзма фикрига мазкур ёзма фикрнинг нусхаси аризачига ҳамда банкротлик тў\рисидаги ишда иштирок этаётган бош=а шахсларга юборилганлигини тасди=ловчи далиллар илова =илиниши керак. +арздорнинг ёзма фикрининг йў=лиги банкротлик ишининг судда кўриб чи=илишига тўс=инлик =илмайди.

Шунингдек, =арздорнинг эътирозлари йў= бўлган та=дирда кредиторнинг талаблари асослантирилган деб ҳисобланади. Суд томонидан =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза ХПКнинг ва «Банкротлик тў\рисида»ги +онуннинг талабларига мос равишда тузилганлиги тасди=ланганидан кейин судья ХПКнинг 122моддасида белгиланган ишни кўришга тайёрлашга доир ҳаракатларни амалга ошириш масаласини кўриб чи=ади. Ушбу ҳаракатларнинг =ўлланилиш тартиби банкротлик тў\рисидаги ишнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Судья аризачи томонидан =арздорнинг тўловларни амалга ошира олмаслигини тасди=ловчи, асослантириш учун келтирган далилларини дахлдорлигини текширади. Кредитор томонидан келтирилган талабларни асослантирувчи исботларнинг ҳам дахлдорлик масаласи текширилади. Судья асосли =арор чи=ариши учун материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, =ўшимча далилларни та=дим =илишни талаб этиши мумкин. Масалан,

аризачи Давлат соли= инспекцияси бўлса, судья нафа=а фонди ва меҳнат биржасидан =арздорнинг бу ташкилотлардан =арзи бор йў=лиги ҳа=ида маълумот та=дим этишини сўрайди.

Ишни кўришга тайёрлаш судья томонидан якка тартибда ва ишда иштирок этувчи шахсларга хабар бермасдан амалга оширилади. Ишни кўришга тайёрлашдан кейинги бос=ич, бу аризачи ёки кредиторларнинг талабларига нисбатан =арздор томонидан келтирилган важларни текширишдир. Умумий асосларда ишни кўришга тайёрлашда важларнинг асослантирилганлиги суд томонидан бевосита низо кўрилаётган пайтда текширилса, банкротлик ишларида важларнинг асослантирилганлиги ишни мазмунан кўриб ҳал =илишдан олдин текширилади. +арздорнинг важларини текшириш бўйича алоҳида ажрим чи=арилишчи=арилмаслиги ҳа=ида =онунда алоҳида норма белгиланмаган, шунинг учун бу ҳа=да =арздор ёки кредиторларни хабардор =илиш ма=садга мувофи= бўлар эди. +арздор важларининг асослилигини текшириш натижалари тегишли кредиторлар йи\илишида овозлар сонини ани=лашга асос бўлиши мумкинлиги учун, суд бу важларни мазкур мажлиснинг биринчи йи\илиши бўлиб ўтгунга =адар текшириши лозим, чунки «Банкротлик тў\рисида»ги +онунга мувофи= кредиторларнинг биринчи йи\илиши ишни судда мазмунан кўриб ҳал =илинишидан олдин ўтказилиши керак. +арздорнинг важларини текшириш натижасида суд томонидан бу ҳа=да ажрим чи=арилади, унинг устидан шикоят келтирилиши мумкин эмас, чунки бу ҳакда ХПК ва «Банкротлик тў\рисида»ги +онунда кўрсатиб ўтилмаган.

Бундан таш=ари, =арздорнинг молиявий аҳволини ани=лаш учун ва ишни кўришга тайёрлашда, ишни кўришда махсус билимларни талаб =иладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди экспертиза тайинлайди. Экспертиза нафа=ат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра, балки хўжалик судининг топшири\ига асосан ҳам тайинланиши мумкин, чунки бу хўжалик процессуал ҳу=у=и нормаларига зид эмас.

Банкротлик тў\рисидаги иш умумий тартибда кўрилганда =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза иш юритишга =абул =илинганлиги ҳа=ида ажрим чи=арилган кундан эътиборан уч ойдан орти= бўлмаган муддатда кўриб чи=илади. Алоҳида ҳоллардагина ишни кўриш икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Судья =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани ўз иш юритувига =абул =илаётган ва=тда кузатувни жорий этиш ва мува==ат бош=арувчини тайинлаш тў\рисида ажрим чи=ариши мумкин. Кузатув жорий этиш тў\рисидаги масала судья томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида ҳал этилади.

Судья банкротлик тў\рисидаги ишни кўриб чи=иш натижалари бўйича =ўйидаги суд ҳужжатларидан бирини =абул =илади:

=арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш;

=арздорни банкрот деб топишни рад этиш тў\рисидаги =арор;

суд санациясини, таш=и бош=арувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш;

банкротлик тў\рисидаги иш юритишни тугатиш;

=арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани кўрмасдан =олдириш;

келишув битимини тасди=лаш тў\рисидаги ажрим.

Мазкур суд ҳужжатлари, агар =онун билан бош=ача =оидалар белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошмаган муддатда амалга оширилади. Бу муддат зарурат бўлганда суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш мобайнида =арздорнинг тўлов =обилияти тикланишига етарли асослар, яъни молиявий таҳлил маълумотлари билан тасди=ланган асослар пайдо бўлса ва =арздорга нисбатан суд санацияси ва (ёки) таш=и бош=арув таомили жорий этилмаган бўлса, тугатиш бош=арувчиси мазкур ҳолатлар ани=ланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва таш=и бош=арувга ўтиш ҳа=идаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тў\рисидаги масалани кўриб чи=иш ма=садида кредиторлар йи\илишини ча=иришга мажбурдир.

Тугатиш бош=арувчиси кредиторлар билан ҳисобкитоблар тамомланганидан кейин тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳа=идаги ҳисоботни хўжалик судига та=дим этади.

Хўжалик суди ҳисоботни кўриб чи=иб, тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳа=ида ажрим чи=аради ва тугатиш бош=арувчиси зиммасига бу ажримни юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўн кун ичида та=дим этиш мажбуриятини юклайди.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига =арздор тугатилганлиги тў\рисидаги ёзув ажрим та=дим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилади. Бу пайтдан бошлаб, тугатиш бош=арувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, =арздор эса тугатилган ҳисобланади.

Хўжалик суди томонидан банкротлик тў\рисидаги ишни кўриб чи=ишнинг ҳар =андай бос=ичида =арздор ва кредиторлар келишув битими тузишга ҳа=лидирлар. Келишув битимини тузиш тў\рисидаги =арорни =абул =илиш, уни тузиш тартиби, шакли ва мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, ҳа=и=ий эмаслиги ва о=ибатлари =онунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасди=ланиши керак, бу ҳа=да банкротлик тў\рисидаги иш юритишни тугатиш тў\рисидаги ажримда кўрсатиб ўтилади.

Таш=и бош=арув жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасди=ланиши кредиторлар талабларининг =ондирилишига жорий этилган мораторий ҳамда банкротлик тў\рисида иш юритишнинг тугатилиши учун асос бўлади. Агар келишув битими хўжалик суди

томонидан тугатишга доир иш юритиш даврида тасди=ланган бўлса, хўжалик судининг =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисидаги =арори ижро этилмаслиги керак.

## 5. +арздор юридик шахслар айрим тоифаларининг банкротлиги хусусиятлари.

«Банкротлик тў\рисида»ги +онуннинг алоҳида боблари шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналарнинг банкротлиги, =ишло= хўжалиги корхоналарининг банкротлиги, банкларнинг банкротлиги, су\урталовчининг банкротлиги, =имматли =о\озлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги масаласини кўзда тутади. Бу тоифаларга кирувчи шахсларнинг банкротлиги масаласи кўрилганда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос белгилари борлиги я==ол кўзга ташланади.

**Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона** деганда ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам =ўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа =обилияти ва хавфсизлиги са=лаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс тушунилади.

Бундай корхона банкротлиги тў\рисидаги иш, агар =арздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини =ондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга =одир бўлмаса, ҳамда бундай талаб ва мажбуриятлар **олти ой ичида бажарилмаган** бўлса, башарти =арздорга нисбатан билдирилаётган талаблар **энг кам иш ҳа=ининг беш минг карраси ми=дорини** ташкил этса, хўжалик суди томонидан =ўз\атилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тў\рисидаги иш кўрилаётганда тегишли давлат ҳокимияти органи ва тегишли вазирлик, давлат =ўмитаси, идора хўжалик бош=арув органи ишда иштирокчи шахс сифатида эътироф этилади. Бундай корхонага нисбатан хўжалик суди томонидан таш=и бош=арув кредиторлар йи\илишининг =арори асосида, бундай =арор бўлмаса, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат =ўмитаси, идоранинг ва хўжалик бош=аруви органининг илтимосномасига биноан, улар =арздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган та=дирда, жорий этилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи =арздор корхона ҳамда унга тенглаштирилган =арздор корхона таш=и бош=арув чо\ида кредиторларнинг талабларини =ондириш ма=садида мулкий мажмуа сифатида сотилиши мумкин. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**+ишло= хўжалиги корхонаси** деганда =ишло= хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги ва юридик шахс ташкил этмаган

ҳолдаги деҳ=он хўжалиги, шунингдек фаолиятининг асосий тури товар =ишло= хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат бўлган бош=а юридик шахслар тушунилади.

+ишло= хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тў\рисида иш =ўз\атилгунга =адар уларга нисбатан «+ишло= хўжалиги корхоналарини санация =илиш тў\рисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онунида белгиланган тартибда судгача санация =илиш =ўлланилиши мумкин. Судгача санация =илиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бош=а форсмажор ҳолатлар туфайли =ишло= хўжалиги корхонасининг ишлаб чи=аришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация =илиш ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

+ишло= хўжалиги корхонасида кузатув, суд санацияси ва таш=и бош=арув етиштирилган товар =ишло= хўжалиги маҳсулотларини реализация =илиш учун зарур ва=тни ҳисобга олган ҳолда =ишло= хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга =адар бўлган муддатга жорий этилади. Бунда кузатув таомили муддати уч ойдан, суд санацияси ва таш=и бош=арув жами муддати эса ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим. Бу муддат =онунда белгиланган ҳолатларда ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Банкрот деб топилган =ишло= хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган молмулк ким ошди савдосига мулкий мажмуа сифатида сотишга =ўйилмо\и лозим.

+арздорнинг молмулкини сотиб олишда имтиёзли ҳу=у==а, шунингдек ерга эгалик =илиш ҳу=у=ига =ишло= хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шу\улланаётган ва =арздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик =илувчи шахслар эга бўладилар.

**Банкни банкрот** деб топиш тў\рисидаги аризани кўриб чи=иш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳу=у=ини берувчи лицензия =айтариб олинганидан кейингина хўжалик суди томонидан =абул =илинади.

Банкларга нисбатан таш=и бош=арув жорий =илинмайди. Банкнинг банкротлиги тў\рисидаги иш кўрилаётганда =онунга мувофи= Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фу=ароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди ҳам ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади.

**Су\урталовчининг банкротлигига** доир иш кўрилаётганда шуни унутмаслик керакки, =онунда кўрсатиб ўтилган ишда иштирок этувчи шахслардан таш=ари су\урта фаолияти устидан назорат =илувчи давлат органи ҳам ишда иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

Су\урта ташкилотига тегишли мулкий мажмуани сотиш таш=и бош=арув жараёнида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ташкилотнинг мулкий мажмуасини сотиб олиш ҳу=у=и фа=атгина су\урта ташкилотларига тегишлидир. Су\урталовчининг мулкий мажмуаси таш=и бош=арув жараёнида сотилган та=дирда су\урталовчининг мулкий мажмуаси сотилаётган санадаги су\урта ҳодисаси юзага келмаган су\урта шартномалари бўйича барча ҳу=у= ва мажбуриятлар мажмуани сотиб олган шахсга ўтади.

Тугатишга доир иш юритиш ўтказилаётганда су\урталовчининг мулкий мажмуаси сотиб олувчи фа=ат су\урталовчи банкрот деб топилган санага =адар су\урта ҳодисаси юзага келмаган су\урта шартномаларини ўз зиммасига олишга рози бўлганда сотилиши мумкин.

**+имматли =о\озлар бозори профессионал иштирокчилари** бўлмиш шахсларнинг банкротлиги тў\рисидаги иш кўриб чи=илаётганда =имматли =о\озлар бозорини тартибга солувчи ва мувофи=лаштирувчи ваколатли давлат органи ҳам хўжалик судлов ишида иштирок этувчи шахс ҳисобланади.

+имматли =о\озлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тў\рисидаги иш бўйича суд бош=арувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириши учун суд бош=арувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек унда =имматли =о\озлар бозорини тартибга солувчи ва мувофи=лаштирувчи ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия бўлиши керак.

## 6. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг хусусиятлари.

«Банкротлик тў\рисида»ги +онунга мувофи= якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг асосий белгиси банкротлик аломатлари мавжуд бўлган та=дирда, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳа=ининг ўттиз каррасини ташкил этиши ва ушбу мажбурият ва=ти келгандан кейин 3 ой муддат ичида амалга оширилмаганлигидир.

+арздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза хўжалик судига =арздор, якка тартибдаги тадбиркор, кредитор, прокурор, шунингдек давлат соли= хизмати органлари ва бош=а ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

+арздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисида ариза бериш ҳу=у=ига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки со\лигига етказилган зарарнинг ўрнини =оплаш тў\рисидаги, алиментларни ундириш тў\рисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги бош=а талаблар =ўядиган кредиторлар бундан мустасно.

+арздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда ҳаёти ёки со\лигига етказилган зарарнинг ўрнини =оплаш, алиментларни ундириш тў\рисидаги талабларни, шунингдек шахсий хусусиятдаги бош=а талабларни =ўяётган кредиторлар ўз талабларини та=дим этишга ҳа=ли. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили =ўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, =арздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тугаганидан кейин ҳам ўз кучини са=лаб =олади.

+арздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топиш тў\рисидаги аризасига =арзларни тўлаш режаси илова =илиниши мумкин, режанинг нусхалари кредиторларга ва ишда иштирок этаётган бош=а шахсларга жўнатилади.

Кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди =арзларни узиш режасини тасди=лаши мумкин, бу эса банкротлик тў\рисидаги иш юритилишини узо\и билан икки ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

+арзларни узиш режаси =уйидагиларни ўз ичига олади:

режани амалга ошириш муддати;

=арздор ёки унинг оила аъзоларига истеъмоли учун ҳар ойда =олдириладиган сумма ми=дори;

кредиторларнинг талабларини =аноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сумма ми=дори.

Хўжалик суди банкротлик тў\рисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан =арзларни тўлаш режасини ўзгартириши, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтириши ёки =ис=артиришга, =арздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда =олдириладиган сумма ми=дорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳа=лидир.

Агар =арздор якка тартибдаги тадбиркор =арзларни узиш режасини бажариши натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда =аноатлантирилган бўлса, банкротлик тў\рисидаги иш юритиш тугатилиши керак.

+арздор банкрот деб топилган та=дирда тугатишга доир иш юритиш бошланади. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг тугатиш массасига =онун ҳужжатларига мувофи= ундирув =аратилиши мумкин бўлмаган молмулклар киритилмайди. Хўжалик суди =арздорнинг ҳамда банкротлик тў\рисидаги ишда иштирок этаётган бош=а шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан якка тартибдаги тадбиркорнинг =онун ҳужжатларига мувофи= ундирувни =аратиш мумкин бўлган, ноликвид молмулкларни ёки реализация =илинганда тушган даромад кредиторларнинг талабларини =ондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган молмулкини тугатиш массасидан чи=аришга ҳа=ли. Якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасидан чи=ариладиган молмулкининг умумий =иймати энг кам иш ха=ининг эллик бараваридан орти= бўлмаслиги керак. Бундай молмулкнинг рўйхати хўжалик суди томонидан тасди=ланиб, бу ҳа=да ажрим чи=арилади.

+арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин якка тартибдаги тадбиркорнинг ўз молмулкини тасарруфидан чи=ариш ёки бош=а манфаатдор шахсларга бериш билан бо\ли= бўлган битимлари ўзўзидан ҳа=и=ий бўлмаган битимлар ҳисобланади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисидаги аризани =абул =илиш билан бир пайтда якка тартибдаги тадбиркорнинг молмулкини хатлаб =ўяди, =онун ҳужжатларига мувофи= ундирувни =аратиш мумкин бўлмаган молмулк бундан мустасно. +арздорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асослантирилган кафиллик берилган ёки бош=а кафолатланган таъминот та=дим этилган та=дирда хўжалик суди якка тартибдаги

тадбиркорнинг илтимосномасига биноан якка тартибдаги тадбиркорнинг молмулкини (молмулкининг бир =исмини) хатловдан чи=ариши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига биноан хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисобкитоб =илиши ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тў\рисидаги ишни кўришни узо\и билан бир ой муддатга кейинга =олдириши мумкин. Кредиторлар билан ҳисобкитоб =илинганлиги тў\рисидаги далиллар ёки келишув битими та=дим =илинмаган та=дирда, суд якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисида =арор =абул =илади.

Якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилган ва=тдан бошлаб:

=арздорнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади;

=арздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойка (жарима, пеня), фоизлар ҳисоблаш ва бош=а и=тисодий (молиявий) санкциялар бекор =илинади;

=арздордан барча ижро ҳужжатлари буйича ундирувлар ҳам бекор =илинади, алиментлар ундириш тў\рисидаги талаблар бўйича, шунингдек ҳаёти ёки со\ли\ига етказилган зарарнинг ўрнини =оплаш тў\рисидаги талаблар бўйича ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисидаги =арорни хўжалик суди ани=ланган барча кредиторларга улар ўз талабларини та=дим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда жўнатади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Хўжалик судининг ана шундай =арорини юбориш якка тартибдаги тадбиркор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисида =арор =абул =илган пайтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йў=отади, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари билан шу\улланиш учун унга берилган лицензияларнинг амал =илиши тугатилади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисидаги =арор нусхасини айни шу шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган орган ва лицензияловчи органга юборади. Хўжалик судининг =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисидаги =арори ҳамда ундирувни =арздорнинг молмулкига =аратиш тў\рисидаги ижро вара=аси =арздорнинг молмулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади.

+арздор якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас молмулкини ёки =imматли кўчар молмулкини доимий бош=арув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур ма=садлар учун тугатиш бош=арувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳа= ми=дорини белгилайди. Бу ҳолларда, =арздор якка тартибдаги тадбиркорнинг молмулки тугатиш бош=арувчиси томонидан сотилади. +арздорнинг молмулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд на=д пул мабла\лари якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисидаги =арорни =абул =илган хўжалик судининг депозитига киритилади.

Кредиторларнинг билдирилган талаблари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини =ондириш тартиби ва ми=дори тў\рисида ажрим чи=аради. Аввал банкротлик ишини кўриш ва хўжалик судининг якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тў\рисидаги =арорини бажариш билан бо\ли= харажатлар =опланади, кейинги ўринда бюджетга мажбурий тўловлар, гаров билан таъминланган талаблар ва бош=алар =опланади.

Кредиторлар билан ҳисобкитобларни амалга ошириш тугаганидан кейин суд ҳаракатлари амалга оширилаётган пайтда кредиторлар томонидан =ўйилган талаблардан озод этилади. Ҳаёт ёки со\ликка зарар етказиш, алимент ундириш тў\рисидаги талаблар банкротлик иши тугатилгандан кейин ҳам =ўйилиши мумкин. Агар =арздор мулкини яширганлиги ёки уни но=онуний равишда учинчи шахсларга берганлиги факти ани=ланса, суд ҳаракатлари давомида талаблари =ондирилмаган кредиторлар ундирувни ушбу молмулкка =аратилишини сўраб мурожаат =илишга ҳа=ли.

## 7. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилларига янги таҳрирдаги «Банкротлик тў\рисида»ги +онуннинг 11бобида кўрсатиб ўтилган тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган =арздорнинг банкротлиги киради.

**Хўжалик суди томонидан молияхўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган** (банк ҳисобвара=лари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдовоситачи корхоналар), шунингдек, =онунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жам\армаларини шакллантирмаган юридик шахслар тугатилиши мумкин.

Мазкур юридик шахсларнинг тугатиш жараёнида унинг молмулки =иймати кредиторларнинг талабларини =ондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) ушбу юридик шахсни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат =илиши ёки =онун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат соли= хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

Тугатилаётган =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза кредиторлик =арзининг ми=доридан =атъий назар берилиши керак. Ушбу ҳолатда хўжалик суди томонидан =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги =арор =абул =илинади, тугатишга доир иш юритиш бошланади ҳамда тугатиш бош=арувчиси тайинланади.

Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва таш=и бош=арув таомиллари =ўлланилмайди. Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топилганлиги тў\рисидаги эълон чоп этилган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида та=дим этишга ҳа=ли.

Агар ю=орида кўрсатиб ўтилган ҳолатда тугатиш комиссияси хўжалик судига мурожаат =илмаган бўлса, бу юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тў\рисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Шунингдек, тугатилаётган юридик шахсни =онунда белгиланган ҳолатда банкрот деб топиш тў\рисида хўжалик судига мурожаат =илиш талабини бузилишига йўл =ўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан =ондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

**Банкротликнинг соддалаштирилган таомилига ҳозир бўлмаган =арздорнинг банкротлиги** ҳам киради.

Ҳозир бўлмаган =арздор деганда ўз фаолиятини тугатган якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) ани=лашнинг имкони бўлмаган ҳолат тушунилади.

Бу ҳолатда юридик шахс мажбурий тарзда эмас, балки ихтиёрий равишда тугатилаётган бўлади. Шунинг учун ҳам банкротлик таомилларининг ҳозир бўлмаган =арздорга нисбатан тўли= ҳажмда =ўлланилиши мажбурий шарт =илиб белгиланмаган. Ҳозир бўлмаган =арздорни банкрот деб топиш тў\рисидаги ариза кредиторлик =арзининг ми=доридан =атъий назар кредитор, банкротлик тў\рисидаги ишлар буйича давлат органи, соли= хизмати органи ёки бош=а ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Хўжалик суди ҳозир бўлмаган =арздорни банкрот деб топиш ҳа=идаги аризани ўз иш юритувига =абул =илиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида =арздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тў\рисида =арор =абул =илади.

Ҳозир бўлмаган =арздорнинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва таш=и бош=арув таомиллари =ўлланилмайди. Хўжалик судининг =арори банкротлик тў\рисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур =арорни олган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида хўжалик судига тугатиш бош=арувчилигига номзод та=дим этади. Бундай номзод бўлмаган та=дирда хўжалик суди тугатиш бош=арувчисини банкротлик тў\рисидаги ишлари бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Тугатиш бош=арувчиси ўзи ани=лаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган =арздорнинг банкротлиги тў\рисида ёзма равишда хабардор =илади, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатиш бош=арувчисига ўз талабларини та=дим этишлари мумкин. Тугатиш бош=арувчиси ҳозир бўлмаган =арздорнинг молмулкини ани=лаган та=дирда, хўжалик суди унинг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор =илиш ҳамда ушбу +онунда назарда тутилган банкротликнинг умумий таомилига ўтиш тў\рисида ажрим чи=ариши мумкин.

Хўжалик судлари амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу тоифадаги ишларнинг кўпчилигида аризачи бу давлат соли= хизмати органларидир. Ушбу ҳолатда соли= органлари ўз аризаларига хўжалик юритувчи субъект ёки унга тегишли молмулкнинг юридик манзил ёки охирги рўйхатга олинган

ерда йў=лигини тасди=ловчи ва турар жойнинг эгаси, маҳалла =ўмитаси ёки бинолардан фойдаланиш бош=армаси томонидан тасди=ланган далолатномаларни илова =иладилар. Шунингдек =арздор якка тартибдаги тадбиркор ёки амалда ўз фаолиятини тугатган =арздор юридик шахснинг раҳбари =аерда эканлигини ани=лашнинг имкони йў=лигини тасди=ловчи далиллар, (масалан,Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаганлиги ҳа=ида манзилгоҳлар бюросидан маълумотнома) ёки турар жойидан, рўйхатга олинган жойда яшамаслиги ҳа=ида соли= ва бош=а ваколатли орган вакиллари томонидан тузилган ва тегишлича маҳалла =ўмитаси томонидан тасди=ланган далолатлар илова =илинади.

**Назорат саволлари:**

1. Банкротликнинг аломатлари =андай?
2. Судгача санацияга =андай чоратадбирлар киради?
3. Банкрот деб топиш тў\рисидаги аризага =ўйиладиган талабларни айтиб беринг.
4. Банкротлик тў\рисидаги ишларнинг судда кўрилиш тартибини тушунтириб беринг.
5. +арздор ва кредиторнинг келишув битими =андай тартибда тузилади?